

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
“МАҲАЛЛА ВА ОИЛА” ИЛМий-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

Муҳаммад Қуроноф

ОИЛА

**УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ
ЭНГ МУСТАҲКАМ УСТУНИ**

УЎК 792(575.1)(091)(084)

КБК 74.202.4

М 91

Қуронов, Муҳаммад

Оила учинчи ренессансининг энг мустаҳкам устун / Муҳаммад Қуронов
– Тошкент: Yoshlar mediaprint, 2021. – 100 б.

Мазкур услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институтида Президентимизнинг “Ота-оналар янги Ренессансининг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устун бўладилар”, деган ғояларига таянган ҳолда, “Мамлакатимизда хотин-қизлар ва ёшлар муаммоларини маҳалла тизими орқали ўрганиш ва ҳал этишнинг янги тизими – “Аёллар дафтари”ни жорий этиш методикасини яратиш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида яратилган.

Китобда ривожланган мамлакатларнинг илғор ижтимоий-педагогик тажрибалари таҳлили, маҳалла педагогикаси, маҳалла ва оилаларда маънавий муҳитни соғломлаштириш, камбағаллик, жиноятчилик ва оилавий ажримларнинг олдини олиш, ахборот хуружларига қарши туриш, оилавий тарбия борасида олиб борилган тадқиқот натижалари ҳамда муаллифнинг ҳаётий кузатишларда тўплаган мисоллари жамланган.

Услубий қўлланма маҳалла фаоллари, ходимлари ва ота-оналарнинг ижтимоий-сиёсий, педагогик билимларини ошириш фаолиятида муҳим илмий-амалий манба бўлиб хизмат қилади.

Масъул муҳаррир:

Педагогика фанлари доктори, профессор Н.Эгамбердиева

Тақризчилар:

Педагогика фанлари доктори, профессор О.Мусурманова

Сиёсий фанлар бўйича (PhD) фалсафа доктори М.Мусаев

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти Илмий кенгашининг 2021 йил 15 январдаги 4-сон мажлис баёни билан нашрга тавсия этилган.

© “Маҳалла ва оила” илмий-
тадқиқот институти

ISBN 978-9943-6863-1-1

© YOSHLAR MEDIAPRINT, 2021

КИРИШ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Учинчи Ренессанс ёшларимиз тарбиясига боғлиқлигини алоҳида таъкидлади. Ёшлар тарбияси миллий юксалишимизнинг куч-қудратига айланиши учун, аввало, Учинчи Ренессанснинг бешинчи устуниси – оила тарбияси биринчи ва энг муҳим вазифани бажариши керак. Бу эса ота-оналарнинг ижтимоий-педагогик билимларини ошириш, уларга фарзандларни Ўзбекистон маънавий тарбия Концепцияси асосида тарбиялашга ўргатишни шарт қилиб қўяди.

Ушбу рисола “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти томонидан тайёрланган бўлиб, унда ота-оналарга Янги Ўзбекистоннинг янги авлодини тарбиялашнинг назарий, методик масалалари илмий-оммабоп тарзда баён этилади. Бу янги авлодни Учинчи Ренессанс талаблари асосида тарбиялаш учун ижтимоий педагогик компетенциялар билан қуроллантиришга илмий-амалий шарт-шароитни яратиш учун ўта муҳимдир.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда ёшларга қарата тарқатилаётган турли-туман ғоялар, фикрлар ота-оналардан уларнинг салбий таъсирини зарарсизлантириш йўллари билиш тақозо этилади. Ўсмир-ёшларимиз ҳар куни турли ғоялар таъсирига дуч келишади. Бироқ, ота-оналарнинг ҳаммаси ҳам бу таъсирлар салбий ғояларнинг таъсири эканлигини англайвермайдилар. Масалан, ўсмир қизингиз Сарвиноз мактабдан эшитиб келган ёт ғоя: *“Тугилган кунимни кафедра ўтказиб берасизлар. Дугонам Шаҳзоданинг ота-онаси шундай қилишибди. Менинг ундан нима*

кам?”, деди. Сарвинознинг бу талаби мактаб, оила тарбиясидаги муаммолар ва унинг дугоналари муҳитида мавжуд маънавий фикр ва ғоялар ҳақида маълумот беради.

Айрим ота-оналарнинг фазилатлар тарбияси бора-сидаги билим, компетенциялари етишмаслиги болалар тарбиясига зарар етказаяпти. Яна бир мисол: 2020 йил, май. 70 ёшларни қоралаган буви самокатда учаётган набирасига: *“Насимжон, тез-тез учинг. Тўхтаманг. Пулга, ижарага олганмиз-а! Ҳа, ҳа, кўпроқ учинг. Қаранг, самокатингиз ўртоғингиз Абдулланикидан баланд экан. Умидникидан ҳам зўр. Эртага айтинг уларга. Бир ичлари куйсин”*. Бу ҳам педагогик хатолардан бири. Бу билан меҳрибон бувижони 9 ёшли пок Насимжонга меҳрга қўшиб, нотўғри тарбия бераяпти. Бундай фикрлар Насимжонда кибр, ҳасад иллатларини пайдо қилаяпти. Кибр, ҳасад эса эгасини, миллатни парчалайдиган иллат...

Мазкур рисола ота-оналарни ана шундай тарбиявий хатолардан огоҳлантиради. Маҳалла, оилаларда Ўзлуксиз маънавий тарбияни амалга ошириш нима учун, ким учун кераклигини ота-оналарнинг орзулари билан боғлаб уқтиради, кўрсатади. Педагогик билимлар билан қуролланган ота-оналар ўзларининг мураббийлик бурчларини сифатли, масъулият билан бажаришларига илмий-амалий ёрдам беради.

ОИЛА – УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ ЭНГ МУСТАҲКАМ УСТУНИ

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига бағишланган тадбирда Президентимиз “Янги Ўзбекистон” иборасига алоҳида тўхталиб, “Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айти ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”, деди. Бу бежиз эмас.

Янги Ўзбекистон – Янги тарбия

Ўз тарихида икки ренессанс кўрган мамлакатимизнинг гербида Ҳумо куши қанот кериб турибди. Бу тасодиф эмас. Ҳумо – жаҳон цивилизация марказларидан бири, қадимий ва навқирон Ўзбекистон рамзи – Ренессанс рамзи.

Халқимиз, айниқса, ёшлар – шод. Чунки янгилашниш, уйғониш, жўшқинлик Ренессансларнинг ҳаракатлантирувчи кучи – ёшларга хос оловли туйғулардир.

Сўнгги йилларда дунё ижтимоий фанларида маданий код, миллий код тушунчалари кенг қўлланилмоқда. Маданий код бу – аجدодлардан мерос қолган ноёб маданий хусусиятлар. Улар халқнинг рамзларида, гоҳ англабланган, гоҳ англабмаган ҳолда хулқ-автор, одатларида намоён бўлади. Маданий код ўзбекча айтганда “асли қонида бор нарса”га тўғри келади.

Имом Бухорий, Термизий, Ибн Сино, Марғиноний, Беруний, Насафий, Фарғоний, Замаҳшарий, Мотуру-

дийларнинг меросхўрларимиз. Улар ўзларидан 1000 йил кейин Ислом Академияси, Ислом Цивилизацияси марказини қуриш ҳуқуқини олиб, бизга бериб кетдилар. Икки ренессансни яратган боболар қони бугун бизнинг томирларимизда оқаётир. Шундай экан, Янги Ўзбекистонда қайта тикланиш тажрибасини қаердан излашимиз керак? Бу саволга жавобни ҳазрат Алишер Навоий тайинлаб кетганлар: **“Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил”**.

Аждодларимиз жаҳон аҳлига диний ва дунёвий илмларнинг аслини ўргатган. Дунёнинг етук олимлари бизнинг боболаримиз билан танишликлари, уларга шоғирдликлари, уларнинг асарларини ўқиганликлари билан фахрланишган. Бизга бугун мана шу шон, мана шу шараф дарвозаси қайта очилмоқда.

2019 йилнинг 31 декабрь куни “Ўзлуксиз маънавий тарбия Концепцияси” тасдиқланди. Унга кўра 30 ёшгача бўлган ўқувчи-ёшларда Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилиқ, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилиқ, масъулиятлилиқ, бағрикенглиқ, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби таянч фазилят, ижтимоий компетенциялар ривожлантирилади. Бу фазилятлар оилавий тарбияга ижтимоий буюртмага айланади. Шу вақтгача натижаси мавҳум бўлиб келган тарбия мана шу таянч фазилятларда натижа топади. Мукаммал компетенция-фазилятлар билан мустақил ҳаётга кириб борган ўғил-қизларимиз ўзини ҳам, Ватанини ҳам бахтли қиладилар.

Мактаб, оилалар учун “Ўзлуксиз маънавий тарбия Концепия”сининг инновационлиги нимада? Илгари Ўзбекистоннинг 1-18 ёшгача бўлган болалар, ўсмирлар ёшига мос қандай маънавий талабларга жавоб бериши керак?”, “Бир йиллик тарбиянинг натижалари қандай бўлди?”, деган аниқ савол қўйилмаган. Қўйилса ҳам

“Ҳамкорликда кўп тадбирлар ўтказдик. Энди, болалар катта бўлса, маълум бўлади-да, тарбияси”, деган фикрлар билдирилган. Ёки 5-6 нафар иқтидорли ёшларни кўрсатиб, тарбиявий ишлар ютуғи, дейилган. Бугунги уюшмаган ёшларимиз ана шу ноилмий тарбиянинг жабрдийдалари.

Болалар ғайратли рақсга тушишар, шеърни кўзлари ёниб, тўтидек ўқишар, бироқ, шеър, рақс тугагач, кўзлари бўм-бўш, ҳамма қатори бўлиб қолишар эди. Чунки тарбия оғзаки эди. Амалий эмас эди. Фазилатлар тренингларда ўргатилмас, шу сабаб натижа фазилатга айланмасдан, билим даражасида қолиб кетар эди. Шунинг учун бугун 15-20 ёшли болаларимизнинг хулқи бизни ранжитаётган бўлса, бунга улар айбдор эмас. Уларнинг билмаслиги – тушунтирилмаганидан, қилмаслиги – ўргатилмаганидан. Ватанпарварликни ҳам, чой сузишни ҳам, уялишни, масъулиятни, салом беришни ҳам.

Энди “Бугун мактабларни битираётган ёшларимиз Учинчи Ренессансга хизмат қилишга тайёрни?”, деган саволга “Ҳамкорликда кўп тадбир ўтказганмиз. Энди тарбияси катта бўлса билинади-да”, дейиш, ўзини алдаш бўлади. Энди “Ҳа энди тарбия, маънавиятни ўлчаб бўлмайди-да. Бошиям, охириям йўқ-ку”, дейиш тўхтайди. Миллий ғоянинг тарбияга қандай жорий бўлаётгани амалда, ҳамма жойда, болаларимиз фазилатларида ҳар куни ёшига мос кўриниб, ёшителиб туради.

Маънавият ва маърифат, мафкуравий тарбия бизга Ватаннинг ўғил-қизлари сифатида, ишлаш ва яшаш бурчини эслатади. Учинчи Ренессанс нима учун, ким учун кераклигини халққа унинг орзулари билан боғлаб уқтиради, кўрсатади. Тушунган халқ – ғоя билан қуролланган халққа айланади. Ўз миллий ғоясини англаган халқни эса тўхтатиб бўлмайди.

Инновацион фикрлаш

“Учинчи Ренессанс” натижаларининг қачон, қандай бўлиши ҳар бир оиланинг инновацион фикрлашига боғлиқ. Бунинг учун инновацион яшаш – ҳар биримизнинг ҳаёт тарзимизга айланиб, ҳар бир ўзбекистонлик ўз соҳасининг инноватори бўлиши керак. Яъни ҳар бир ота-она, тадбиркор, фермер, ўқитувчи, санъаткор, журналист, боғча тарбиячиси, имом, талаба, қурувчи, олим, провайдер, тикувчи, тарғиботчи, маҳалла раиси “Нима қилсам, ишимнинг самараси ошади?”, деб ўйлансин. Ижод қилсин, бош қотирсин. Ўз ишига, ҳаётига янгиликлар киришиб яшасин. Ана шунда бахтнинг ўзи унга қараб келадиган бўлади. “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”да ўн таянч фазилатнинг бири инновацион фикрлаш этиб белгиланганлигининг ҳикмати шунда. Ҳаракатдан барака.

Тарихда бир кишининг инновацион фикрлаши бутун бошли халқни ҳалокатдан сақлаб қолганига мисоллар бор. Бир тарихий мисол эсга тушади. Дунёдаги энг катта гонорар II асрда Рим императори Марк Аврелий томонидан шоир-методист Оппианга берилган. Оппиан севги, ишқий ўртанишлар ҳақида эмас, балиқчилик ва ов қилиш қоидалари ҳақида 20 000 байтлик икки дoston ёзган эди. Император дostonларнинг ҳар бир сатри учун бир олтин тангадан қалам ҳаққи беради¹. Чунки одамлар бу дostonларни ўқиб, қуйлаб, эшитиб, балиқ тутиш, ов қилиш қоидаларини ўрганиб олишди. Мана шу битта артпедагогик инновация халққа балиқ тутиш маҳоратини ўргатиб, уни очликдан сақлаб қолган.

Хуллас, Учинчи Ренессанс маънавияти ёшларимизни, халқимизни инновацион фикрлашга, ўйлашга, яшашга ўргатишни талаб қилади. Бунинг учун нафақат болалар

¹ Ziyo istagan qalblar uchun. @Ziyouzcom. 2017 йил 24 декабрь.

боғчалари, мактаб, лицей, институтлар, балки оилаларда ҳам болаларимизни инновацион фикрлашга ўргатиш ҳам фарз, ҳам қарзга айланмоғи мақсадга мувофиқдир.

Миллий ғоя – миллий мотивация

Миллий ғоя – халқ орзуси, ниятининг ифодаси. У миллий ривожланишнинг янги талабларидан келиб чиқиб янгиланиб туради. Ўз чиқишларидан бирида Президентимиз “Миллий ғоя нима учун керак?”, деган саволни ўртага ташлади. Жавобини ҳам бир жумлага жо қилиб, “Ватанни севиш учун”, деди. Учинчи Ренессанс биздан ана шу севгини – Ватанни уйимиздек, халқимизни оиламиздек севишни сўраяпти. Чунки фақат севги инсонни янги, яхши келажак яратишга сафарбар қилади, мададкор бўлади.

Учинчи Ренессансни ким амалга оширади? Ўзида Ватанга содиқлик, тadbиркорлик, иродалилиқ, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибат, масъулият, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварликни мужассам қилган ўзбекистонликлар. Учинчи Ренессанс биздан жон, соғлиқ, маблағ эмас, юқоридаги фазилатларни ҳар куни амалда кўрсатишни сўрайди. Ўз ишимизни ҳалол-пок, сифатли, виждонимиз назоратида бажаришни сўрайди.

Учинчи Ренессанс инсон маънавиятидаги ренессансдан сезилади ва бошланади. Бу эса миллий характеримизга, маънавий инновациялар киритишимизни талаб қилмоқда. Аслида энг қийин, аммо энг тўғри йўл ва ресурс шу. Бу халқимиз характери кучли фазилатлар – ирода, тиришқоқлик, меҳнатсеварлик, инновацион фикрлаш, тadbиркорлик билан кучайтиради. Бунинг учун ўта аниқ илмий педагогик-психологик тадқиқот-

ларни мунтазам ўтказиб боришимиз зарур. Уларда “Учинчи Ренессанс учун халқимиз характерида қайси фазилатларни кучайтириш керак?”, “Қайсилари бор?”, “Нималар етишмаяпти?”. “Қайси иллатлар Учинчи Ренессансни бошлашимизга халақит беради?” (Масалан, ҳасад, кўролмаслик, исрофгарчилик, лоқайдлик, ёлғон, меҳрсизлик, ғийбат...) қабилида. Буларни бир тизимга солиш учун **“Жамиятни Учинчи Ренессансга тайёрлашнинг илмий-амалий дастури”**ни ишлаб чиқиб, дадил жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Нега деганда, юқорида айтганимиздек, Учинчи Ренессанс, аввало, ўзбекистонликларнинг маънавиятида, характерида рўй беради.

Маънавий Ренессанс қанча кучли бўлса, Учинчи Ренессанс шунча тез, самарали бўлади. Ана шунда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар маънавиятдаги, характеримиздаги ислохотлар билан қўллаб-қувватланади. Бунинг учун илгари учраб турган “Маънавиятни ўлчаб бўлармикан?”, деган иккиланишлардан воз кечишимиз керак. Зеро, аждодларимиз Биринчи ва Иккинчи Ренессансларни илмдан нажот олиб яратишган. Демак, Учинчи Ренессансда ҳам “Илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмағай” (Имом Бухорий).

Ҳар соҳанинг илми бор. Учинчи Ренессанс тарбия, маънавий-маърифий соҳанинг ихтисослашувига боғлиқ. Ана шунда жамият ёшларимиздан кутаётган таянч фазилатлар, уларнинг реал ҳаётда қандай намоён бўлаётганини диагностик ўрганиш имкони яратилади. Натижада “Ўзлуксиз маънавий тарбия Концепцияси” асосида ҳар бир ўзбекистонликда таянч фазилатларни илмий асосда кучайтиришга эришилади. Учраётган маънавий иллатларни қуритиб бориш мумкин бўлади.

Бунда ҳар бир инсон билан амалий ишлаш, энг миллий-замонавий технологияларни жорий қилиш зарур.

“Мен” ва “Биз” уйғунлиги

Президентимиз ўз чиқишларидан бирида **“Қурашга тайёрланган, қурашган одам ютади”**, деган эди. Учинчи Ренессанс биздан қийинчиликларга қарши қурашга тайёр бўлишимизни тақозо қилади. Бу тайёрлик барча соҳаларни қамраб олиши ва ҳамма жойда, ҳар биримизда намоён бўлиши лозим.

Масалан, халқ ўз ватандош тадбиркорларини, тадбиркорлар ўз халқини қўллаб-қувватлаши керак. Миллионга “Мен”дан аҳил битта “Биз”га қўтарилиш умум-халқ ҳаракатига айланиши керак. Афсуски, бунинг акси ҳам учраб туради. Ўтган йиллар ҳайит байрамларида мамлакатимизнинг айрим шаҳарларида нарх-наво икки қарра қўтарилганини кўрдик. Баъзи шаҳарларда эса бир неча бор туширилганини ҳам кўрдик. Бу ҳолат яқинда коронавирус шароитида талабаларга такси хизмати кўрсатилишида, дори савдосида ҳам учради. Кимдир бепул, савоб учун, ватандошим, деб хизмат қилса, кимдир нарх-ни икки-уч маротаба оширди. Ҳар бир ўзбекистонликнинг бир-бирида ватандошлик ҳаққи ва бурчи бор-ку!

Демак, миллий ғоя – мотивациянинг таъсири, рўёби иқтисодиётда, кундалик ҳаётда кўриниб турса, Учинчи Ренессанс йўлида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар аҳил, қарс икки қўлдан бўлса, биз янада бирлашамиз.

Миллий ғоя одамларга Учинчи Ренессанс ким учун, нима учунлигини, аҳамиятини тушунтиради. У берган мотивация ётгани – ўтиришга, ўтирганни – туришга, тургани – юришга, юрганни – югуришга ундайди. Рағбат бериб, шавқлантиради. Тушунтиради. Чунки

“Нега?” лигини билмаган, тушунмаган одамлар бирлашмайди. Қўшилса ҳам, кўр-кўрона, юзаки ишлайди. Бири ишласа, иккиси томошабин бўлади. Миллий ғояда ўз манфаатини кўрганлар бирлашиб, ихтиёрий, завқ билан ишлайди. Натижада ҳаётдан рози бўлади.

Миллий ғоямизнинг ижтимоий мазмун-моҳиятини бир сўзда айтса, бу сўз – розилик. Бу тушунча Учинчи Ренессансни тушуниш ва тушунтириш, амалга ошириш учун фундаментал, жипслаштирувчи асос бўлади. Зеро миллий ғоя рўёби халқнинг муайян вақт ва маконда ўзини бахтли деб ҳис қилишида, бу эса унинг шуқроналарида – ҳаётдан розилигида намоён бўлади.

Албатта, буларнинг барчаси учун тинчлик, мустақилликни жон қадар мустаҳкам, кафолатли ҳимоялашимиз керак. Мустақиллик ҳарбий, ғоявий ва сиёсий ҳимояланади. Бунда ҳам ўтмишдан сабоқ чиқариш керак. Биз ҳар гал мустамлака бўлиб, оёқ-қўлларимизга кишан тақишганида бир нарсадан афсусланганмиз – халқнинг бирлашмаганидан. Халқнинг бирлашмагани сабаби – ҳаммани “Биз”, деган байрок остига бирлаштирадиган ғоя бўлмаганлиги. Натижада “Биз” бўлиб енгадиган куч “мен”ларга парчаланиб, мағлуб бўлганмиз.

Бугун бизда “мен”ларни “Биз” қиладиган ғоя бор. Бу Учинчи Ренессанс ғояси. Қурилаётган Учинчи Ренессанс пойдеворини ғоявий ҳимоя қилишимиз керак. Биз уни превентив, ўз вақтида ҳимоя қилмасак, уни бузишлари мумкин.

Чунки бизга узоқлардан алампнок тикилиб, давлат ва халқ орасига пона қоқишга уринаётганлар бор. Бу маънавий, ғоявий ҳужум. Уларга жавоб беришимиз ва жавобимиз илмий асосда бўлиши керак. Нима учун? Чунки илмий асосда бўлмаса, биз қиладиган тадбир-

лар бир марталик, ўткинчи бўлиб қолади. Шу маънода миллий ғоя тарғиботини илмий асосга куришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ниҳоятда зарур.

Тараққиёт муҳолифлари

Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс ибораси ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилина бошлади. Кимлардир “Мана бу бошқа гап” дея ўрнидан туриб, олқишлади. Кимдир мамнун жилмайди. Кимлардир ўйланиб қолди. Кимлардир саросимага тушди.

Афсуски, ҳамма кўриб турган нарсаларни кўрса ҳам, “кўрдим” демайдиганлар бор. Facebook, You Tube саҳроларида саргардон, қилмишларидан дили тўла армон, ёмонламаса оч қоладиган кўролмасвойлар бор. Уларни ислохотларимиз шиддати довдиратаяпти, хансиратаяпти. Ўзбекистонда сўнгги тўрт йил ичида 43та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 121тага етгани куйдираяпти. Уларни илмга рағбат ва кўпроқ оддий оилаларнинг фарзандлари талаба бўлаётгани қийнаяпти.

Ўз давлатидан рози ота-оналарнинг дуолари ёндираяпти уларни. Инчинун, жаннатмакон – Ўзбекистонда ҳамма соҳаларда тўхтовсиз юксалиш, янгиланиш, яхшиланиш ва уйғониш.

Ана шундайларнинг нафасларидан тарқаладиган ғоявий вируслардан келажак авлодни ҳимоя қилишимиз лозим. Бундан ҳам яхшиси – ёшларимизни ёт ғоялардан, ёвуз кучлардан ўзини ҳимоя қилишга ўргатиш жоиздир. Чунки билимсиз ёшлар кўп ва тез алданади. Билимсиз йигит-қиз ўзининг қаршисида, дисплейдаги фирибгарнинг сохта самимияти, ширин сўзига учади. Адашади. Алданади. Фирибгарлар чиройли кулиб, та-

бассум билан ёқимли сўзласа, ўзбек эриб кетишини яхши билади. Ана шунда танқидий, таҳлил деворидан ошиб ўтса бўлди, ўлжа қўлда.

Бизнинг Учинчи Ренессанс ҳақидаги эзгу ниятимизни эшитган айримлар ўртанмоқда. Уларга ҳам қийин. Фитна-фасод қилмай, деса, тирикчилик қилиш керак. Фитнасини факт билан урсанг, “Нега?”, деб ёзғиради. Қор ёғса ҳам, ёғмаса ҳам, куёш чиқса ҳам, шамол турса ҳам, тинса ҳам ватанини ёмонлайди. Маънавиятни ёмонлайди, чунки у ислохотлар натижаларини мисоллар билан гапираяпти. Уйсизлар уйли бўлаётганини, йиғлаётган камбағал кулаётганини мисоллар келтириб, ёниб тарғиб қиляпти. Кўролмасвойнинг фикрича, яратилаётган қулайликларни, халқ ризоликларини гапирсанг, маддох бўларкансан. Кўриб, кўрмадим, деб, жим, ношукр юрсанг, уларга дўст бўларкансан. Қўшилиб ёмонласанг, биродар, жонажонсан. Бугунги фирибгар алдаш илми – нейролингвистик дастурлаштиришнинг ҳадисини олган. Демак, ҳар бир йигит-қиз бу дастур нималигини ҳам олдиндан билиб қўйиши керак. Билимни қалқон қилиб ёшларимизга тренингларда ўзини ҳимоя қилишни машқ қилдириб, ўргатиб боришимиз лозим.

Ривожланган давлатлар тарихига қарасак, айнан таълим-тарбия ва фанга инвестиция киритиш Ғарб цивилизациясини кескин иқтисодий гуллаб-яшнатганини кўрамыз. Тарбия, таълим - инсон капиталига киритиладиган педагогик инвестиция. Бу инвестициянинг афзаллиги шундаки, у инсонга бир марта эмас, бир умр фойда келтиради. Ҳар бир йигит-қизга ҳаётда ўз ўрнини топишни ва ўзини ўзи бахтли қилишни ўргатади.

МЕҲР ВА САДОҚАТ ДАСТУРИ

2020 йил 29 декабрь.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини халқимиз катта қизиқиш ва ҳаяжон билан тинглади. Бу кун Янги Ўзбекистон тарихининг энг муҳим саналаридан бири бўлиб қолди. Зеро Президентимизнинг ҳар бир оилани соғлом, фаровон қилишга қаратилган ўнлаб янги, ҳаётбахш ташаббусларини ўзида жамлаган Мурожаатномаси эълон қилинган кун.

2020 йил, агарда биз мардона бирлашсак, тўғри тadbир қилсак, ечилмайдиган муаммо йўқлигини яна бир бор кўрсатди. Президент бу ғалабалар қандай ташкил қилинганини батафсил, самимий сўзлаб берди. Хуллас, халқимиз янги 2021 йилни Президент Мурожаатномасидан олган ғурур, ишонч ва шукроналар фонида кутиб олди.

Ўзбекистон дунё давлатлари орасида ўз халқини коронавирусдан ҳимоя қилишда юқори баҳо олди. Пандемиянинг биринчи кунларидан бошлаб, бошқарув тизими ва барча тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилди. Зудлик билан 30 минг ўринли даволаш масканлари ташкил этилди. Дори-дармон, энг замонавий диагностика ускуналари билан таъминланди. 200 мингдан зиёд тиббиёт ходими, жумладан, чет эллик 150 нафар юқори малакали шифокор ва мутахассислар коронавирусга қарши жангга кирди.

Хориждаги 600 мингдан ортиқ ватандош юртимизга олиб келинди. Ватан ўз фарзандларини ғурбатда ғариб қилиб қўймади. Бағрига босди.

Ўтган кунлар

Буларни бугун эслаш – фахрли, мароқли. Лекин ўша – бутун дунё саросимага тушган, муаммо билан юз-ма-юз турган, нима қилишни билмай қолган баҳор, ёз, кузни эслайлик. Ваҳима, “Энди нима бўлади?”, деган қўрқувли, талвасали кунлар. Ўшанда энг тўғри қарорлар, тадбирлар қабул қилиш керак эди. Шундай бўлди. Мана, йил охирида коронавирус беморларини даволаш учун қурилган касалхоналаримиз бўшаб қолди. Бунинг шукронасини кўриб, индамасак, гуноҳ бўлади. Билиб туриб, айтмасак, ношукрлик бўлади. Ҳақ бизни кечирмайди.

2020 йилда коронавирусга кўшилиб Бухоро, Сардобада рўй берган техноген офатлар келди. Улар ҳам даф этилди. Биргина “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини эслайлик. Хотирамизда телеэкранларда Сардобага кетаётган юзлаб юк автомобиллар, қўлидаги нарсасининг ярмини сардобалик тенгдошига илинган болакай, қизалоқлар турибди. Талабаларни текин элтиб қўяётган таксичилар. Ватандошим-ку, деб сотадиган қиммат молини арзонга сотган инсофли тадбиркорларимиз, қўллари дуога кўтарилган ота-оналар келади. Мана шу эмасми, халқнинг бирлашуви. Президентимиз шу боис карантин талабларини тўғри қабул қилиб, уларга амал қилган, сабр-тоқатли, олижаноб халқимизга, ўта хатарли вазиятда ўзини аямасдан мардона меҳнат қилган жонкуяр шифокорларга, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатида муносиб иштирок этган барча тадбиркор ва фуқароларимизга чуқур миннатдорчилик билдирди. Шу сатрларни ёза туриб, бир ўй келди: Менимча, 2020 йил синовлари, офатлари, улар устидан қозонган ғалабамиз ҳақида “2020 йил”, деган бир хотира китоб ёзилиши ке-

рак. Бу китоб 50, 100, 500 йилдан кейин ҳам бизнинг бу бало-қазоларга қарши курашда қандай бирлашганимиз, ғалабамиз ҳақида авлодларга сўзлаб беради.

Тўрт қаторда беш завод

2020 йилда кўп давлатлар коронавирусга қарши курашиб, иқтисодий ўсишдан тўхтаб турди. Бизнинг эса бир қўлимиз курашди, бир қўлимиз ривожланишга ишлади. Буни Халқаро валюта жамғармаси таъкидлаб, баралла айтди. Дунёнинг санокли давлатлари 2020 йилда ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди. Ўзбекистон ана шу санокли давлатлар ичида эканлиги бизга ғурур беради. Мурожаатномада 2020 йилда республикамизда 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди. “Навоийазот”да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Муборак, Газли ва Шўртан нефть-газ корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи каби йирик қувватлар ишга туширилгани айтилди.

Эътибор беринг. Мурожаатноманинг мана шу тўрт қатор матнида бешта улкан завод, корхонанинг номлари тилга олинган. Уларнинг биттасини куриш осонми? Тошкент металлургия заводи каби қудратли корхона илгари неча йилда қурилган? Биз, собиқ Иттифоқ даврини кўрган авлод буни яхши биламиз. Бундай корхона мабодо қурилса ҳам, буни Совет Шарқининг афсонавий ютуғи, дейилар эди. Йиллаб, кеча-кундуз тарғиб қилинарди. Бугун-чи? Бугун мана шундай гигант корхона бир йиллик ишларимизнинг кичкина бир парчаси бўлиб қолди. Бу нимани кўрсатади? Бу минглаб юрт-

дошимиз ишлайдиган гигант корхоналарни куриш биз учун оддий ишга айланиб қолганини кўрсатмайдими? Ўзбекистоннинг 2020 йилдаги қудрати кўламини, бирлигимизни кўрсатмайдими?

Яқинда Тошкентда 2 та янги метро станцияси курилади, ер усти метроси бўлади, дейилганда, бу бизга афсонадек, “Йўғ-е!”, деб юборган эдик. Бугун метро вагонлари ойнасидан ташқарига қараб, ернинг гоҳ остига, гоҳ устига чиқиб, шуларни ўйлаяпмиз. “Бўлар экан-ку”, деб шукрона қилиб кетаяпмиз...

Камбағаллик билан олишув

Камбағаллик азалдан бутун дунёда бўлганидек, бизда ҳам бор эди. Бироқ унинг номи айтилмас, синонимлари айтилиб, чиройли қилиб, хаспўшлаб келинар эди. Президентимиз Ўзбекистонда камбағаллик борлигини мардона, очик айтди. Барчамизни камбағалликни камайтиришга қаратилган курашга чорлади. Шу маънода 2020 йил хотирамизда Ўзбекистонда камбағалликка қарши кураш бошланган йил бўлиб қолади.

Кураш илм, аниқлик асосига қурилди. Бунинг учун ҳар бир маҳаллада камбағал оилалар, аёллар, ёшлар, шахслар билан манзилли ишлаш бўйича “темир дафтар”лар тугилди. Қисқа вақт ичида бу янги тизим 527 минг ватандошимизни камбағаллик чангалидан озод қилди. Уларга иш – ризқ-рўз берди. Улар 2020 йилни камбағал бўлиб кутиб олишган эди, мамнун, рози бўлиб кузатишяпти.

Камбағаллик “темир дафтар”лар бўшаб, рўйхатга киритишга одам топилмай қолган, ҳамма ўз ишига, даромадига эга бўлган куни тугайди. Чунки камбағалликнинг асосий сабаби – одамнинг қўлидан бирор иш

келмаслигида, ундаги инсон капиталининг ночорлигида. Инсон капитали бу - одамга ўзининг турли эҳтиёжларини қондириши учун зарур бўлган билим, кўникма, малакалар йиғиндиси. Агар одамнинг билим, кўникма ва малакалари иш берувчига керак бўлса ёки ўзини ўзи банд қилишга етарли бўлса, у ишсиз қолмайди. Камбағал бўлмайди. Инсоннинг билим, кўникма ва малакалари йўқлиги уни меҳнат бозорида касод қилади.

Таҳлиллар нимани кўрсатмоқда?

Ижтимоий-педагогик таҳлиллар Ўзбекистонда камбағаллик борган сари камайиб кетишини кўрсатмоқда. Чунки инсон капиталини, аввало, оила, болалар боғчаси, мактаб бойитади. Бунинг асослари Мурожаатномада бор. Яъни кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 4 йил давомида 2 баробар ортиб, 60 фоизга етгани, боғчалар сони 3 баробарга кўпайиб, 14 мингдан ошган. Бу боғчалардан – мактабларга, мактаблардан – олий ўқув юртлари ёки корхоналарга кириб келадиган ўғил-қизларимизнинг инсон капитали ҳозиргига қараганда бир неча қарра зиёд бўлади, дегани эмасми?! Шунинг учун Учинчи ренессанс мактаб оstonасидан бошланади, деган ҳикмат айтилди. 2020 йил олий таълимга қабул параметрлари 2016 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсди, ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 25 фоизга етди.

Айниқса, эҳтиёжманд оилаларнинг мингга яқин қизлари илк бор олий ўқув юртларига алоҳида давлат грантлари асосида қабул қилингани келажакда оилаларнинг инсон капиталини оширишга хизмат қилади. Олий ўқув юртларига қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун грантлар сони 2 баробарга кўпайиб, 2 мингтага етади. Аъло баҳоларга ўқиётган, ижти-

мой ҳимояга муҳтож қизлар учун махсус стипендиялар жорий этилади.

Бу нимага олиб келади? Аста-секин “Темир дафтар”лар бўшаб қолади. Чунки ёшларимиз “Ўзлуксиз маънавий тарбия Концепцияси” асосида компетентли ва фазилатли бўлиб чиқадилар. Улар мактаб остонасидан мустақил, яъни ўз ҳаётини бировдан ёрдам сўрамай, ўзи, ўз ақли ва фазилатларига таяниб қуришни ўрганиб чиқадилар.

Янгича яшаш

Президентимиз “2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига 30 йил тўлади. Албатта, бу тарихий санани сиз, азизлар ва бутун халқимиз билан биргаликда **“Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!”** деган эзгу ғоя асосида кенг байрам қиламиз”, деди. Бу ғояда катта даъват ва маъно бор. Бу даъват бизни сифат жиҳатдан ўзгарган, ўзгараётган Ватанда – Янги Ўзбекистонда, янгича яшашга чорламоқда. Бизни қандай ҳаёт кутаяпти? Эркин ва фаровон яшаш. Зийрак кишилар бу ғоя мағзидаги “Биз Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшаймиз”, деган кучли ишонч борлигини сезиб туришибди.

Мурожаатда бугунги кунда ишимиздаги энг катта камчилик - билим етишмаслиги, афсуски, барча соҳаларда сезилаётгани танқид қилинди. Бугун бирор соҳа, ҳудуд, тармоқ замонавий илм ва билимларсиз ривожланмайди. Илмий асосга таяниш шарофати қандай бўлишини тараққий этган мамлакатлар яққол кўрсатишди. Уларда ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизидан ортиғи “билимлар иқтисодиёти” ҳисобидан, яъни инновациялар ва юқори малакали кадрлар томонидан

яратилмоқда. Бу буюк Имом Бухорийнинг биз – авлодларига айтган “Илмсиз нажот йўқ ва бўлмағай”, деган ўғитини яққол исботламоқда.

Цивилизациянинг оталари

Мурожаатда аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозимлиги таъкидланди. Ўзбекистон замини нафақат ширин-шакар мева, ноз-неъматларни, балки буюк алломаларни етиштирувчи замин. Бугунги Ўзбекистон инсониятга цивилизациянинг оталарини берган замин. Бухорий, Хоразмий, Самарқандий, Марғиноний, Насафий, Фарғонийлар ўзлари туғилган шаҳарлари номини исмларига нисба қилиб, жаҳонни кездилар. Ватанимиз номини бошлари узра кўтариб, илм ўргатиб, ўлмас шараф топдилар. Улар туғилган шаҳарлар – Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Марғилон, Насаф, Фарғона. Президенти-миз ана шу шарафли силсилани давом эттириш ташаббусини кўтарди. Бунинг учун **“Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган мухит ва шароитларни яратишимиз керак”**, деди.

Бу фикрнинг тагида чуқур асос бор. Яъни “Янги Ўзбекистон – мактаб оstonасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилади. Бунинг учун ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия берилади, уларнинг мактаб оstonасидан жисмо-

ний ва маънан соғлом, ватанпарвар шахслар бўлиб чиқишлари учун барча куч ва имкониятлар сафарбар қилинади.

Йил номидаги ҳикмат

2021 йил - “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”. Йилнинг номида Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишнинг коди, пароли бор. Мурожаатномада ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар қўп фойда келтириши айтилди. Бу сармоя дадил киритилмоқда. Бунинг натижасида ёшларимиз замонавий билим ва тажриба, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва манتيқий фикрлайдиган, эзгу фазилатли инсонлар бўлиб вояга етишади.

Уларнинг инсон капитали бой бўлади. Яъни уларга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарлар ўргатилади. Тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик, ташаббускорлик фазилатлари шакллантирилиб, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратилади. Бошқача қилиб айтганда, бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топишга ўргатадиган ва ёрдам берадиган узлуксиз тизим яратилади.

“Авлодлар можароси”

Ғарбда “авлодлар можароси”, деган ижтимоий муаммо, маънавий касаллик бор. Бу – авлодларнинг ўзаро бегоналашуви, ёшларнинг кексаларга ҳурматсизлиги

ва кексаларнинг ёшларни ёмон кўриши, улардан норозиликда намоён бўлади. Президент Мурोजаатномасида ана шу муаммонинг олдини олиш, аксинча, аждодлар ва авлодларни бир-бирига Устоз-шогирд қилиб қўювчи бунёдкор йўл кўрсатиб берилди. **“Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, кўзлаган марраларга, албатта, етамиз”.**

Бу ташаббус буюк миллий тажрибамизни тўплаш, сақлаш, бойитиш ва қадрига етишга чорлаши билан ҳам қадрлидир. Катта авлоднинг ҳар бир вакили ўзидан олдингилардан билган, эшитган, қўллаган иш тажрибаларини Устоз бўлиб, ёшларга беришади. Ёшлар шогирд бўлиб, бу билим ва тажрибани модернизациялаб, замонавий илм-фан ютуқлари билан бойитадилар. Бу миллий инсон капиталини бойитади. Бойиган миллий капитал ёшларнинг ғайрат ва жўшқин фазилатларидан куч олиб, бизни Учинчи Ренессансга олиб чиқади.

Мотивация

Мурोजаатномада аҳолининг камбағалликка тушиб қолган қисмини камбағалликдан чиқаришнинг оддий ва самарали, амалий механизми таклиф этилди. Унга кўра “темир дафтар”га киритилган ҳар бир фуқарони камбағалликдан чиқариш бўйича “мотивация, кўникма ва молиявий кўмак” тамойили асосида янги механизм жорий этилади.

Механизмнинг энг муҳим янгилиги нимада? У камбағал кишига уч карра ёрдам беради. Биринчиси ва энг муҳими бу – мотивация. Ният, истак, қарор, ирода, би-

лим беради. Иккинчиси – кўникма, яъни касб, иш ўргатиш, ҳунарсиз қўлларни ҳунарли қўлларга айлантириш. Учинчиси – сармоя, молиявий ёрдам. Мурожаатда одамни камбағалликдан чиқарувчи энг муҳим омил бу - унинг интилиши, ўз кучига таяниб, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши кераклиги уқтирилди.

Мурожаатноманинг якуний тушунчаси

Президент Мурожаатномаси халқимизга куч бераётган бебаҳо маънавий, ғоявий манба - ишонч мавзуси билан якунланди. Дарҳақиқат, 2020 йил бизнинг ўз куч ва имкониятларимизга ишончимиз бизни қийин синовларни енгиб ўтишда бирлаштирди. Янада кучли ва мустаҳкам қилди. Бунда ҳар биримиз иштирок этдик ва кўрдик. Бу буюк ишонч 2021 йилда янада кучайиб, буюк халқ ҳаракати тобора кенгайиб боради. Шундай экан, ҳар биримиз Президент мурожаатидаги эзгу ниятни чин қалбдан айтамыз: **“Барчамизга ана шу улуг сафда бошқаларга ибрат ва намуна бўлиш, жонажон Ватанимиз, азиз халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилиш насиб этсин!”**.

ЎЗ БОЛАМИЗНИ, ЎЗ УЙИМИЗ, ЎЗ МАҲАЛЛАМИЗНИ ЎЗИМИЗ АСРАЙЛИК

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ўзининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатида дунё минтақаларидаги қонли тўқнашув ва низоларга тўхталиб, юртимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, турли хавф-хатарларга қарши курашни кучайтиришимиз шартлигини, бу курашнинг оддий, ҳар биримиз амал қила оладиган йўлларини ҳам кўрсатиб берди. Яъни **“... ҳар биримиз бу масалага бефарқ бўлмасдан, ўз боламизни, ўз уйимиз, ўз маҳалламизни ўзимиз асрайдиган бўлсак, мен ишонаман, бундай бало-қазолар ҳаётимиздан, албатта, йироқ бўлади”**. Дарҳақиқат, Ватанни бир тан, 10 минггга яқин маҳаллани 10 минг ҳужайралари деб қарайлик. Ҳужайралар соғ бўлса, тан саломат бўлади. Демак, **“Маҳалла соғ – Ватан саломат!”**

Билмаган одам адашади. Йўлда ҳам, эътиқодда ҳам. Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш – йўловчига билмаганини билдириш, дўст киму, кулиб турган “дўст” кимлигини танитмоқ демак. Бу билимни кимдан, қаердан излаш керак? **“Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил”**, деган эди ҳазрат Алишер Навоий. Президентимиз бизга мана шу ҳикматнинг кўзини очиб берди. Ўзимизда сақланаётган, ҳеч бир мамлакатда йўқ 100 минглаб қўлёзмалар ўз ўқувчисига интизор, эшик очишини кутиб ётганлигини куйиниб айтди. Бу фикрлар одамни чуқур ўйлантиради. Бу қўлёзмалар кимларники? Ўзимизнинг боболаримизники. Улар-

да ўзимизнинг буюк боболаримизнинг бармоқ излари бор. Улар кимларга аталган? Аввало ўз авлодларига, ҳозирги ўзбекистонликларга – бизга деб ёзилган.

Бухорий, Термизий, Марғиновий, Насафий, Замахшарий, Мотурудийларнинг меросхўрлари ким? Биз. Улар бизга ўз вафотларидан 1000 йил кейин Ислом Академияси, “кичик ҳаж” дастурининг ҳуқуқини бизга бериб кетдилар. Шу боис аҳли ислом Президентимизнинг бу борадаги қарорларини қутлуғ, муборак бўлғай, деб мамнун дуо қилмоқда.

Бухорий, Термизий, Марғиновий, Насафий, Замахшарий, Мотурудий каби азизлар жаҳон мусулмонларига исломнинг аслини, исломнинг илмини, исломнинг маданиятини, исломнинг ҳуқуқини, исломнинг тилини ўргатган. Мусулмон ўлкаларнинг етук олимлари бизнинг боболаримиз билан танишликлари, боболаримизга шогирдликлари билан фахрланишган. Нега энди биз ислом нималигини бировлардан ўрганишимиз керак? Бу ўзбек бўла туриб, ўзбек тилини ажнабийдан ўрганишга ўхшамайдими? Демак, биз ўзимизнинг ҳалол-покиза имомларимиздан бўлак “сенга ҳақиқий исломни ўргатайми?”, деган ҳар қандай кимсани буюк уламоларимиздан бизга мерос қолган илм билан, ўз боболаримизнинг ҳассалари билан уриб, келган жойларига ҳайдаб юборишимиз керак. Мана бу **“Жиловни қўлга олиш. Юртга тик туриб эғалик қилиш”** бўлмайдими?

Барча маҳалла, оила, инсонларни бир-бирлари билан боғлайдиган нукта, сўз, гавҳар – Ўзбекистон. Барчамизнинг шахсий мақсадларимиз, бахтимизнинг макони қаер? Биз қаерда тўлиқ бахтли бўла оламиз? Ўзбекистонда. Жаҳон харитасига тикилганимизда кўзларимиз Ўзбекистон деган нуктада учрашади. Тўхтайди. Чунки биз ўзимизни, ўзлигимизни уйимизда - Ўзбекис-

тонда кўрамиз. Чунки биз – Ўзбекистоннинг фарзандларимиз. Ўзбекистонсиз биз киммиз? Ватангадомиз. Ўзбекистон қадрини ташқарида англаган, адашган жигарбандларимиз буни яхши билишади. Ватан нелигини “Ўзбекистонни бир кўриб ўлсам, армоним йўқ”, деб кўзда ёши шашқатор, интизорлардан сўранг. Юз алҳазар, минг алҳазар. Юз шукр, минг шукр, дейсиз. Мана шу шукронанинг ўзи ҳам ҳар биримизда Ватан севинчини уйғотмайдими?

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ватанни тиклаш, ривожлантириш учун жонини, молини, соғлигини, оч, азобли меҳнатини берган япон, корейс, немис халқларининг бугунги ривожига ҳавас қилишади. Улар келажакка ишонч билан, ўз миллий ғояларини маҳкам тутиб, садоқатли меҳнат орқасидан бугунги фаровонликка эришганини яхши биламиз.

Бугун Ватан биздан жон, соғлиқ, маблағ сўраётгани йўқ. Ўзимиз маош олиб қилаётган вазифаларимизни ҳалол-пок, сифатли, натижали бажаришни сўраяпти. Агар шунга ҳам ярамасак, биз қандай фарзанд бўлдик Ватанга?!

Ўтаётган ҳар бир йил – Ўзбекистонга содиқ хизмат қилиш учун бизга берилган имконият. Ҳар йилнинг номи – миллий ғоямизнинг ўша йилдаги энг устувор вазифаси. Чунки шу ном остида бизни Бош мақсадга элтувчи муҳим муаммолар ҳал этилади. Миллий ғоя халқнинг ишончини кучайтириб, илҳом бериб, сафарбар қилиб, ислохотлар “йўлини супуриб боради”.

Ислохотлар самараси шахс маънавиятига бориб тақалар экан, Учинчи Ренессанс миллий характеримизга ҳам инновациялар киритишимизни тақозо этмоқда. Бу ёшларимиз, халқимиз характери (маънавияти)ни кучайтиради. Илмий педагогик-психологик тадқиқотлар

ўтказиб, ҳозир қайси фазилатларимиз кучли-ю, қайсилари кучсиз? Қандай маънавий иллатларни қуритишимиз керак?(Ҳасад, кўролмаслик, исрофгарчилик, лоқайдлик, меҳрсизлик, ғийбат...), “Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш учун қандай фазилатларни кучайтириш, қайси иллатларга чек қўйишимиз керак?”, деган саволларга холис, илмий жавоблар керак. Президентимиз Мурожаатида тилга олинган фазилатларни ҳар бир ўзбекистонликда кучайтиришга, иллатларни қуритишга киришмоқ зарур. Чунки ўтмишдаги боболаримизнинг юсак маънавиятига маҳлиё бўлиб, ўзимизнинг бугунги маънавиятимизга бепарво бўлишга ҳаққимиз йўқ. Президентимиз “Қурашга тайёр турган, қурашган одам ютади”, деди. Биз бу сўзларни миллий ғоямизнинг “маънавий иллатларга қарши қурашга тайёрланган, қурашган одам ютади” тамойили деб амал қилишимиз шарт.

Ана шунда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар маънавиятдаги, миллий характеримиздаги ислохотлар билан қўллаб-қувватланади. Бунинг учун шу пайтгача амалда бўлиб келган “Оила маънавиятини ўлчаб бўлармикан”, деган иккиланишдан ҳам воз кечишимиз керак. Бунда ҳам “Илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмағай”(Имом Бухорий). Яъни нима бор бўлса, намоён бўлади. Нима намоён бўлса, уни ўлчаш, баҳолаш, динамикасини аниқ кўрсатиш мумкин. Бир мисол. Бухоро вилоятида ўтказилган “Авлодлар учрашувлари” ижтимоий-педагогик ишлар илмий-амалий асосга қўйилса, реал натижалар бериши тасдиқланди.

Президентимиз Мурожаатномасида ёшлар тарбияси ҳақидаги ягона фан – педагогикага аниқ ижтимоий буюртмалар берилди.

“Майли, тажрибаси камроқ бўлса ҳам, миллатни, мамлакатни севадиган ёшлар керак”.

“Бизга ватанпарвар журналистлар керак”.

“Элчи ватанпарвар бўлиши керак”.

“Миллий ғоя нимага керак? Ватанни севиш учун керак”.

“Ватан туйғусисиз ўтирганлар кетади”.

“Улуғ ижодкорлар меросини халққа етказиш ватанпарварликка катта таъсир кўрсатади”.

“Таълим-тарбия сифатини янги босқичга кўтаришимиз керак”.

“Жанубий Кореяда 6 ёшгача бола маънавиятини тарбиялайди, Ватанини севдиради”.

“Маънавий таҳдидларга қарши курашни кучайтириш керак”.

“МЕҲРИБОН ЎҒИЛ-ҚИЗДАН ЖИНОЯТЧИ ЧИҚМАЙДИ”

*Туғиб ташлов билан бўлмас бола, бўлгай бало сизга,
Вужуди тарбият топса, бўлур ул раҳнамо сизга.
Абдулла Авлоний*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган видеоселекторда мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси танқидий муҳокама қилинди. Бу борадаги муаммолар ҳаммани ўйлантириб қўйди. Мамлакатда 10 ой ичида содир этилган қотиллик жиноятларининг 165 таси эр-хотин ва қайнона-келиндар ўртасида, 66 таси қўни-қўшнилар ўртасида оддийгина маиший келишмовчиликлар оқибатида келиб чиққани ҳаммамизни ташвишга солди. Президентимиз жиноятчиликка қарши курашни унинг олдини олишдан бошлаш керак дейдилар. Бу бежиз эмас ва шу сабабли ҳар бир ота-она жиноятчиликнинг эрта профилактикасида маънавият, тарбиянинг тутган ўрнини билиши зарур. Ана шунда ҳар биримизнинг “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак”, деган қатъий қароримиз мамлакат миқёсидаги эрта профилактиканинг дастуриламалига айланади.

Ана шу мақсадда тадқиқот гуруҳи томонидан жиноятчиликнинг эрта олдини олишда ота-оналарнинг ролини ошириш бўйича ишлар амалга оширилди. Тадқиқот ва тарғибот ишлари Бухоро вилоятининг Жондор, Шофиркон ва Ғиждувон туманларида ҳам ўт-

казилди. Ушбу маърифий “юриш”га марказ ҳузуридаги “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари, Бухоро Давлат университетининг психолог, социолог, педагог олимлари жалб этилди.

Одам нега жиноят қилади?

Жиноятнинг сабаблари “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да бор. Унда учта сабаб келтирилади: “... биринчидан, шахснинг ўзи, унинг дунёқараши, қизиқишлари, жамият ва давлатга, ён-атрофидаги кишилар ва оилага муносабати, унда салбий сифатларнинг шаклланиши ва кучайиши; иккинчидан – шахс тарбияланган, вояга етган оилавий ва ижтимоий муҳит; учинчидан – жиноят содир этилган вақтдаги шароит, вазиятга эътибор берилади”, дейилади. Келтирилган уч сабабнинг иккитаси ота-оналарга, яъни бизга боғлиқ.

1) “Шахснинг дунёқараши”, “қизиқишлари”, “жамият ва давлатга, ён-атрофидаги кишилар ва оилага муносабати”, “унда салбий сифатларнинг шаклланиши ва кучайиши”;

2) “Шахс тарбияланган, вояга етган оилавий ва ижтимоий муҳит”. Икки сабаб битта сўз – Тарбияга жо бўлади. Ҳа. Жуда кўп айтилаётган, лекин яна такрор-такрор гапиришга бизни мажбур қилаётган сўз бу.

Жондор ҳикмати

Дастлаб Жондор туман маҳаллалари хонадонларида бўлиб, аҳоли билан суҳбатлашиб, жинойтчиликнинг маънавий-маърифий сабаблари ўрганилди. 24 ноябрь куни туманнинг 12 мактабида “Авлодлар учрашуви” ташкил этилди. Кўпни кўрган нуронийлар, ота-оналар, уюшмаган ёшлар зални тўлдириб ўтиришди.

Жинойтчиликнинг эрта профилактикаси тарбияга, ота-она ва болаларнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ. Шу сабабли ота-оналарга **“Сиз болаларингиз сизларга қандай муомала-муносабат қилишларини истардингиз?”**, деб савол берилди. Улар “Болаларимиз мулойим бўлишса. Кўнглимизга қарашса, ўқрайишмаса, гап қайтаришмаса”, дейишди. Уларга **“Болаларингиз шундайми?”**, деб сўралганда уларнинг кўпчилиги жим қолишди. “Қанийди шундай бўлишса”, деб қўйди бир онахон секингина.

Кейин ёшларга: **“Ота-оналарингиз сизларга қандай муомала-муносабат қилишларини истардингиз?”**, деб савол берилганида, улар “Мулойим бўлишса. Кўнглимизга қарашса, ўқрайишмаса, жеркиб ташлашмаса”, дейишди. Улар ҳам **“Ота-оналарингиз шундайми?”**, деб сўралганда жим қолишди. Фақат бир коллеж ўқувчиси: “Кўпинча уришишади, дўқ қилишади”, деб қўйди ийманиб. Ўсмирлар уни унсиз маъқуллашди.

Шунда уларга: “Икки авлод бир-биридан меҳр ис-ташмоқда. Бунга нима ҳалақит берапти?”, деган аниқловчи савол берилганида ҳам жимлик чўқди. Бизнингча, бу жимлик уларга бу савол шу пайтгача берилмаганини кўрсатади.

Ғазаб - жаҳолатдан

Қалмоқ маҳалласи раисаси Маҳфуза опа ва котиба Санобархон билан суҳбатлашилди. Улар ҳозирги ёшлар тошбағир, бемехр бўлиб кетаётганидан нолишди. Биз бунинг сабабини бирга қидирдик:

- “Фараз қилинг. Сиз 10 ёшли ўғлингиз Рауфжон токка уланган электр плитага сув томизиб ўтирганини кўриб қолдингиз. Нима қиласиз?”

- Уришаман.

- Илтимос, аниқроқ айтинг.

- Аниқроғи, “Рауф, ахмоқ! Қалланг борми? Уйга ўт қўяяпсанми, касофат?”, деб аюҳаннос солиб, силтаб қўлидан сувни тортиб оласиз. Тўғрими?

- Ҳа! Энди болани уришмаса бўлмайди-да.

- Сиз таъбир жоиз бўлса, тарбиянинг энг сўнги, энг осон, энг кескин, энг оғир – юзинчи методини қўллар экансиз. Ундан олдинги 99та юмшоқ методини қўлламадингиз.

Тарбия ота-онадан биров бўлса-да, педагогик билимни, маҳоратни, қалбни, меҳрни талаб қилади. Сиз бирдан ҳужум қилдингиз. Натижада болангиз сиздан ҳам, ўзидан ҳам хафа бўлди, ранжиди, совуди. Бунинг сабабчиси сиз деб ўйлади. Сиз ўша минутларда унга дўст эмас, ёв бўлиб кўриндингиз. Хўмрайган Рауфжондан муомалангизга мос - совуқ сўзларни тингладингиз. Қахрли кўзларингиз тўкнашди. Хафа бўлдингиз. Биров ўтиб, пушаймон ҳам бўлдингиз. Иккингизнинг ҳам кўнглингиз яраланди.

- Нима дейишим керак эди?

Ғазаб – жаҳолатдан. Агарда сиз ғазабингизни тийиб, “Рауфжон, болам, нима қилаяпсан?”, деганингизда, у аввало ўзи қилаётган ишга ўзи баҳо берарди.

Унинг гапларида икрори айтиларди. Сиз бу икродан тарбиявий мақсадда фойдаланардингиз. Ундан сўнг “Болам, плитага совуқ сув қуяверсанг, у бузилади. Чиқариб ташлаймиз. Янгисини сотиб олишга анчагина пулимиз кетади. Ёрилиб, сени ток уради. Отиб юборади, ё баданингни куйдиради. Танангда доғ қолади. Болам, мен сенинг бу аҳволга тушишингни истамайман. Сен ҳоҳлайсанми? Йўқ. Энди бундай қилмагин-а, болам. Хўпми?

- У “Ҳмм”, дейди.

Шунда Сиз:

- Ўзимнинг ақллим. Қани нимани тушунганингни айтиб бер. Мен хотиржам бўлай, хўпми”, деб тушунганини унинг ўз оғзидан эшитишга эришинг. Ана шунда у ўз қилмиши оқибатларини англайди. Ўз сўзлари билан айтиб беради. Албатта, у чала гапирди. Чунки у оқибатни Сиздай тўлиқ англамаган бўлади. Шунда тўлдириб, хатосини тўлиқ тушунишига ёрдам беринг. Мана, Сиз биринчидан, ундан хатосига икродни, иккинчидан, қайтиб қилмасликка ваъдани оласиз. Мана шу тарбия.

Беш минутнинг баҳоси

Бунга 5 минут вақт кетади. Бу 5 минут жуда қиммат туради. Мана шу 5 минут балки қанчалар фарзандларимизни жиноятдан, хиёнатдан сақлаб қолар?

Тарбия усуллари билмайдиган нодон она бир умр жавраб, боласини ўзидан бегоналаштириб, натижага эришмай ўтади. Бир умр “Болам қаерда, нима қилаяпти экан-а?”, деган хавотирда яшайди. Чунки боласидан кўнгли тўқ эмас. Чунки ўргатмаган.

Доно она эса ана шу 5 минутни олтин дақиқаларга айлантиради. Кафолатли натижага эришиб, бир умр

хотиржам яшайди. Чунки ҳеч бир бола ёмон бўлиб туғилмайди. Ёмон бўлишига биз – катталар айбдормиз. Аникроғи, бизнинг тарбия усулларини билмаслигимиз ва қўлламаганимиз сабаб бўлади.

Ёшлар орасидаги, умуман барча жиноятларга сабаб – профилактик, превентив тарбия яхши олиб борилмаганида. Чунки ҳар бир жиноят бу – тақиқланган ишни нега тақиқланганини, оқибатларини билмай ёки билиб қилиш демак.

Жиноятга одамни болаликдан, кичик-кичик тақиқларни буза боришдан иборат тажриба олиб боради. Мисол учун, юқоридаги “Плита воқеаси”ни олайлик. У Рауфжоннинг 1 йил, 2 йил кейинги “экспериментлари”ни бошлаётганида ҳам ёдига тушиб, ўйлатади, тўхтатади. Буни тарбиянинг яхши 5-6 усулларидан биридеса бўлади.

Нега 1-чиси эмас? Чунки метод Рауфжон хато қилиб бўлганидан кейин қўлланди. Доно оналар эса бола хато қилмасидан олдин, яхши гаплар билан ҳафтада 1-2 марта турли хатолардан огоҳлантириб туришади. Нодон она эса бирданига ловуллаб кетади. Афсуски, “болани яхшилаб дўппосласа, мулла бўлади”. “Болани яхшилаб адабини бериб, қўрқитиш керак”, деган қарашлар ҳали кучли. Аслида бу бизнинг миллий тарбиямизга зид. Қобуснома, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобларида болани сўкиш, қўрқитиш, уриш йўқ. Нега деганда, қўрқув болани онгсиз итоатда, тарбия эса онгли итоатда сақлайди. Қўрқитувчи бўлмаган жойда бола билганини қилади. Фош бўлгач, уруш-жанжал янада кучлироқ давом этаверади.

Тарбия кўрган болага унинг ўз фикри, ақли – раҳбар. Чунки унга ота-онаси бу нега тўғри ёки нега нотўғрилигини яхшилаб тушунтириб қўйган бўлади. Ҳар бир вазиятда буни эслаб, ўйлаб иш тутати.

Қўрқитиб тарбиялаган бола “ота-онам билмаса”, деб иш тутади. Қилмиши ўзига келтиражак зиёни ўйламайди. Натижада 1-2 қилмиши бешикаст ўтар, лекин учинчиси, каттароғи фош бўлади. Учинчи қилмиш ҳақорат, сўкиш, уриш билан якун топади. Бу ҳам ўтади. Лекин у ота-она ва болани бир-биридан бегоналаштириб, совутиб кетади. Икки томон бир-бирининг нималарни ўйлаётганини билмай, билишни ҳам истамай яшашга ўтишади.

Меҳр нега тансиқ?

Жондор, Шофиркон, Ғиждувонда “Авлодлар учрашуви” маърифий тадбирлари ўтказилди. Зални иккига бўлиб, бир ёнга кексалар, ота-оналар, иккинчи ёнга – ёшлар ўтказилди. Бу юзма-юз, бевосита мулоқотга қулай бўлди. Юқорида айтганимиздек, хайрон қиладиган нарсаси шу бўлдики, учала учрашувда ҳам икки авлод бир-биридан “меҳр”, “хушмуомала”, “эътибор”, “қўллаб-қувватлаш”ни кутиши маълум бўлди.

Энг кўп айтилган, исталган, кутилган сўз “меҳр” бўлди. Бу бизда хайрат уйғотди. Наҳотки, меҳр шунчалар ноёб бўлса? Наҳотки, икки томон ҳам бемеҳр бўлса? Йўқ. Икки томонда ҳам меҳр бериш ва олиш истаги бор. Унда нега меҳр бунча тансиқ?!

Буни аниқлашни ота-оналарнинг кундалиқ луғат бойлигидан бошладик. “Меҳр” сўзининг маъносини сўрадик. Айтганлар “яхшилик”, “хушмуомалалик”, дейишди. Албатта, бундан кўнглимиз тўлмади. Чунки меҳр - арабча сўзлигини, ўзбекча “қуёш” дейилишини биламиз. Қуёш ҳам ёритади, ҳам иситади. Ой эса ёритади, иситмайди. Демак, меҳрибон одам бошқа одамга меҳр бериб, уни иситади, кўнглини ёритади. Шунинг

учун меҳрибонлик, дейилади. Сўралган 354 нафар кекса-ёшлардан битта ўқитувчи аёл “меҳр” сўзининг маъноси “қуёш”ни англатади, деди, холос. Биз у кишига эсдалик совға бердик.

Ўртага **“Айтингчи, кундалик ҳаётда биз бир-биримизга меҳрибонмизми? Марҳамат, мисоллар келтиринг”**, деган таклифни ташладик. Қатнашчилардан 5-6 нафари меҳрибонликка кундалик ҳаётдан мисол келтира олишди, холос. Қолганларнинг бу сўзни нотўғри тушунишлари, ё билмасликлари маълум бўлди. Мисол учун “меҳрибонлик бу – опажон, кўйлагингиз бирам ўзингизга ярашибди. Чиройли чикибди”; “Болам, агар 5 та 5 баҳо олсанг, сенга PSP-2, спиннер олиб бераман, дейиш”, деб жаво беришди. Албатта бу жавоблар тўғри эмас (бири – макташ, бири – ваъда) эди.

Шунда биз **“Болаларингиз сизларга ўз меҳрларини қандай билдиришмоқда?”**, деб сўрадик. Сўралганлар чуқур ўйга толиб, жим қолишди. Фақат бир ўқитувчи аёл “8 март куни ўғлим расм чизиб, тагига “Дунёдаги энг яхши онага!”, деб ёзиб совға қилди”, деди. Эраклар жавоб беришмади.

Ёшларга **“Ота-онангиз сизга ўз меҳрларини қандай билдиришган?”**, деб сўрадик. 2-3 нафар ўсмир қизлар оналари уларни кучоқлаб, ўпганларини эслашди. Бир маҳалла фаоли боланинг бошини силаш, яна бири – боланинг елкасига секин қоқиб кўйиш, совға бериш, мактаб кўйиш каби усулларини айтишди.

Икки авлоднинг бир муаммоси

Тадқиқот натижасида ота-оналар ва болалар орасида бир муаммо борлиги аниқ бўлди. Яъни улар бир-бирларига меҳрибонлик қилишлари кераклигини

яхши билишади. Аммо буни қандай намоён қилишни билишмайди. Ой каби нур берилаяпти, лекин куёш (мехр)дек иссиқлик, нур берилмаяпти. Чунки уларга бу мактаб, коллеж, институтда меҳрибонлик кўникмалари ўргатилмаган, кўрсатилмаган. Натижада авлодлар орасида бефарқлик учраб турибди.

Биз бу муаммонинг сабабини фалсафа фанлари доктори, профессор Абдуллажон Бегматовдан сўрадик. У киши: “Бунинг сабаби бизда туйғулар тарбиясига эътибор етишмаётганида. Оналар ўзлари англамаган ҳолда чақалокни бағрига босиб, нафақат сут, балки меҳр ҳам берадилар. Ота ҳам эркалаганида меҳр беради. Бу инстинкт даражада содир бўлади. Бироқ, бола катта бўлганида турмуш ташвишлари билан буни унутишади. Ё уялишади. Бунинг оқибатида “туйғулар депривацияси” деган психологик муаммо пайдо бўлади.

Олимларнинг таъкидлашича, 80% талаба-ёшларда туйғулар депривацияси кузатилади. Афсуски, бу балонинг шарпалари бизда ҳам кузатилаяпти. Мисол учун баъзида ота ё онаси вафот этганида йиғлай олмаётган йигитларни кўриб қолаяпмиз. Зудлик билан болаларимизнинг туйғуларини тарбиялашга киришишимиз керак. Ҳозирги “интернет авлоди” учун бунинг аҳамияти кундан кунга ошиб бораёпти²”.

“Авлодлар учрашувларида” турли фикрлар айтилди. Ноанъанавий педагогик вазиятлар яратилди. Авторитар тарбия тарафдори бўлган оталардан бири “Ота фарзандига меҳрини билдирмайди. Унинг меҳри ичида бўлади. У боласи билан гаплашмайди, лекин уй куриб беради, тўй қилиб уйлантиради. Мана шу меҳр бўлади”, деди. Бу фикр маъқуланмади.

² Фалсафа фанлари доктори, профессор А.Бегматов билан 2017 йил 28 ноябрь куни бўлиб ўтган суҳбатдан.

Шуни айтиш керакки, алломаларимизнинг меросида ҳам, миллий тарбиямизда ҳам болага бегонадек қараш қораланган. Чунки ўғилни уйлантириш, уй қуриб бериш оталарнинг бурчига айланган. Лекин бурчни бажариш меҳр бериш дегани эмас. Чунки меҳр бўлмаса, бу ҳадяларни ўғил совуқ ошдек, ҳатто “ўртоғимникидай ҳашаматли бўлмади”, деган норозилик билан қабул қилиши мумкин. Афсуски, бундай мисолларни кўраямиз.

Оилада меҳрсизлик нимадан пайдо бўлади? Миллий тарбия усуллари билмасликдан. Миллий тарбия фэйз берган оилаларда бу усуллар ҳозир ҳам яшайпти. Ота-оналарни, уларнинг оқибатли болаларини шод-мамнун қилмоқда. Бухоролик 21 ёшли Бобур исмли фотограф йигит буни шундай эслади: “Болалигимда кечқурунлари отам дастурхон бошида мулойимлик билан: “Болам. Фалончининг боласи мана бундай ножўя иш қилибди. Оқибатда мана бундай бўлибди. Сизлар бундай бўлманглар”. “Фалончининг боласи мана бундай яхши иш қилибди. Натижада мана бундай бўлибди. Мана шундай яхши ишларни қилинглар”, деб, биз билган одамлар, маҳалладошлар ҳаётдан мисоллар келтириб, насиҳат қилар эдилар”, деб эслади.

Ғиждувондаги “Авлодлар учрашуви”да қатнашган бир йигит шоир Мусофирнинг “Болам дерман”, деган бир ажойиб тарбиявий шеърини ўқиди. Азбарои таъсирланганимиздан уни сизларга ҳам илиндик:

*Ота-она дегай дилдан: болажоним, болам дерман,
Умидим ғунчаси, сўлмас гулистоним, болам дерман.*

*Ато қилдик ҳаёт сизга, бўлар сиз деб, қанот бизга,
Илоҳим кўрмагай ҳеч ким пушаймоним, болам дерман.*

*Кўп гапирсак, қовоқ солманг, қулоқ солинг, қоқилмайсиз,
Йиқилсангиз чекар фарёд менинг жоним, болам дерман.*

*Ота-онага тик боқмоқ, ўғил-қизга гуноҳ аммо,
Кўзингиз қаҳридин ҳоли паришоним, болам дерман.*

*Ота-она чекиб заҳмат, меҳр кутгай, қилиб орзу,
Дегай: Ўғил-қизим—шамъи шабистоним, болам дерман.*

*Болам бор — мақсадим бордир, Худодин истагим ёрдир,
Отам-онам дегувчи энг қадрдоним, болам дерман.*

*Бу газалга олиб илҳом, бухорий машваратлардин,
Муҳаммад айладим эҳсон, достоним “Болам дерман”.*

“Меҳрсизлик дастидин кўнгли яроман, найлайн”, деган машҳур ашула бор. Бунда шоир меҳрсизликдан кўнгли яраланганидан нолияпти. Бунда армон бор. Яъни биз “меҳрсизлик бу маънавий бегоналашувга олиб келади”, деб кўярканмиз. Ваҳоланки, меҳрсизлик одамийлик жавҳари — кўнгилни яралаб, совутар экан! Бу “маънавий киш” уйларимизга ҳам кириб қолмади-микин? Акс ҳолда нега сўровларимизга катталар ҳам, ёшлар ҳам: “Мулойим бўлишса. Кўнглимизга қарашса, ўқрайишмаса, уришиб ташлашмаса, гап қайтаришмаса”, деган истакларини айтишди?

Тарбияга эътиборсизлик — бемеҳрлик — бегоналашув — тўқнашув — жиноят. Булар — жиноятга олиб чиқувчи пиллапоялар. Улар ёш йигит-қизни уйдан бездириб, кўчага ҳайдаб чиқаради. Ҳуқуқбузарлик, жиноятга шароит яратиб беради.

Одам бир умр меҳр (иссиқлик, ёруғлик) қидиради. Агар у уйда бўлмаса, кўчадан қидиради, топади.

Ота-она ўғил-қизининг, ўғил-қиз ота-онасининг не хаёл, ташвиш, режа, ғоялар билан яшаётганини билмас, сўрамаса, бу хонадонга “маънавий қиш” кирганга ўхшайди. Меҳр иситмаса, ёритмаса, бу уйга баҳор келмайди. Бегоналар оиласи бўлиб қолади.

“Авлодлар учрашувлари”да иккала авлод бир хулосага – **“Меҳрибон йигит-қиздан жиноятчи чиқмайди”**, деган яқдил хулосага келишди.

Бунинг учун, аввало, зиёлилар, нуронийлар, маҳалла фаоллари, маънавият ва маърифат ходимлари, ўқитувчилар меҳрибонлик, меҳр-оқибат ҳақида махсус суҳбатларни кучайтиришимиз зарур экан. Бунинг самараси Шофирконда яққол кўринди. Коллеж ўқувчиси Малоҳат қўл кўтариб, сўз сўради. Унга сўз берилди. Малоҳат кўзида ёш, овози титраб: *“Мен бу тадбирдан жуда таъсирландим. Ҳозир шу ердан чиқиб, тўғри бориб, дадам-ойимни қучоқлаб ўпаман”*, деди.

Икки авлод беихтиёр ўринларидан туриб, уни узоқ олқишладилар.

Биз ҳам тадбирни шу жойида якунладик.

Жондор-Шофиркон-Ғиждувон

ТАРБИЯ - ИККИ ДУНЁ САРМОЯСИ

Ўзбек ҳар ишни ўз профессионалига топшириш кераклигини ўзининг “Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин”ида айтиб қўйган. Бу мақол Европа, ривожланган давлатлар фуқаролари аъмолига айланиб бўлди. Энди ўзимизга қайтиб келаётир. Бундан 20-30 йил илгари ўзимиз қилган ишлар (томорқани кўкаламзорлаш, макияж, автони ювиш, мойини алмаштириш, кузда помидор банка ёпиш ва ҳ.к.)ни “устаси фаранги”ни чақириб қилдираяпмиз. Ёки профессионал маслаҳатлар олиб, уларни қўллаяпмиз.

Ласеттини ишлатиш, ҳайдаш учун унинг ичига кириш керак. Худди шунингдек, педагогик автони “ҳайдаш” учун ҳам унинг “ичига кириш”, профессионал педагог-тарбиячилардан ўрганиб, амал қилиш керак бўлади.

Қаранг, ўсмир ўғлингиз Сардоржон ёхуд қизингиз Сарвиноз қандай хушмуомала, чойни чиройли қилиб дамлаб, қуйиб, узатиб турибди. Сизга меҳрибон, қатъиятли, дадил, тadbирли, бадастир. Қандай яхши, қандай мароқли?! Қандай бахт?! Демак, уларга шу фазилатларни билиб, танлаб, ўргатибсиз. Ҳафсала билан қараб, кутибсиз. Бугун ана шу фазилатлар болангизга қўшилиб, балоғатга етибди. Доно ота-она ва доно онанинг педагогик меҳнати мевалари муборак бўлсин! Бу фазилатлар 1 йил эмас, 10 йил эмас, камида 100 йил баракали, ширин ҳосил беради. Авлодларингизни сарбаланд қилади, қалбларига қувонч улашади. Чунки сиз ўстирган фазилатлар икки авлодга – ўғил-қизингизга, улардан ўғил-қизларига ўтади.

Лекин бу қувончли манзарани ҳеч ким биз учун қилиб бермайди. Бу – маънавият, маърифий меҳнат, тарбия, яъни ўргатишнинг ҳосили. Фарзандга одоб ўргатиш ҳар бир мусулмоннинг нафақат дунёвий, балки диний вазифаси экан. Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтадилар: **“Албатта, кишининг фарзандига одоб ўргатмоғи бир ўлчам нарсани садақа қилмоғидан кўра яхшироқдир”³. Демак, ота-она ҳар куни ўғил-қизига ниманидир тушунтириб, кўрсатиб, ўргатса, ўзининг бу дунёсига ҳам, у дунёсига сармоя олади. Ўргатмаса, бунинг акси бўлади.**

Бир марта кўрсатмаган юз марта айтади. Барибир бўлмайди...

Афсуски, ҳозир “тарбия” деганда кўпчилигимиз “бола билан гаплашиб ё адабини бериб қўйиш”ни тушунаяпмиз. Аслида тарбиянинг асосий, халқ синаган методлари миллий тарбиямизда, мақолларимизда айтиб қўйилган. Халқимизнинг **“Юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши”** деган педагогик мақоли бор. Бугун бу мақолимизни Европанинг энг илғор педагог-психологлари “ишлаб чиққан” тренингларида кўраяпмиз. Виртуал олам ёзишмалари ҳам матндан суратга ўтаётир. Асосий урғу сўзга эмас, кўзга берилаяпти.

Бу бежиз эмас. Сиздан бир киши “Илтимос, ўзингиз кўрмаган хатти-ҳаракатни бажариб кўрсатинг”, деб сўраса, “Бу нима деганингиз?”, дейсиз таажжубланиб. Чунки ўзингиз кўрмаган ҳаракатни кўрсата олмайсиз. Бола, полапон, кўзи ҳам шундай. **“Қуш инида кўрганини қилади”**. Кўрмаган нарсасини қилмайди. Қилолмайди. Демак, биз фарзанд тарбиясида боболаримиз ўғитига амал қилайлик: яхши хулқ, одобни **юз марта гапиргандан бир марта кўрсатайлик**.

³ Мамадалиев С. Имом Термизий/С.Мамадалиев; таҳрир ҳайъати: У.Алимов ва бошқ. –Т.: “Тафаккур”, 2010. 33-б.

Тирноқ олишни, саломлашишни, қовун сўйишни, хурмат кўрсатишни, интернетдан фойдаланишни, тўй-маъракада хизмат қилишни, одам савдоси, диний экстремистдан ўзни ҳимоя қилишни, узум ейиш, қовун сўйишни, болага юз марта айтгандан кўра бир марта “мана бундай қилгин, хўпми”, деб бажариб, қилиб кўрсатиб, ўргатиш керак. Бир марта кўрсатишдан эринган ота-она юз марта айтади. Ҳар куни айтиб, жаврайди. Ҳар куни ўзларининг ҳам, боласининг ҳам кайфиятини бузишади. Барибир бўлмайди...

Бола қайси хатти-ҳаракатларни кўп кўрган ва такрорлаган бўлса, ана шу хатти-ҳаракатлар унинг хулқида муҳрланади. Чуқур из қолдиради. Унинг хатти-ҳаракатларида “юзага қайтиб чиқади”. Мисол учун, 15 ёшли бола ота-онасини 38325 кун кўради. Ҳар куни у отасининг юришини, ўтиришини, чойни қандай ичишини, телефонда қандай гаплашишини, гавдасини қандай тутиб юришини, чой қуяётганини, қилишини, асабийлашувини, ота-онасига меҳрибонлик (ёки аксинча, қўполлик) қилаётганини, юзини юваётганини кўради. Ота-она болалари уларни кузатаётганини сезишмайди ҳам. Шундай экан, ота-оналарга бир тавсиямиз бор: болангиз сизнинг ёшингизга етганида қандай одам бўлишини истасангиз, ўзингиз ҳозир шундай бўлинг!

“БУГУН ҲАР БИР ОТА-ОНА ПЕДАГОГ БЎЛИШИ КЕРАК”

Севимли фарзандларининг бахтини тилаб яшаётган бахтиёр ота-оналар, шунингдек , ҳозир севишган йигит-қизлар - бўлажак келин-куёвлар - бўлажак ота-оналар билан педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Қуроновиқнинг эксклюзив сўҳбати.

Суҳбатдош: Муҳаммаджон ака. Суҳбатимиз бошида “Бугун ҳар бир ота-она педагог бўлиши керак”, деган фикрингизни шарҳлаб берсангиз.

М.Қуронов: XXI аср – интеллектуал аср. Билимсизлик – саломатликка таҳдидлардан бири сифатида Жаҳон соғлиқни сақлаш стандартига киритилган. Бундан чиқадики, ота-оналарнинг ва болаларининг касал бўлишларига асосий сабаблардан бири ота-оналарда тиббий билимларнинг етишмаслиги экан. Демак, қайси ота-она ўзим соғ бўлай, болаларим соғ бўлишсин, деса, тиббий билимларга эга бўлиши керак. Ким бой бўлай, деса –иқтисодий билимларга, хусусий мулкнинг мустаҳкам ҳимоясини ўйласа – ҳуқуқий билимларга эга бўлиши керак бўлиб чиқади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тиббий билимсизлик саломатликка таҳдид экан, педагогик билимсизлик – баркамол авлод тарбиясига таҳдид, десак тўғри бўлади. Ким боласини Ватанига содик, фидойи, бахтли инсон этиб тарбияламоқчи бўлса, педагогик билимларга эга бўлиши керак.

Суҳбатдош: Бу фикр, айниқса, ёш келин-куёвларга асқотади.

М.Қуронов: Тўғри айтдингиз. Бугун “Эртага учрашув”, деб ҳаяжонланаётган йигитларимиз, титраб турган қизларимиз, хиебонларда қўл ушлашиб юрган севишган йигит-қизлар – бўлажак келин-куёвлар, бўлажак эр-хотинлар, бўлажак ота-оналар. Чунки тўнғич боласи туғилган кундан бошлаб кечаги келин-куёв, бир кунда ота-онага айланишади. Шундай экан, ота-оналикка тарбия сирларини билиб киришган яхшими ёки билмай? Албатта, билиб киришиш керак, дейсиз. Чунки ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда бу - ҳал қилувчи масала бўлиб қолди-ку, дейсиз.

Шундай экан, ҳар бир келин-куёв ифтихор билан: “биринчи фарзандим туғилган кун – менинг биринчи педагогик иш куним” дейишга тайёр туришлари керак.

Сухбатдош: Бу – ҳар биримизнинг ота-оналик бурчимиз экан-да?!

М.Қуронов: Нафақат. Чунки бу ҳар биримизнинг конституцион бурчимиз. Зеро Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар, деган мажбуриятимиз мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундан ташқари фарзандининг тарбияси билан қизиқмаган, етарлича ғамхўрлик кўрсатмаган ота-оналар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 47-моддаси билан айбланадилар.

Эътибор беряпсизми, *“ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар”*, дейилмоқда. Бу ерда иккита мажбурият бор. Бири – боқиш, иккинчиси – тарбиялаш. Бизда бола боқиш муаммоси, яъни боламга нима едириб-ичирсам экан, деган муаммо йўқ. Бунинг тасдиғига мамлакатимизда ҳар иккинчи оилада машина тургани; АҚШнинг Калифорния университети олимлари ўтказган тадқиқотларда жаҳоннинг энг бахтли 158 та мамлакати орасида Ўзбекистонимизнинг 44-ўринга чиққанининг ўзи жавоб.

Бироқ, иккинчи мажбурият – тарбиявий мажбуриятни таъминлашда ота-оналаримиз муаммога дуч келмоқдалар. Яъни пуллари кўп, бироқ, болани қандай тарбиялаш керак, деган саволларга жавоблари кам. Уларда педагогик компетентлилик – билим, кўникма, малака, хоҳиш етишмаётгани сезилмоқда.

Суҳбатдош: Педагогика қандай фан?

М.Қуронов: Тарбия тўғрисидаги ягона фан. Чақалокни бахтиёр Инсонга айлантириш илми. Бугунги кун ибораларидан фойдаланиб айтсам, Ўзбекистон учун педагогика бу - фарзандларимизни биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли қилишни ўргатувчи фан деган бўлардим.

Педагогика - энг қадимий фан. Унга зарурат ер юзида биринчи чақалоқ билан бирга туғилган. Болалар бор экан, у ҳам бўлади. Ота-она, ўқитувчиларнинг миясида туриб, миллатнинг болаларини ўқитади, тарбиялайди. Ишлайди. Бироқ, педагогикани ишлатиш учун ўрганиш талаб қилинади.

Суҳбатдош: Қизик-а?!

М.Қуронов: Ҳа-да. Педагогика энг қизик, жўшқин фан. Бола маънавияти бир серҳосил тупроқ. Унга нима экилса, ўсиб чиқади, ҳосил беради. Қанча эрта экилса, шунча эрта ҳосилга киради. Гул ҳам, анжир ҳам, афсуски, ажриқ ҳам. Ёш болангиз хушмуомала бўлса, чойни чиройли қилиб дамлаб, сузиб бериб турса, сизга, қариндошу маҳалладошларингизга меҳрибон бўлса. Бир сўзли, қатъиятли, ҳам маънан, ҳам моддий бойликка эга бўлса. Қандай яхши, қандай мароқли?! Шундай эмасми?

Суҳбатдош: Албатта! Тарбиянинг энг таъсирчан методи нима?

М.Қуронов: Тарбия тарихини, ҳозирги амалиётларни, хорижий тажрибаларни ўрганиб, шундай хулосага келиш мумкинки, бу саволингизга жавоб бўладигани бу – ўргатиш методи. Чунки унинг ичида тушунтириш ҳам бор, суҳбат ҳам бор, кўрсатиш ҳам бор, айтиш ҳам бор, намуна ҳам бор. Бу методнинг кадр-қиммати га икки мисол келтираман. 1) Пайғамбаримиз (с.а.в.)

айтадилар: “Албатта, кишининг фарзандига одоб ўргатмоғи бир ўлчам нарсани садақа қилмоғидан кўра яхшироқдир”⁴. 2. Бу усулнинг XXI асрдаги моҳияти қуйидаги педагогик ҳикматда яққол кўриниб турибди: “Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан”, дейди Биринчи Президентимиз, “ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади...”⁵.

Суҳбатдош: Тарбия нима?

М.Қуронов: Тарбиянинг таърифлари кўп. Ҳар бирининг ўз ўрни бор. Бир нарса аниқки, тарбия худди бизнес, тиббиёт, қурувчилик каби аниқ натижага қаратилган амалий иш.

Баъзилар тарбия ҳақида “болани ёнига ўтказиб, ибратли насихатлар қилиш”, дейишади. Бу ҳам фойдали. Беморга соғлиқни сақлаш йўллари яхшилаб тушунтиришни англатади. Тушунтириш назарий тушунча беради. Тарбия ана шу назарий тушунчаларга асосланган фазилатларни яратади. Болада бирор фазилатни кўришни истасак, дастлаб унга бу фазилатни ётиғи билан тушунтирамиз. Ундан сўнг шу фазилатнинг энг мукаммал тарзини кўрсатиб, ўргатиб, машқ қилдириб, такрорлатиб, одатга айлантириб юбориш керак бўлади.

Суҳбатдош: Фазилат нима?

М.Қуронов: Фазилат бу – инсондаги у ёки бу ижобий хислат, сифатнинг номи. Эътибор берганмисиз, Абу Наср Форобий бобомиз ўзининг буюк асарига “Фозил одамлар шаҳри” деб ном берган. Бу – фазилатли одамлар, яъни фозиллар яшайдиган жой, яхши

⁴ Мамадалиев С. Имом Термизий/С.Мамадалиев; таҳрир ҳайъати: У.Алимов ва бошқ. –Т.: “Тафаккур”, 2010. -72 б. – “Мутафаккирлар” илмий-оммабоп рисоалар туркуми) 33-б.

⁵ Ислом Каримов. Танланган асарлар. 3- жилд, 39-бет.

тарбияланган, юксак маънавиятли одамлар истиқомат қиладиган шаҳар дегани.

Ота-она боласига исм танлаётганида ўзининг орзуларига энг мосини танлайди. Агар таҳлил қилинса, ҳар бир ўзбекча исм – бир фазилат эканлиги маълум бўлади. Мисол учун, Олим, Омил, Фазилат, Фозил деган ўзбек исмларини олайлик. Олим – билимли, Омил – билимига амал қилувчи, Фозил – фазилатли одам дегани.

Сухбатдош: Мисоллар келтирсангиз...

М.Қуронов: Меҳрибонлик, жасурлик, ватанпарварлик, дахлдорлик ва бошқалар инсон фазилатлари. Улар одамларнинг турли вазиятларда қилган хатти-ҳаракатларида кўринади, айтган гапларида эшитилади, сезилади. Демак, тарбия одамларнинг фазилатларини ва фазилатлар мажмуи - хулқини яратади. Шунинг учун бўлса керак, ҳазрат Алишер Навоий бобомиз: “Ақл ила олам юзин обод қил, хулқ ила одам элини шод қил”, деган.

Сухбатдош: Фазилатни тарбиялашда нималар керак бўлади?

М.Қуронов: Ҳафсала, билим ва вақт. Яхшиси келинг, иккаламиз бизни ўқиётган ҳурматли ота-оналар билан кичик бир блиц-тест ўтказсак. Савол: “Ҳурмали ота-оналар. Айтингчи, сиз сўнгги бир ой ичида, атайлаб, олдиндан тайёргарлик кўриб, болангизни ёнингизга ўтказиб, унга бирор фазилатни ўргатганмисиз? Ўргатган бўлсангиз, бу ишга бир кунда ўртача неча минут вақт ажратгансиз? Қуйидаги рақамлардан қайси бири жавобингизга мос бўлса, айлана ичига олинг.

1 3 5 10 15 20 25 30 35 40 50 55 60 65 70 75 80 85 90 95 100”

Айтайлик, сиз (15) деб белгиладингиз. Бу нимани англатади? Бир суткада сизга 1440 минут вақт бюд-

жети берилган. Сиз шундан 8 соатини уйқуга сарфла-
япсиз. Қолган 16 соатдан 15 минутини атайлаб болан-
гиз билан суҳбатлашишга – бола тарбиясига харажат
қилдингиз. Бу бир кунлик фаол вақт бюджетингизнинг
0,015% ини ташкил қилади. Қолган 945 минутини ёки
99,99%ини бошқа ишларга сарфлабсиз. Агар ҳар куни
болангизга 15 минут вақт ажратаётган бўлсангиз...

Бу рақам сизнинг энг азиз неъмат – фарзандингиз
келажагига ажратаётган эътибор, кунтингиз қанчали-
гини кўрсатади. Бу рақам 40 йилдан сўнг болангиз сиз-
га қанча вақт ажратишидан дарак бўлиши мумкин.

Суҳбатдош: Ҳойнаҳой, сиз “Қуш уясида кўрганини
қилади”, деган мақолни назарда тутаяпсиз. Тўғрими?

М.Қуронов: Топдингиз. Сиздан бир киши “Илти-
мос, ўзингиз кўрмаган хатти-ҳаракатни бажариб кўр-
сатинг”, деса нима қиласиз? “Бу нима деганингиз”,
дейсиз таажжуб билан. Ҳеч нарсани кўрсата олмайсиз.
Чунки сиз кўрсатмоқчи бўлган ҳар қандай хатти-ҳара-
катни сиз ё реал, ё виртуал ҳаётда қачондир, кимдадир
кўрган бўлиб чиқасиз. Ёки сиз кўрсатган хатти-ҳаракат
сунъий, ҳаётий мазмуни йўқ ҳаракатдан бошқа нарсани
англаймайди. Чунки сиз бу ҳаракатни кўрмагансиз.
Бола ҳам, қуш ҳам шундай. Уясида ёки бошқа жойда
кўрган нарсасини қилади. Кўрмаган нарсасини қил-
майди. Қилолмайди.

Суҳбатдош: Фазилат одамга қандай сингади?

М.Қуронов: Қайта-қайта кўриш, эшитиш орқали
сингади. Ҳар бир кўриш, эшитиш бу – ёғочга мих қоқа-
ётган болганинг бир зарбига ўхшайди. Бола кимда,
қайси хатти-ҳаракатларни кўп кўрган ва тақрорлаган
бўлса, ана шу хатти-ҳаракатлар унинг хулқида чуқур
из қолдиради. Унинг хатти-ҳаракатларида “юзага қай-
тиб чиқади”.

Мисол учун, 15 ёшли бола ота-онасини 38325 кун кўради. Ҳар куни у отасининг чойни қандай ичишини, телефонда қандай гаплашишини, гавдасини қандай тутиб юришини, чой қуяётганини, кулаётганини, асабий-лашаётганини, ота-онасига меҳрибонлик (ёки аксинча, кўполлик) қилаётганини, юзини юваётганини кўради. Ота-она болалари уларни кузатаётганини сезишмайди ҳам.

Ҳар куни ота-она уйда иш, юмуш, муомалага оид юзлаб хатти-ҳаракатларни⁶ бажаришади. Болалари диққат билан қараб турганини сезишмайди ҳам. Шундай экан, ота-оналарга бир тавсиямиз бор: болангиз сизнинг ёшингизга етганида қандай одам бўлишини истасангиз, ўзингиз ҳозир шундай (яхши) одам бўлинг.

Сухбатдош: Бола ота-онаси бўлмаган соатларда-чи?

М.Қуронов: Тарбия – узлуксиз жараён. У бола эрталаб уйғонганидан то ухлагунга қадар тўхтамайди, давом этади. Чунки бола ҳар минутда нималарнидир, кимларнидир кўраяпти.

Тарбиянинг икки равиши бор. Бири – педагогик муассасалар - мактаб, коллежларда педагоглар олиб борадиган аниқ мақсадли, режали, аниқ натижага эришишга қаратилган тарбия. Иккинчи равиши бу – режалаштирилмаган, ҳаёт тарбияси. Буни боланинг ижтимоийлашуви, ижтимоий тажриба, қадриятлар интериоризацияси жараёни, деса ҳам бўлади.

Сухбатдош: Масалан...

⁶ Хатти-ҳаракат – ҳаракатлар линияси, чизиғи, деган маънони ҳам билдиради. Барча ҳаракатлар линиясининг манзараси хулқни ташкил этади. Бир кунлик хулқ (ҳаракатлар чизиғи) қандай ижобий ёки салбий натижалар берганлигига қараб баҳоланади. Шунинг учун мактабнинг бир чорағи давомида кузатилган боланинг хулқи “аъло”, “яхши”, “қоникарли”, “қоникарсиз”, деб баҳоланади.

М.Қуронов: Масалан, болангиз уйдан мактабга 30 минутлик йўл босиб боради. Қайтишда ҳам шундай. Демак, у ҳар куни 60 минут давомида у нотаниш одамларни, вазият ва манзараларни кўради. Ҳар хил яхши-ёмон воқеалар, фикрлар, гаплар, намуналар таъсирига дуч келади. Қайтишида ҳам. Эртага эрталаб мактабга келаётиб боламиз кимларни, нималарни кўришини ҳеч қайсимиз билмаймиз. Демак, ҳар куни боламизни 60 минутлик ташкил этилмаган тарбия (интериоризация) жараёни кутиб туради.

Боламиз турли ёшдаги одамларнинг қандай кийинганликларини, бир-бирларига муомалаларини, тўғри-нотўғри қилиқларини кўради. Қайд қилади. Шунинг учун биз катталар кўча-кўйда, тўй-маъракада, транспортда кетаётганимизда ана шу нозик жараёни доим ҳис қилиб туришимиз керак. Болалар, ёшлар мендан ибрат олишяпти. Мен ҳозир менга кўзи тушаётган барча – маҳалла, қишлоқ, кўчадаги барча таниш-нотаниш болаларга ибрат бўлаяпман, деган масъулият доим ёдимизда туриши керак.

Сўхбатдош: Мактаб, коллеж мутасаддиларидан “Ота-оналар мажлисларига асосан оналар келишади. Оталар кўпинча келишмайди”, деган гапни эшитиб қоламиз. Бундай вазиятда нима қилмоқ керак?

М.Қуронов: Иш усулларини ўзгартириш керак. Яъни икки усулда: “мажлисга келаётган оталар” ва “мажлисга келмаётган оталар” билан ишлаш усулларини ишга солиш керак.

Мажлисга келмаётган оталар билан рўйхат асосида, якка ишлаш керак. Ҳар бир отанинг қўл телефони бор. Қўнғироқ қилиб, хушмуомала билан фарзанди тарбиясида ҳамкорликка чорлаш керак. СМС хабар орқали уларга фарзанд тарбияси ҳақидаги афо-

ризмлар, унинг ўғил-қизи ҳақида қизиқ, яхши маълумотлар, янгиликлар, муаммоларни юбориб турса бўлади. Гап ўз боласи ҳақида кетаётганини билган ота бир қарамас, икки қарамас, кейин, албатта, таъсирланади. Очиб ўқийди.

Аксарият оталар бирданига очиб ўқиб, таъсирланиб, қизиқиб кетади. Қолган 10-15% оталарни “фаоллаштириб олиш” учун бироз кўпроқ вақт талаб этилиши мумкин. Уларга оналар орқали - билвосита таъсирни янада кучайтириш керак. Керак бўлса, маърифий усуллар иш бермаса, юқорида айтганимиз - ҳуқуқий-меъёрий асосларни ишга солса бўлади.

Суҳбатдош: Оналар масаласида нима дейсиз?

М.Қуронов: Сиз саволингизнинг биринчи қисмида “мактаб, коллежларда ота-оналар мажлисларига асосан оналар келишади”, дедингиз. Бу бежиз эмас. Бу ҳам аёллар, оналарни муҳтарам Президентимиз уйимизнинг чароғбонлари, деб улуғлашларининг ҳақиқий мисолларидан бири.

Оталарнинг мактабга кам келиши, албатта, ёмон. Лекин оналарнинг кўп келишлари - жуда ажойиб имконият. Чунки оналарда тарбия иши учун зарур бўлган жуда кўп афзалликлар бор.

Ўзингиз айтинг, уйда бола билан ким кўп вақт бирга бўлади, гаплашади? Отами, онами? Албатта, она. Тарбия учун ким жонкуяр? Оналар. Ким эътиборлироқ? Оналар. Бола тарбияси учун отанинг вақти кам бўлса, онанинг вақти ҳам, имконияти ҳам кўп. Демак, оналарни педагогик билим ва маҳорат билан куроллантириш керак. Бунинг учун эса мактаб, коллежларда ота-оналар мажлисларига асосан оналар келаётганидан унумли фойдаланиш керак. Чунки оналар орқали оилаларга педагогик билимларни олиб кириш, жорий қилиш тез ва соз кечади.

Оналар, керак бўлса, оталарни ҳам ишга солиб юборишади. (Афсуки, бу имкониятдан баъзи онахонларимиз тўйларини давбадали қилишдагина фойдаланишяпти, холос) Бундан маҳалла – оила – таълим муассасасининг педагогик ҳамкорлиги самараси янада ошади. Болаларимизни турли салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш мақсадида ижтимоий ҳамкорликда ўтказатган “Ўқувчи”, “Ўсмир”, “Давомат”, “Ойна” каби профилактик тадбирларимизга зарурат қолмайди.

Суҳбатдош: Халқимизда “Юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши” деган мақол бор. Бу мақолнинг тарбияга алоқаси борми?

М.Қуронов: Бўлганда қандоқ! Бу - болангизда қандай хулқни кўришни истасангиз, аввал унга ўзингиз қилиб кўрсатинг, дегани. Бир неча марта. Болангиз ҳам сизга бир неча марта такрорлаб кўрсатсин. Ана шунда ўша фазилат болангизнинг одатига айланади. Яъни ҳар доим тайёр туради. Намоён бўлади.

Суҳбатдош: Бу мақол серқирра. Шундай эмасми?

М.Қуронов: Тўғри айтасиз. Унинг бир қирраси - “Юз марта айтгандан бир марта кўрсат(ган яхши)”. Иккинчи қирраси - “Агарда бир ишни, амални юз марта такрорлаб айтмоқчи бўлсанг, бир марта ҳам кўрсатма”. Учинчи қирраси - “Бир марта кўрсатмасанг, юз марта кўрсатасан, лекин бу ҳам камлик қилади”.

Хуллас, болага нимани айтган бўлсангиз, ўша нарсаларни эшитасиз. Нималарни қилиб кўрсатиб, машқ қилдирган бўлсангиз, ўша нарсаларни кўрасиз. Чунки кўрсатиш, машқ қилдириш – тарбиянинг асосий методлари.

Суҳбатдош: “Болалар ва Интернет” муаммоси бўйича қандай фикрдасиз?

М.Қуронов: Бугун интернетнинг таъсири болага оила, таълим муассасаси ва маҳалла кўрсатаётган тар-

биявий таъсирдан кам эмас. Яна орта боради. Болаларимиз оналари берган пулларига соатлаб вақтларини қўшиб, интернетга сарф қилишаётир. Бу тушликда сомса учун берилган пулга сигарет олиб чекишга ўхшайди.

Ўйлаб кўрганмисиз? Нима учун реал ҳаётда болаларимиз сигарет чекишмайди? Чунки уларда сигарета чекишга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириб қўйганмиз. Виртуал ҳаётда негадир бундай бўлмаяпти. Бу эса айримларда интернетфобияни пайдо қилмоқда. Улар “болаларимизни интернетдан ҳимоя қилишимиз керак. Интернет болаларимизни бузаяпти”, дейишади. Аслида эса “Биз ўзимиз интернетдан қандай фойдаланишни ўрганмадик. Болаларимизга ўргатмадик. Қандай назорат қилишни билмаяпмиз. Шунинг учун биз бераётган пулдан болаларимизга фойда ўрнига зарар етаяпти”, дейилса, тўғри бўлади. Чунки интернетдаги яхши ресурсларни қўйиб, ёмонларидан фойдаланса, шундай бўлади-да.

Интернет – умуминсоний трендда. Шундай бўлиб қолади. Интернет – бозор. Уни танқид қилиш – бефойда иш. Ундан кўра боламизга бу бозордан нимани, қандай олишни ўргатайлик. Аввал ўзимизни, кейин болаларимизни медиамаданият билан қуроллантирайлик. Ана шунда интернет бизни эмас, биз интернетни ютамыз. Кам пул сарфлаб, интернетдан катта-катта фойда олиб, мамнун яшаймиз. Кўпчилик ота-оналар буни аллақачон ўрганиб олишган.

Сухбатдош: Бунда лоқайдлик ҳам панд берар эканда?

М.Қуронов: Ҳа. Ҳозир ҳар бир бола учун кураш кетаяпти. Бир томонда интернет, иккинчи томонда оила турибди. Ким боланинг кўзларига кўпроқ кўринса, қи-

зиқарлироқ нарсаларни таклиф қилса, боланинг ўй-хаёлларини эгалласа, бола ўшаники!

Баъзи лоқайд оталар боласи ёнига суйкалиб келса, “Бор-бор. Ишим кўп. Ма, 5000 сўмни ол, ўйнаб кел. Фақат кўчага чиқма, машина кўп”, деб ўз ҳаловатига ўранишади. Боласи ўзидан қизиқ воқеаларни сўрашини, гаплашишини, қизиқишини, боласига вақт сарфлашни хоҳлашмайди.

Интернет эса лоқайд ота-она қилаётган ишнинг тескарисини қилаяпти. У болаларимизнинг интернетга киришини пойлаб турибди. Ундан қизиқ воқеаларни сўрашини, гаплашишини, қизиқишини кутаяпти.

Мана, бир ота “Мени тинч қўй”, деб икки соат ўзи билан ўзи қолиш учун боласига 5 минг сўм берди. Интернет тезда бу пулни боланинг қўлидан олади. Бунинг учун минглаб қизиқарли таклифлар дўконини очиб қўйиб, кутаяпти. Боланинг пулини олиб, “Кир. Нима хоҳласанг, олавер”. Фақат 2 соатда чиқ”, дейди. Ота пулни берган-у, нима олишни айтмаган. Нима хоҳласанг, шуни олавер”, деган.

Шунинг учун болалар 2 соатдан сўнг “пулсиз, қўшимчасига натижасиз” чиқишяпти. Кўчага чиққач, ўйин завқи бир зумда тарқалиб кетади. Ота берган беш минг сўмдан олинган самара нолга тенг бўлди.

Интернет оилани 5000:0 ҳисобига ютди.

Сўхбатдош: Бунинг сабаби нимада?

М.Қуронов: Бу банкротликка ота-онанинг педагогик билимлари камлиги сабаб бўлди. Чунки онаси боласига 5000 сўм берган. Лекин бу пул эвазига эришиладиган аниқ мақсад, вазифани қўшиб бермаган. Боласининг қайси сайтларга кираётганини сўрамаган. Бунинг оқибатида бола нима дуч келса, шунга кириб-чиқиб ётибди. Демак, интернет муаммоси бу - болаларнинг эмас, кат-

таларнинг медиамаданияти пастлиги, педагогик лоқайдлигининг оқибати. Биз эса болаларни, интернетни танқид қиламиз. Бундан кўра болаларимиздаги интернетга “мақсадсиз-натijasиз” қизиқишни “мақсадли-натijasли” қизиқишга айлантирайлик, олам гулистон!

Сухбатдош: Қандай қилиб?

М.Қуронов: Мисол учун болаларга интернетдаги ҳар бир соатдан катта фойда “ютиб олиш”ни ўргатиш керак. Шу номинацияда мукофотлар ташкил этиб, бир соатда интернетдан энг кўп фойда ундирган ўқувчиларни рағбатлантириб бориш керак. Бунда интернетдаги беҳисоб маънавий-маърифий, креатив, таълимий ресурсларни болалар орасида мақтаб, тарғиб қилиш яхши самара беради. Барча фойдали ресурслар ёшларимизга, улар орқали – Ўзбекистон равнақига хизмат қила бошлайди. Ана шунда боланинг пули ва вақтини олиб, зарар бераётган интернет энди фойда, “маънавий даромад” келтира бошлайди.

Сухбатдош: Оила тарбиясида қандай камчиликлар учрамоқда?

М.Қуронов: Болаларимиз хулқи – ойина. Бу бизнинг педагогик компетентлилигимизни кўрсатиб туради. Шунинг учун ойинадан уялтирадиган, одамни ранжитадиган нарсаларни кўрсак, болаларимиздан ранжимайлик. Чунки сабаб – ўзимизда. Улар – бизнинг маҳсулимиз. Шундай экан, болалар хулқидаги камчиликларнинг сабабларини билиш худди ютуқларнинг сабабини билишдай фойдали.

Асосий сабаб – педагогик лоқайдлик. Яъни ўз боласининг тарбиясига эътиборсизлик. Боласи шамолласа, елиб-югуриб врач маслаҳати, рецепти, дори-дармонларини топиб, даволаймиз. Бироқ, хулқ, маънавий касалликни кўрсак ҳам, елиб-югуриб, педа-

гог маслаҳати, тавсиялари, методларини топиб, даволашга шошилмаймиз. Боламиз бир ишкал чиқаргандан сўнг у билан “гаплашиб қўямиз”. Қайтиб бундай қилмасликни айтамыз.

Лекин сокин, эркин, дам олиш пайтларида бола билан гаплашиб ўтирмаймиз. Қандай вазиятда ўзини қандай тутишни тушунтирмаймиз ва ўргатмаймиз, кўрсатмаймиз. Тоқатимиз етмайди. “Катта бўлганингда билиб оларсан”, деб қўямиз.

Тушунтириб, кўрсатиб-ўргатиш учун атига 10 минут вақт етади. Лекин биз бундан эриниб, боламизга эмас, телевизорга қараймиз. Ваҳоланки, мана шу 10 минут боламизга жуда-жуда керак эди.

Натижада бола синфда, кўчада, ҳаётда қайта-қайта хатоларга йўл қўяди, қанча даккиларни эшитади. Тарбияни ўз отасидан эмас, бошқалардан олишга мажбур бўлади. Ота-оналар бобо-момоларимизнинг “Болам, болангга яхши амаллар ҳақида 100 марта гапирганингдан кўра 1 марта кўрсатганинг яхши”, деган ўғитга амал қилсалар, бундай бўлмасди.

Сухбатдош: Болаларимиз хулқига “оммавий маданият”нинг таъсири ҳақида нима дейсиз?

М.Қуронов: Шу ўринда “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган мақол эсга тушади. Бу мақол қушлар ҳақидами? Йўқ. Болалар ҳақида. У тарбиянинг “кўрсатиш-кўриш” механизмини таъкидлаш учун яралган бўлса керак. Чунки “кўрганини қилади”, деган хулоса берилмоқда.

Бундан 100-50 йил олдин ўсмирлар ҳар куни 8⁰⁰дан 20⁰⁰гача – 12 соат давомида ота-онасини, қўшниларини, қариндошларини кўришган. Уларнинг гапларини

эшитган, уларга таклид қилган. Уларга ўхшаб кетган. Бугунги болалар эса реал дўстларидан кўра “виртуал дўстларини” кўпроқ кўришаётир. Улар доим жилмайиб туриб, “Биз сизни севамиз. Эвазига озгина “куруғидан” ташлаб турсанг бас”, деб ўзига чорлайди. Болалар ўшаларнинг гриффинг ибораларини эшитиб, қилиқларини кўришаётир. Қўлларидаги андроид телефонлар қайта-қайта ажнабий хулқ намуналарини таклиф қилаётир. Буларнинг барчаси миллий тарбия борасида ҳафсала, кунтимизни оширишимизни тақозо қилаётир.

Сухбатдош: Биз уйда бошқа ишлар билан бандлигимизда ҳам тарбия давом этадими?

М.Қуронов: Сиз ҳар бир кун давомида уйингизда болаларингизга ўзингизни ўзингиз беихтиёр “такдимот” қиласиз. Болангиз зийрак. Қиёфангиздаги ҳар бир ўзгаришни, овозингиздаги ҳар бир товланишни туяди. Ана ўшанда сиз уни ўзингиз билмаган ҳолда беихтиёр тарбиялаётган бўласиз. Болангиз ана шу вазиятларни кузатади, кўзи билан “видеога олади”. Хулқий хотирасига “юклаб олади”.

Ўн беш ёшли бола отаси билан 5475 кун бирга яшаган бўлади. У отасининг қандай вазиятларда нима қилишини, қайси сўзни қандай айтишини такрор-такрор кўради, эшитади. У ҳар куни 2 марта кўрса ҳам, 10950 марта кўрган бўлади.

У бошқаларни ҳам турли вазиятларда қандай хатти-ҳаракат қилишганини кўрган. Лекин, ота-онаси сингари минглаб марта эмас-да. Шунинг учун ҳам гўдак болангиз ўзига ўзи гапириб, ҳаракатлар қилаётганида Сизга ўхшашга машқ қилаётган бўлади. Дикқат билан кузатсангиз, болангиздаги ўзингизга ёки аёлингизга хос хатти-ҳаракатларни “таниб” оласиз.

Сухбатдош: Салбий одатлар “юқади”ми?

М.Қуроно: Албатта. Чунки кулоқ доимо “Нима учун”, деса, кўз: “Қандай қилиб?”, дейди. Бошқача қилиб айтганда, кулоқ “Айт”, дейди, кўз эса “Кўрсат”, дейди. Афсуски, бу саволларга баъзан салбий намуналарни ҳам кўрсатамиз. Бунга сабаб – ўзимиздаги айрим нуқсонларда. Мисол учун ота бўлиб, боламизнинг кўз олдида чекамиз. Қўшни бир нарсани сўраб келса, бор нарсани йўқ, деб айтишлар, деймиз. Бир кишини олдида мактаб, ортидан ёмонлаймиз.

Ҳаммасини боламиз кўраяпти. Натижада ўзимиз боламизга кашандаликни, қизғанчиқликни, ғийбатни “юз марта эшиттиргандан кўра бир марта кўрсатиб” бораяпмиз. Бундай бўлмаслиги керак. Ота-она боласидан қандай хулқни исташса, ўзлари шу хулқни кўрсатиб туришлари керак. Қанча қийин бўлса ҳам...

Сухбатдош: Демак, боласи нималарни яхши кўришини истаса, ота-она ўша нарсаларни яхши кўриши керак экан-да?

М.Қуроно: Мен шунга ўхшаган ажойиб бир мисолни 2015 йил 26 апрель куни машҳур жаҳон чемпионлари Ислон ва Жавохир Синдоровларнинг бобоси – юридик фанлар доктори, профессор Комилжон Синдоровдан эшитдим.

“Мен илгари бу нарсага эътибор бермас эканман. Невараларимни машинага ўтқазиб, машгулотларга олиб юрганимда уч ойлар чамаси “Бозургони” ашуласини қўйиб, бориб келар эдим. Кейин нима бўлди-ю, ўша диск йўқолиб қолди. FM каналидан бошқа қўшиқларни қўйиб юрдим. Бир куни машгулотдан қайтаётсак, Ислонжон “Бобо, “Нега “Манга кўргузуб”ни қўймайсиз? Ўша яхши-ку. Ўшани қўйинг”, деди. Ҳайрон

қолдим. Беихтиёр “Нима эксанг, шуни ўрасан”, деган ҳикматни эсладим.

Боланинг қулоғига, кўзига нимани сингдириб борсангиз, ўша нарсага эҳтиёж пайдо бўлиб, ўсиб бораркан. Маънавий эҳтиёж экан бу. 9 ёшли болада мумтоз, оғир қўшиққа эҳтиёж қандай пайдо бўлганини ўз ҳаётимда кўрдим. Мен ўзим мумтоз қўшиқларимизга ишқибозман. Демак, бу билан набирамда “мумтоз қўшиққа эҳтиёж”ни шакллантираётган эканман. Бунименга набирам Иломжоннинг қалбидаги ўзбек мумтоз қўшиғига маънавий эҳтиёж яққол кўрсатди.

Ҳозир ўзбек мумтоз ва анъанавий қўшиқларини эшиттириб, ошно қилиб бораяпман. Зимдан кузатаман. Улар мумтоз қўшиқларимизни ҳайрат билан тинглаб боришаётир. Ўзимнинг қизиқишим янада ортиб кетди”, деди.

Сухбатдош – Гуличехра Саидова

ТАРБИЯ ЛАВҲАЛАРИ

Ким айбдор?

2015 йил 10 ноябрь куни соат 7:²⁰ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Узумзор кўчасида 20 ёшлар чамаси ёш она аравачага гўдагини солиб кетаяпти. Боласи хархаша қилаяпти.

Она йўлдаги вақтдан фойдаланиб, боласи билан гаплашиб кетса яхши бўларди. Ўзига ҳам, боласига ҳам яхши кайфият, ҳам билим берарди. Лекин бундай қилмаяпти. “Овозинг ўчгур! Ўчир овозингни... Эшакнинг боласи”, деяпти ўзининг боласига. Бола эса гапга тушунгандек, баттар, бақириб йиғламоқда.

“Қизим. Онанг туғишни ўргатибди. Аммо болани су-йишни, тарбиялашни ўргатмапти”, деб қўйдим ичимда. Бувининг нодонлиги неварасига қарғиш бўлиб қайта-япти. Эшитиляпти. У мана шундай қарғишлар остида тошжорак бўлиб ўсади ва ўзининг совуқ кўз ва сўзларини аввал онасига, кейин бувиси кўзларига санчади.

Ким айбдор бунга? Бола ёмон бўлиб туғилганмиди? Йўқ. Уни ким ёмон қилди? Ота-онаси. Ота-онасини яхшилаб боққан, аммо тарбияламаган бобо-бувилари эмасми?

Тарбия “агрономияси”

Томорқасини ажриқ босиб кетса ажриқни эмас, ер эгасини айблаймиз. Чунки ажриқни экиш, суғориш керак эмас. Индамай, ўз ҳолига ташлаб қўйсак, бас.

Фойда олиш учун ерни ағдариб, ажриқни йўқотиб, сабзи-пиёз, бодринг-помидор экиш керак. Атайлаб эк-

канимиз – сабзи-пиёз, бодринг-помидорларни фази-латлар деб атайлик. Қарамай, ташлаб қўйганимиз учун ўз-ўзидан ўсиб чиққан ажриғу ғумайларни иллатлар деб атайлик.

Болани яхшилаб боқиб, едириб-ичириш, лекин тарбияламаслик – ғумай, ажриқларни суғориб, ўғит бериб ўстиришга ўхшайди. Ана шунда томорқангизни ким кўрса, сизга «хайф» дейди.

Болани яхшилаб боқиб, едириб-ичириб, яхши фазилатлар (экин уруғлари)ни танлаб, мақсадли ўргатиб (экиб) тарбиялаш бу – сабзи-пиёз, бодринг-помидорларни суғориб, ўғит бериб ўстиришга ўхшайди. Ана шунда томорқангизни ким кўрса, сизга «тасанно» дейди. Сиз қайси бирига амал қиляпсиз?

Тарбиявий кафолат

Телефон, Матиз, кир ювиш машинасини сотиб олсак, 1 йил, 3 йил кафолати билан оламиз. Яъни “агарда 1 йил давомида бирор жойида камчилик чиқса, биз жавоб берамиз. Узр сўраб, ўз ҳисобимиздан таъмирлаб берамиз”, дейилади. “Товар сертификатланган, хизматлар лицензияланган”. Лекин, 20 ёшли йигит Ал-Хоразмийни билмаса, ўз исмини кичик ҳарф билан ёки хато ёзса, ўз фикрини оғзаки, ёзма баён қила олмаса-чи? Ал-Хоразмий ҳам, грамматика ҳам, имло ҳам, оғзаки нутқ ҳам дарсларда ўтилган.

Ёлғончилик, лоқайдлик ёмонлиги, мардлик, фидойилик, иродалилиқ руҳида тарбиялашган. Лекин бугунги ёшларимиз орасида Хоразмийни, грамматикани, физикани яхши биладиган, ростгўй, иродали, фидойи ёшлар кўпми, камми? Неча фоиз? Кўп бўлса, ўқитувчиларимизни эслаймиз. Устозлар, му-

раббийларимизга раҳматлар айтамиз. (Улар олган маошларини оқлаганлари, болаларимизни ҳаётга, бахтли бўлишга кафолатли ўргатганлари учун).

Агар кам бўлса-чи? Ҳунарсиз бўлса, иродасиз бўлса, тарихни билмаса, Хоразмийни билмаса, жиноят қилса, террористга қўшилса-чи? Болаларимизни уришамиз. Нега? Нега уларни ўша пайтларда ўқитган, тарбиялаган устозу мураббийларни, мактаб, коллеж директорини эсламаймиз? Ахир улар бу ўқувчимиздан кўнглимиз тўқ, билимига ҳам, хулқига ҳам кафолат берамиз. Қисқаси, “товар сертификатланган”, деган гувоҳнома, шаҳодатномаларга имзо чекишган-ку!

* * *

Одам бирор хавф таҳдидига дуч келса, уч хил реакция қилар экан. Биринчи реакция – ҳужум. Иккинчи реакция – қочиш. Учинчи реакция – қотиб қолиш, қарахтлик. Сизнинг болангизга “Кўк кит”(хавф)дан тақлиф келса, қандай реакция қилади?

Нима учун шундай деб ўйлайсиз?

* * *

“Kun.uz” тармоғи 2017 йил 2 март куни “Тошкентда 5 нафар мактаб ўқувчиси “ўлим гуруҳи”дан сақлаб қолинди”, деган хабарни тарқатди.

Унда Тошкент шаҳрида ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари якуний мақсади ўз жонига суиқасд қилиш бўлган “Кўк кит” ўйинида 15-даражага ўтган беш нафар мактаб ўқувчисини “ўлим гуруҳи”дан сақлаб қолгани, бу ҳақда пойтахт ИИББ вакили “Тошкент” телеканалининг “Пойтахт” ахборот дастурига берган интервьюсида айтиб ўтгани баён қилинди.

“Правда Востока” нашрининг хабар беришича, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, педагоглар, руҳшунослар барча таълим муассасалари, маҳаллаларда профилактик тадбирлар ўтказиб, болаларнинг интернетга эркин кириши масаласига асосий эътиборни қаратишмоқда. Виртуал кенгликни назорат қилиш жуда қийин бўлиб, ота-оналар аксарият ҳолларда фарзандлари қайси сайтга киришини билишмайди ҳам. Масалан, ўша пайтлар “Кўк кит” ўйинига қизиқиш кучайди. Унинг турли номланишлари ҳам бор – “Мени 4²⁰да уйғот”, “Фея” ҳамда бошқалар. Бироқ улардаги моҳият бир хил. Бола ёки ўсмир унда иштирок этишга рози бўлиши билан унга турли топшириқлар берила бошланади. Аввалига улар оддий ва хавфсиздек туюлади. Кит ёки каркидоннинг суратини чизиш, тонг отаётган пайтда туриш ва бунга ўхшаш топшириқлар берилиб, улар даража сайин қийинлашиб боради. Болалардан газни ёқиш ва ухлашга ётиш ёки тез ҳаракатланаётган транспорт олдидан югуриб ўтиш сўралади.

Жойларда ўсмирларни бундай хатарли “ўйин”лардан сақлаб қолиш учун бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, руҳшуносларнинг нафақат болалар, балки ота-оналар билан ишлаши ҳам фаоллашди. Кўп ҳолатларда ўсмирнинг нотўғри йўлга қадам босишига яқинлари уни тушунмасликлари туртки бўлиб хизмат қилади, деб хулоса қилди “Kun.uz”.

Афсуски, айрим оилаларда қўлланаётган нотўғри тарбия усуллари “кўк китчи”ларга ёрдам бераяпти. Айрим ота-оналар: “Сен ношуд одам бўлмайсан, бирор ишни удалай олмайсан”, дейишади. Агар болага 3-10-20 марта “Сен ношудсан, ахлоқсан”, деяверилса, бола шунга ишониб қолади. “Кўк кит” эса бу педагогик хатодан яхши фойдаланади. У: “Сен яхшисан,

уддалайсан”, дейди. Тенг, самимий ва дадил гапириш, ишонч билдириш, топшириқ бериш, назорат қилиб, макташ каби методларни ишлатади. Бу эса ўзига бундай эътибор ва ишончни ҳис қилмаган ўсмирга ширин оғу бўлиб ёқади. Ўсмир уларнинг фикрига қўшилади. Ўзига қизиқтириб, ҳамфикр қилиб олгач, қўлларига кўк кит чизилган ўсмирларни қаҳрамон қилиб кўрсатади. “Сен соат 4²⁰да тур. Сен тура оласан, чунки кучлисан, дейди. (Чунки бу вақтда ҳамма ухлаётган, бола назоратсиз бўлади). Кетма-кет амалий топшириқлар бериб, рағбатлантириб, алдаб, жар ёқасига олиб бораяпти. Эллигинчи куни сўнгги топшириқни беради.

* * *

Ўсмирни нафақат ота-она кўзлари билан, балки педагогик-психологик кўз билан кузатиб бориш керак. Кўпчилик оилаларда болаларнинг аниқ кун тартиби йўқ. Бола кеч ухлайди. Она “турсанг-чи”, деб жаврайди. Турмайди. Ота ўшқиради. Уйкуга тўймай турган ўсмир кунни асабий бошлайди. Кун бўйи бола ота-онаси, ҳаёт ҳақида ёмон ўйлар, тушкунлик (депрессия) қуршовида яшайди. Маънавий соғлом ўсмир жўшқин бўлади. Агарда боламизда тушкунлик кайфиятини сезсак, дарҳол бунинг сабабларига қизиқишимиз керак.

Хорижлик олим, АҚШнинг NorthShore University Health System университети болалар ва ўсмирлар психиатрияси бўлими раҳбари доктор Бенджамин Шайн (Benjamin Shain)нинг Нью Йорк Таймс газетасига берган интервьюсида ўсмирлар ҳулкидаги “безовталиқ белгилари”ни кўрсатиб беради. Бироқ, бу белгилар қанчалик кучли бўлмасин, кескин ҳаракат қилмасликка, “бундай вазиятда ота-она ишнинг 90%ини ўсмирни

тинглашга, қолган 10%ини эса унга ёрдам беришга қаратиш”ни тавсия қилади⁷”.

* * *

Кўпчилик ота-оналар интернетдан фойдаланишни, виртуал назорат йўллари билишмайди. Билишса ҳам бир дағдаға қилиб, кейин ташлаб қўйишади. Мактаб, коллеж, лицейларда ўтадиган ота-оналар мажлисларида интернетдан педагогик назоратни кўрсатиб, ўргатишимиз керак. Чунки ота-оналарнинг педагогик маданияти, маҳорати кўнгилхушлик учун эмас. Бугун бу масала – ҳукукий, мафкуравий, сиёсий масалаларга айланиб турибди.

* * *

Ўсмирлик – болаликдан катталарнинг ҳали унга нотаниш, сирли ҳаётига ўтиш, мослашишнинг қийин палласи. Демак, ўсмирликка ҳам болани олдиндан тайёрлаб боришимиз керак. Чунки энди унинг бўйи чўзилиб қолган. “Ёш боламисан?”, десангиз, “Йўқ. Мен ёш бола эмасман”, дейди. Лекин “каттаман”, дейишга ҳам тортинади. Чунки ўзини катталардек тутишга иккиланади. “Ўхшамай қолганида” асабийлашади. Нега иккиланади, нега асабийлашади? Чунки унга ўсмирлар хулқ-одоби олдиндан тушунтириб, кўрсатиб, ўргатилмаган бўлади. Шунинг учун бир ўсмирнинг янги сўзи, ҳаракати атрофдагиларга “ғалати” туюлади ва улар дўриллаган, баланд овоз билан қаттиқ кулишларини кўп эшитиб қоламиз.

* * *

Ўсмирларга жуда катта маънавий яқинлик, ёрдам керак. Бу ёрдамни унинг энг яқин кишилари беришლა-

⁷ <http://med.vesti.ru/articles/psihologiya/privet-eto-igra-sinij-kit-kak-raspoznat-podrostkovuyu-depressiyu/>. 2017 йил 5 март.

ри керак. Улар кимлар? Бобо-буви, ота-она, ака-опа. Эринмасдан, ота – ўсмир ўғли билан, она – қизи билан энг яқин дўст, ҳамфикр, сирдош бўлишлари керак. Афсуски, аксарият оталар ўсмир ўғил болалар тарбиясини оналар зиммасига юклаб қўйишган. Бир савол туғилди. Оталар тарбиявий ғафлатдан қачон уйғонади? Ўз боламизнинг тарбиясини, дарсларга давоматини ҳам давлатга, маҳаллага, участка профилактика нозирига ташлаб қўйсак, инсофданми? Ота-оналар мажлисларига нукул оналар эмас, оталар ҳам бирга боришлари керак. Бу – уларнинг, аввало, оталик, фуқаролик, конституциявий бурчи. Мажбурияти.

* * *

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятида халқимиз билан учрашувлардан бирида: “Ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга кўпроқ эътибор қаратиш зарур.

Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аجدодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз”, дедилар.

Эътибор беринг, гап аجدодларимизнинг бой тарбиявий мероси ҳақида. Бунда жуда катта ҳикмат бор. Бир мисол. Келинг, ўз-ўзимиздан: “Ота-она тарбиясини олган бола яхшими, бобо-буви тарбиясини олган болами?”, деб сўрайлик. Беихтиёр иккинчиси тўғри, деймиз. Яна бир гап. Кўпни кўрган опа-сингилларимиз “Буви тарбиясини олган қиз яхши бўлади”, дейишади. Нега? Чунки бобо-бувиларимиз шошилмай, бола йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиб, пухта тарбиялашган.

* * *

Олдини олиб тарбиялаш бу – педагогик профилактика. Айрим ота-оналар кўпинча кечикиб, яъни болада бирор иллат юзага чиққанидан кейин бузилган (девиант хулқ ҳам дейишади буни) хулқни тузатишни талаб қилишади. Афсуски бу – кечиккан тарбия, қайта тарбиялаш. Қайта тарбиялаш жуда катта қимматга тушади. У бир неча карра кўп меҳнат, вақт ва эътиборни талаб қилади.

* * *

Кўпинча боламизга “одоблилик” қандай бўлишини тушунтирмай “Одобли бўл!” ёки “одобсизлик” қандай бўлишини уқтирмай “Одобсиз бўлма!” деймиз. “Мана бундай қил, мана бундай қилма”, деб кўрсатмаймиз. Эринамиз. Ваҳоланки, буларнинг бири – рағбат, бири – тақик. Демак, фазилат ва унинг зидди – иллатни тасвириб тушунтириб беришимиз керак. Чунки маъноси тушунилмаган тарбиявий талабни бажариш учун болада ишонч етишмайди. Меҳнатсеварлик билан дангасаликни, меҳрибонлик билан бемеҳриликни, билимдонлик билан билимсизликни, хушмуомалалик билан қўполликни қиёслаб, фазилатнинг афзаллигига ишонтириб, кўрсатиб тарбиялашимиз керак.

* * *

Бир танишим “Ўғлим Шохруҳ ҳеч нарсага қизиқмайди. Нима қилай”, деб қолди. Шохруҳнинг ҳам, умуман бирор ўсмирнинг ҳеч нарсага қизиқмаслиги мумкин эмас. Сиз ҳозир унинг ўша қизиқиш нуқтасини билмай, шундай деясиз, холос. Шохруҳни шу мақсадда 2-3 кун кузатинг. У кимлар, нималар, қайси соҳа ҳақида кўп, завқланиб гапиряпти? Дилдан гаплашиб кўринг. Ўртоқлари, ўқитувчилари билан гаплашинг.

Ана шунда сиз Шохруҳни ўзингиз учун қайта “кашф” қиласиз. Илгари сизга билинмаган кўп жиҳатларини кўрасиз. Асосий қизиқишини билиб оласиз.

Қизиқиш топилгач, унга 5-10 йилдан кейинги, орзусидаги “ўзи”ни кўрсатиб, шавқлантиринг. Ишонса, уни тўхтата олмайсиз. Ухламай ўйлайди, шуғулланади. Интилади. Қизиқтирилмай тарбияланаётган бола - шатакда судраб кетилаётган, қизиқтирилган бола – шитоб билан елиб кетаётган “Равон” автомобилига ўхшайди. Сиз уни қизиқтириб қўйиб, секин ўзингизни орқага олиб, унга имкониятни оширинг. Тўғри, у адашади, хато қилади. Лекин бунинг учун уни уришманг, жеркиманг. Хатолари уни тарбиялайди. Дўстона маслаҳат беринг. Бу – истикболни кўрсатиб тарбиялаш усули, дейилади.

* * *

“Ўсмирларнинг бўш вақти – душманларнинг иш вақти”.

* * *

Психолог Ольга Перекопайконинг мана бу тавсиялари болаларни нафақат “Кўк кит”, балки бошқа ёмон ўйинлардан асрашда ҳам асқотади:

1. Ўсмирнинг “Кўк кит” деган ўйиндан хабари бор-йўқлигини билиш учун у билан эркин гаплашиб олиш керак. У ҳеч нарса билмаса, яхши. Лекин “Кўк кит” ҳақида тафсилотларни айтиб, унинг қизиқишини ошириб қўйманг тағин. Болангиз “Кўк кит” нималигини айтса, унинг гапларини диққат билан тингланг. Мабодо у бу ўйиннинг икир-чикирларигача гапириб берса, болангиз “ўйинда”лиги хавфи бор. Диққат. Агарда у “Фалон ўртоғим, дугонам ҳам ўйнайди”, деса, унинг ўзи ҳам ўйнаётган бўлиши мумкин.

2. Бунда ўйиннинг хавфлилигини айтиб ўтириш ўсмирга таъсир қилмайди. Айрим модераторлар болаларни ўз измига солиб, қулга айлантиришини айтинг. Ана шунда бошқа шаҳар, мамлакатда яшаб, ўсмирни бошқараётган одамнинг мақсади ота-онасини ўлдириш эмас, балки ўсмирни қўрқитиб қул қилиб, буйруғини бажаришга мажбур қилиш эканлигини билиш ўсмир учун янгилик бўлади. Бу уни сескантиради.

Унга айрим фирибгарлар одамларга ярим тунда қўнғироқ қилиб, яқин кишисининг ҳаётини сақлаб қолиш учун пул талаб қилишлари, бундай фирибгарлар ҳужумидан ҳеч ким кафолатланмаганлигини тушунтиринг. Бундайлар асосан ёш болаларни овлаб, қўлга тушириш пайида юришларини айтинг. Шунинг учун бу масалада соҳани яхши биладиган мутахассислар, катталар билан маслаҳатлашиш фойдали бўлишини айтинг.

3. Суҳбатдан мақсад – ўсмирни танқидий фикрлашга жалб қилиш бўлсин. Ана шундай суҳбат уни бугунгача қилган ишлари, ўй-хаёлларини қайта кўриб чиқишига, бошидан кечираётган воқеаларни баҳолашга ундайди.

4. Баъзи ота-оналар бундай вазиятда ваҳимага тушиб, ўсмирдан телефонни тортиб олиб, уйга қамаб қўйиб, унинг ҳар қадамини кузатиб, бу балодан қутулишга умид қилишади. Бу – ночор ҳаракат. Чунки ХХI асрда ўсмир агар истаса, гаджет ва тармоққа киришнинг иложини топади. Тақиб қанча кўп бўлса, уни айланиб ўтишнинг шунча йўли топила боради. Вазифангиз жазо бериш эмас, балки болангизга мадад бериш бўлсин. Токи болангиз муаммосини то фош бўлгунча сиздан яшириб юрмасин. Аксинча, биринчи бўлиб сизга келиб айтсин.

5. Ҳозирги даврда ота-онанинг ўсмир фарзанди билан руҳий-ҳиссий яқинлиги ҳар қачонгидан ҳам зарур. Болангизни суйиб, эркалаб тулинг. Ўсмирлик пайтингизда сиз ҳам шошиб, адашиб, хатолар қилиб, хавфли вазиятларга тушганингизда катталардан ёрдам сўраганингизни, уларнинг ёрдами жуда асқотганини айтиб беринг. Токи болангиз сизнинг тимсолингизда адашиб, хато қилганда катталардан тортинмай, бемалол ёрдам сўраши оддий ҳол эканлигига ишонсин. Муаммоларини сиздан бекитмасин. Сиздан тортинса, ўзи ишонадиган, ҳурмат қиладиган катта кишилар – мактаб психологи ёки қариндошлардан маслаҳат сўрашни айтиб йўналиш беринг.

6. Болангиздан кўнглингиз тўқ бўлса, нур устига нур. Лекин огоҳлик ҳеч қачон ортиқчалик қилмаган. Чунки ёвуз ўйинлар - бегоналарнинг болангиз ҳаётига кириши, аралашиши масаласидир. Шунинг учун болангизга сездирмай унинг телефонини, браузер тарихини, ижтимоий тармоқдаги саҳифаларини кузатиб боринг.

7. Оналар! Агар болангиз “Кўк кит” ўйнаётганини билиб қолсангиз, аввало, ўзингизни босинг. Қичқирманг, қарғаманг. Аксинча, йиғланг. Бу билан ўзингизнинг қанчалик хафа бўлганингизни, унинг бу иши сизга қанчалик қаттиқ таъсир қилганини кўрсатинг.

Эрингизга воқеани тушунтиринг. Бу ҳолатда отанинг гапи онаникидан кучлироқ таъсир қилади. Ота қизи билан суҳбатни майин, мақтов сўзлардан бошласин. Ўғил ўсмир билан эса, “Кел ўғлим бир эркакчасига гаплашиб олайлик. Хўш, биз(айнан “биз”, десин) ҳозирги вазиятда нима қила оламиз?”, десин. Агар отаси бўлмаса, тоғаси, амакиси, аммаси гаплашсин. Энг муҳими – у одам ўсмир ҳурмат қиладиган киши бўлиши керак⁸.

⁸ <http://www.segodnya.ua/ukraine/ohota-na-sinih-kitov-7-sovetov->

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ – СТРАТЕГИК МАСАЛА

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида **“ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш, фарзанд тарбияси борасидаги бурч ва масъулиятини ошириш”** масаласи алоҳида банд этиб белгиланган эди. Халқимиз бу масала нечоғлик муҳимлигини Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Конституция куни сўзлаган маърузасидан англади. Президентимиз миллий тарбиямиз дарғаларидан бири Абдурауф Фитратнинг бир фикрига эътибор қаратдилар: **“Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”**. Президентимиз бу педагогик фикрни олтинга тенг баҳоладилар.

Президентимиз бу билан миллатни икки тақдирга элтувчи икки йўлни кўрсатиб бердилар. Биринчи йўл – бахт, иккинчиси – бахтсизлик йўли. Гап 20-30 йилдан кейин ҳаёт майдонига кирадиган, бизнинг болаларимиз ҳақида. Халқимизнинг 20-30 йилдан кейинги аҳволи ҳақида кетмоқда. Ота-оналар ўз жигарбандларини тарбиялаш билан ўзларининг давлат олдидаги стратегик вазифаларини бажарадилар. Натижада яхши тарбияланган авлод ҳаракат қилиб, ўзининг аниқ мақсади-

га етади. Бадавлат, бахтли, иззат-ҳурматли, жаҳонгир, яъни жаҳонга машҳур бўлади. “Мени ишим болани боқиш. Катта бўлса, одам бўлар”, дейдиган ота-оналар эса халқимизнинг заиф, хор, зор, бахтсиз, эътиборсиз, бировларга тобе, қул бўлишига йўл қўйиб беришади. Афсуски, биз иккинчи йўл - мустамлакалик азобларини тотиб кўрган халқмиз.

Кўпчилик ота-оналар бола тарбиясини биламиз, деб ўйлашади. Бу фикрнинг тўғрилигини аниқлаш учун ўзимизга “Мен тарбиянинг қайси усуллари қўллаяпман?”, деган саволни бериб кўрайлик. Бир қўлимизнинг бармоқларича бормикин? Ваҳоланки, товук боқиш, газдан, кредитдан фойдаланиш усуллари мутахассисдан бориб сўраймиз. Уларнинг маслаҳатларини оламиз. Бироқ, боламиз ўғри ёки ёлғончи бўлса, бетимизга тик қараб ўшқирганида ҳам нега бундай бўлди, нима қилай, деб педагог-психологлардан сўрамаймиз. Демак, моҳир педагог ва психологлар – мутахассисларни дўст тутиб, оиламиздаги тарбия муҳитини таҳлил қилдириб, маслаҳатларини олиб, уларга амал қилсак, нафақат болаларимизнинг, балки Ватанимиз келажагидан хотиржам бўларканмиз. Меҳмондорчиликларда, суҳбатларда, чойхоналарда бола тарбияси тўғрисида ҳам гап очиб, тажриба алмашиб, мактаб, коллеж, маҳалла билан ҳамфикр яшашимиз керак экан.

Таълим-тарбия усуллари қайта кўриб чиқишимиз зарур. Болаларимизни мураккаб вазиятларда тўғри ечим, қарорлар қабул қила олиш кўникмаларини шакллантиришимиз керак. **“Биз ёшларимизга “Сен тарихимиз ҳақида 20 та нарсани карра-каррадек билишинг керак, дея олишимиз керак. Бу ишларни ҳозир қилишимиз керак...”** Муҳтарам Президенти-мизнинг бу фикрлари ҳар бир ўқитувчи, мураббийдан

ўз ишимизни танқидий кўриб чиқишимизни талаб қилади. Нима учун?

Фараз қилинг: 8-синфга кириб, “Сиз Ватан олдидаги қандай бурчларингизни биласиз?”. “Сиз ота-онангиз олдидаги қайси бурчларингизни биласиз?”, деб сўрасангиз, турли жавобларни оласиз. Лекин 8 га 8 ни кўшсак, неча бўлади, десангиз, ўқувчилар хор бўлиб, якдил қониқиш билан “Ўн олти!”, деб жавоб беришади. Нега шундай? Чунки $8+8=16$ да аниқлик таъминланган. “Ўзбекистон ёшларининг Ватан олдида қандай бурчлари бор?”, деган саволга жавобда эса шу аниқлик йўқ. Нега? Чунки шу пайтгача тарбиявий ишлар тизими олдида аниқлик, кафолатни таъминлаш талаби қўйилмаган. Демак, биз зудлик билан тарбиявий ишларимизни мавҳумликдан тозалаб, аниқлик сари интилишимиз керак. Токи фарзандларимиз ўзларининг Ватан, ота-она олдидаги бурчларининг дастлаб лоақал учтасини, кейинги йил бештасини аниқ, якдиллик билан мағрур “карра-каррадек” билсинлар. Ана шунда бу аниқ билимлар эртага уларнинг ҳаётда турли вазиятларда иккиланмасдан, тўғри қарор қабул қилишларида мадад бўлади.

Ҳар бир ишлаб-чиқариш соҳасининг ўз маҳсулотига қўядиган стандарт талаблари бор. Таълимда ҳам. Лекин тарбияда-чи? (Педагогика ва психологиядан узоқроқ кишилар “Ҳа энди ўзига инсоф бермаса, тарбиялаш қийин”, дейишади. Бу – 100-200 йил олдинги фикр. Ҳозир – ХХI аср. Астойдил киришилса, у ёки бу фазилатни 21 кунда одатга айлантириш, 40 кунда бола хулқига бир умрга муҳрлаб қўйиш технологиялари ишлаб чиқилган). Тўғри, инсонга хос минглаб фазилатлар бор. Лекин шулардан 5-10тасини кафолатли, мақсадли, ишончли, Президентимиз халқона қилиб тушунтирганларидек, карра-каррадек билишларини кафолатлашимиз шарт.

Мутахассисга берилган диплом – унинг давлат таълим стандартларида белгиланган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни кафолатлайди. Аммо таълим-тарбия билан уйғун олиб борилмаса, мутахассис “билимли ноинсоф”га айланиши мумкин.

ОНАЖОНЛАР, ОГОҲ БЎЛИНГ!

Ассалому алайкум. Биз Оллоҳдан Сизнинг хонадонингизга тинчлик, хотиржамлик ва бахт тилаймиз.

Оилаларни дунёдаги бало-қазолардан огоҳлантиришнинг энг яхши йўлини топа олмаётган эдик. Мухтарам Президентимиз айтган: **“Аёлларимизга кўпроқ тушунтиришимиз керак. Чунки эркак бош бўлса, аёл бўйин, бўйин қаёққа қайрилса, бош ўша ёққа бурилади”**, деган бебаҳо ҳикмат бизга йўл очиб берди.

Азиз опалар, сингиллар!

Бугун дунёда энг кўп йиғлаётганлар – оналар. Уларни йиғлатаётган ким? Терроризм. У бола тарбиясига лоқайд ота-оналарнинг болаларини топиб, жаннат деб алдаб, жаҳаннамга ташламоқда.

Телевизорда аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкаётган, юзи шувут, боласининг Ватанга хиёнатидан сочлари оқарган бахтсиз оналарни кўрдик. Улар ҳам фарзандини жондан ортиқ севишарди. Бироқ, ўзидан ортмай, уларни тергашга эринишарди. Боласини 9 ой юрагининг остида шу умидда кўтариб юрганмиди улар?! Уларнинг орзу ҳаваслари бир олам эди-ку!

Онажон!

Болангиз билан ҳар куни, дилдан гаплашиб туринг. “Болам. Болага насиҳат қилиш – ота-онанинг бурчи. Менга - ота-онам, уларга - ота-оналари шундай дейишган. Худо хоҳласа, эртага сен ҳам болаларингга шун-

дай дейсан. Шунинг учун сенга насиҳат қилиб турсам, мендан хафа бўлмайсанми, болам?!” дег. У: “Йўқ, ойи, хафа бўлмайман”, десин. Ана шунда Сиз ҳар гал иккиланмасдан гапираверасиз.

“Болам. Интернетда ин қурган одам овчиларининг қўлига тушиб қолма. Улар гўл ёшларда ҳаётдан нозилик уйғотишга уринишади. Агар интернетдами, кўча-кўйдами, сенга шундай кимса учраса, шу заҳоти бориб маҳалла посбонига, ўқишдаги раҳбарингга ёки менга қўнғироқ қилиб, айт”, дег.

Агар болангиз чет давлатда ишлаётган бўлса, ҳар гаплашганингизда сўз бошида ва хайрлашаётганда уни огоҳлантиринг. Терганг. У: “Ойи. Мен ёш бола эмасман-ку. Бир нарсани қайта-қайта гапираверасизми?”, дейди. Майли, деса десин. Лекин Сиз бўш келманг. Айтаверинг. Қулоғида қолади. Қулоғида қолса, фарзандингиз бағрингизда қолади.

Огоҳ оналар шундай қилдилар ва хотиржам, роҳатда яшамоқдалар. Болалари уларни бошларига кўтариб юришибди. Бундай оналарга ҳамма ҳавасда. Сиз ҳам бу бахтга муносибсиз.

Чунки Сиз ҳам – огоҳ онасиз!

ЭКСТРЕМИСТИК ГУРУХЛАР ЁШЛАРНИ ҚАНДАЙ ИЛИНТИРАДИ?

Бугунги дунёда тобора авж олиб бораётган турли зарарли диний-экстремистик гуруҳларнинг иш услубини ҳам овчининг ҳийласига ўхшатиш мумкин. Турли ахборот манбаларининг доимий таъсири остида бўлган бир пайтда инсон ғайриилмий, сохта диний ғояларни қабул қилишга мойил бўлиб қолади. Қуйида диний-экстремистик гуруҳларнинг одамларни ўзига

жалб қилиш, ўз сафига қўшиш йўллари ва усулларидан айримларини кўриб чиқамиз.

Шундай усуллардан бири – “оз-оздан” технология-сидир. Бунда фақат биргаликда намозга бориш, дам олиш кунларини бирга ўтказиш, ижтимоий тармоқлар орқали мулоқотда бўлиб туриш каби кичик илтимослар билан ёлланаётган шахсни ўз мақсадига жиддий ён босишга мажбур қилиш йўлидан борилади.

Бир марталик илтимос бажарилгач, кейинги “ўтинч” ҳавола этилади ва сиз бу гал ҳам йўқ демасдан, айтилганни адо этасиз. Бу эса аста-секинлик билан руҳия-тингизда таъсир ўтказаётган шахсга нисбатан қарам-ликни келтириб чиқаради.

“Мияни ювиш”. Тўданинг ғояларини амалга ошириш - шахсий кийинчиликлар ва жамиятдаги муаммоларни ҳал этишнинг энг мақбул йўли, деган қараш тинмай уқтириб борилади. Бора-бора бундай “дарс”ни миясига сингдириб борган киши уни мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилади.

“Турухий таъсир этиш” услуби. Бунда жамоанинг барча аъзолари янги аъзони турли томондан ягона ғояга йўналтирилган фикрлар билан “кўмиб” ташлайди. Одам табиятан кўпчилик маъқуллаб турган фикрни беихтиёр ўзига сингдиришга мойил бўлади. “Шунча одам маъқуллаяптими, демак, рост”, деган ўйга боради.

Айни пайтда, ёлланаётган шахсга бетиним янгидан-янги маълумотлар бериш ва унинг ўз фикри билан ёлғиз қолишига йўл қўймаслик орқали унда эътироз билдириш ёки баҳслашишга имкон қолдирмасликка ҳаракат қилинади ва бир пайтнинг ўзида унга фақат ширин гапирилиб, у ҳақда ғамхўрлик, аксарият ҳолларда моддий ёрдам ҳам кўрсатилади.

Диққат! “Мен ўзимни назорат қила оламан. Хоҳлаган пайт жамоадан четлаша оламан” деган хаёлдан узоқ бўлиш лозим. Чунки мутаассиб оқимлар янги тарафдорни ёллашда руҳий таъсирнинг юқоридаги каби усулларида фаол фойдаланади ва унга ортга қайтиш учун деярли имкон қолдирмайди.

Диний экстремистик ҳаракатга аралашиб қолмаслик учун нималарга эътибор бериш керак?

Бир номаълум ёки яхши таниш бўлмаган шахс сизга мурожаат қилади. У суҳбат бошида ислом асосларини ўрганишга қаратилган ҳаракатларга рағбат бериб, асл мусулмоннинг бурч ва жавобгарлиги каби мавзуларда сўз юритади.

Сўнг билвосита саволлар билан сизнинг диний ва сиёсий қарашларингиз билан қизиқади. Суҳбат охирида ўзининг исломга қизиқиши беҳад экани ва яқин биродарлари билан диний билимларини пухта эгаллаётганини айтиб, сизга ҳам шуни таклиф этади.

Бундай суҳбатлар бир ёки бир нечта бўлиши мумкин.

Бундай пайтда кишининг огоҳлиги, уни қандай жамоага жалб қилишаётганини сўраши келажақда ўзи ва оиласини балолардан сақлайди.

Агар суҳбатдош анъанавий, расмий усулларни рад этса ёки уларни саёз деса ёки нашриёт ва унинг манзили кўрсатилмаган норасмий адабиётларни тилга олса ёки қандайдир норасмий шахсларнинг ислом дунёсидаги ўрни ҳақида ижобий сўзласа, унинг мутаассиб ғоялар тарафдори эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Огоҳ бўлинг! Улар бошида ўз ғояларига жалб қилиш учун расман тан олинган диний адабиётлар орқали сабоқ олишни тавсия этиши ҳамда бошланғич илмларни ўрганишга таклиф қилиши мумкин.

Буларнинг бари қанчалик жозибали ва тўғри бўлиб кўринмасин, диний маълумоти ва аниқ мақсадини билмаган одамдан диний билимларни ўрганишга ҳаракат қилиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, ҳар бир киши:

- мустақил фикрга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлиш;

- соғлом ҳаёт тарзига амал қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур ўрганиш ва уларга риоя этиш;

- турли диний оқим ва йўналишлар таъсири ҳамда ақидасига қарши ўзида иммунитет ҳосил қилиш, бунинг учун мафкуравий таҳдидларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиш;

- ўзи яхши билмайдиган, шубҳали шахслар билан мулоқот қилмаслик;

- интернет тизимида диний экстремизм, терроризм ва миссионерликни тарғиб қиладиган сайт ҳамда ижтимоий тармоқларга кирмаслиги зарур бўлади.

(Ўткир Ғузоров, Китоб туманидаги Хожас Бухорий номли ўрта махсус ислом билим юрти мудири. “Қашиқадарё” газетасидан олиб, қисқартириб берилмоқда).

Ота-оналарга педагогик маслаҳатлар

1. Тарбиявий ишни ёмон кайфиятда бошланганг.

2. Гаплашишдан олдин болангиздан нима истаётганингизни аниқлаб, унинг бу ҳақда қандай фикрда эканлигини аниқлаб олинг.

3. Болангизга мустақиллик беринг, тарбияланг, аммо унинг ҳар қадамини назорат қилиб, қоровуллик қилиб юрманг.

4. Болангиз бирор муаммо олдида турганида унга

тайёр ечимни кўрсатиб, шундай қил, деманг. Ўзи ечим топишига имконият яратинг. Тополмаса, бундай қилсанг, мана бундай бўлиши мумкин, деб тўғри ва нотўғри ечимларни кўрсатинг.

5. Болангиз эришган ҳар бир кичик ютуқни мақтанг, қўллаб-қувватланг.

6. Бирор хато қилса, бунинг сабаб ва оқибатларини унга ётиғи билан айтинг. Мана бунда хато қилдинг, натижада мана шундай бўлди, деб, жим туринг. У сиздан эшитган таҳлил ва хатосини, сабаб ва оқибатларини англаб олсин. Ўз хулосасини гапириб берсин.

7. Болангизга эмас, унинг яхши ёки ёмон қилмишига баҳо беринг. Бола ва унинг қилмиши бир нарса эмас.

8. Болангизни акаси, опаси ёки кўшни, синфдошлари билан солиштирманг. Болангиз ҳасадга ўрганади. Унинг ўзини ўзи билан солиштириб гапиринг.

9. Болангизнинг “Ота-онам менга ишонишади”, деган хулосага келишига эришинг. Уни кучоклаб туринг, баъзи кичик хатолари ҳақида кулиб гапиринг. Кичик хатолар учун ҳўмрайиб, ҳурпайиб юрманг.

10. Тарбия бу – мақсадга аста-секин эришиш дегани. Унинг ёш, жисмоний имкониятларига қараб талабни ошира боринг.

11. Тарбиячида қатъият билан мулойимлик уйғун бўлиши керак. Ҳамма нарса ўз вақтида, меъёрида бўлгани маъқул.

Тарбиянинг олтин қоидалари

Болангизни севинг. Бунга у ишонсин, шубҳа қилмасин.

- Болангизни қандай бўлса, шундай – барча ютуқ ва камчиликлари билан қабул қилинг.

- Болангиздаги яхши фазилатларга таянинг.
- Болангизни тушунишга ҳаракат қилинг. Унинг ўй-хаёлларини, сизга кўнглини очиб айтган ҳар бир фикрини ҳурмат қилинг.
- Болангизга шундай шароит яратиб берингки, у ўзини тўқис, кучли, моҳир, уддабурон, омадлиман, деб ҳис қилсин.
- Ўзингиз эришолмаган мақсадларга эришишга уни мажбур қилманг.
- Унутманг, сўзлар эмас, шахсий намуна кучли тарбиялайди.
- Ҳар бир бола – бетакрор хилқат. Унга бошқаларни намуна қилиб кўрсатаверманг. Сизнинг болангизда ҳам бошқалар ўрганадиган хислатлар бор.
- “Болам мен айтганимдек одам бўлиб етишади”, деб ўйламанг. У барибир бошқачароқ бўлиб етишади.
- Унутманг, болангиз тарбияси учун ягона жавобгар – Сизсиз.

Болани қўллаб-қувватлаш йўллари

- Боланинг кучли қирраларига таянинг.
- Боланинг хато, камчиликларини ҳадеб юзига солаверманг.
- Болани севишни билдириб, ғамхўрлик кўрсатиб, унинг яхши ишларидан хурсандлигингизни билдириб туринг.
- Ўзини ва бошқаларни яхши кўришга ўргатинг.
- Болангиз билан ҳазиллашиб туринг.
- Болангиз ўзига тегишли ишларда мустақил қарорлар қабул қилишига қўйиб беринг.
- Вазиятни жазолашгача олиб борманг.
- Болангиз ўзига хос, бетакрор. Шуни яхши билинг.
- Болангизни яхши кўришингизни билдириб ту-

ринг. Болалигида ҳам, улғайганида ҳам.

- Болангизга унинг оилада ўз ўрни борлигини билдириб тулинг.

- Эришган муваффақияти сурурини ҳис қилишига шароит яратиб беринг.

- Унинг катталар, таниш-нотанишлар, тенгдошлари билан муомала қилишини кузатиб, маслаҳат бериб боринг.

- Катта муаммони кичик бўлакларга бўлиб ҳал қилишга ўргатинг.

- Болангизга ўзини ўзи тушунишига ёрдам беринг.

- Болангизга ғурурли бўлишда, ўз қадрини билишида ёрдам беринг.

- Унинг ҳар бир ишни ўзи ҳал қилишга интилишини қўллаб-қувватланг.

- Болангизнинг яхши сифатларини кўринг, унга айтиб тулинг ва уларга таянинг.

- Тушқунликка тушганида қўллаб-қувватланг.

Мана бу усуллар зарарли

- Норозиликни ғазабли тонда билдириш.

- Бола қилган хатони кўпиртириб, ошириб, алам қилдириб гапириш.

- Камчиликларини тинимсиз бетига солавериш.

- Бола қилган хатосини сўраб-суриштирмасдан, бирёқлама, беписанд баҳолаш.

- Адолатсиз жазолаш.

- Ошириб мақтайвериш.

- Болани бошқалардан бўлиб, ажратиб қўйиш.

- Қўпол буйруқлар бериш, кўркитиш.

- Боланинг хатосини бошқаларга айтиб юриш.

БОЛАНИ БАХТЛИ ҚИЛИШНИНГ ЎН УЧ ҚОИДАСИ

Катталардан кўра болаларни бахтли қилиш осон. Чунки бола бахти қиммат нарсаларга боғлиқ бўлмайди. У ўзида тўқисликни ҳис қилиши учун бир неча тарбиявий қоидаларга риоя қилиш керак.

Жаҳл устида қарор, иш қилманг, гапирманг!

Бола жаҳлингизни чиқарди. Ғазабдасиз. Индамай чиқиб кетинг. Ўзингизни босиб олинг, ўртоғингизга қўнғироқ қилинг, сув ичиб олинг, чуқур нафас олинг. Буни болангиз сезиб туради. Бола хато қилди, қўполлик қилди. Косани синдирди. Атайлаб эмас. Шундай экан, у нима қилгандаям у сиздаги аҳвол – ғазаб учун тўлиқ жавоб беришга ҳали тайёр эмас. У кичик бола. Сиз унга катта одамнинг жазосини берсангиз адолатдан бўлмайди.

Сиз болангиздан олаётган нарсалар ёкмаётган бўлса, болангизга бераётган нарсаларингизни ўзгартиринг!

Бошқача қилиб айтганда, сиз ўз хулқингиз болага қандай таъсир қилаётганини кузатинг ва уни тузатинг.

Болангизнинг мустақил фикрлаш ва ҳаракат қилишига имконият беринг!

Болангиз учун қарор қабул қилманг. Кичик-кичик нарсаларда ихтиёрни унга беринг. У қила оладиган ишни сиз қилманг. Сиз тез ва соз қиласиз, лекин ўзи қилсин. Акс ҳолда бола бир умр бола бўлиб қолади. Чунки сиз унинг “катта бўлиб кўриш”ига, ўз хатоларини тузатиши, тугатишига, таваккал қилиш, ўзи қилган қарорлари, танлаган йўли, унинг оқибатлари учун жа-

вобгарликни ҳис қилиши учун имкон бермайсиз. У бир умр бола бўлиб қолади. 50 ёшда ҳам. Лекин ўша пайт унинг ёнида сиз бўлмаслигингиз мумкин.

Ўзингиз бахтли бўлинг!

Самолётда: “Кислород ниқобини аввал ўзингизга, кейин болангизга тақинг”, деган эълонни эшитгансиз. Болангиз сизни ҳар доим кузатишини унутманг. Ўзингизни бахтли, дадил тутинг. Ўзингизни босиқ, уйғун, бахтли одамдек тутишингиз уни шунга ўргатади.

Миннат қилманг!

Кўпинча она-отанинг “Сенга нима керак ўзи? Еганинг олдингда, емаганинг ортингда бўлса. Сен учун уни қилдим, буни қилиб қўйибман”, деманг. Чунки сиз ўз ота-оналик бурчингизни бажаргансиз. Миннат қилаверсангиз, у ўзини сиз қилган яхшиликлар, чеккан азоблар сабабчиси, қарздорман, деб яшайди. Бу эса унинг сиз билан самимий бўлишига, эркин одам бўлиб яшашига халақит беради.

Намуна бўлинг!

Энг қийин иш ўзи шу. Болалар эшитганини эмас, кўрганини қилади. Сиз унинг олдида ота-онангизга қўполлик қилган бўлсангиз, кун келиб у ҳам шундай қилади. Ўзингиз чекиб, унга тақиқласангиз, бунинг фойдаси бўлмайди. Зарари бўлади. Чунки “Юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши”. Юз марта чекма, дегандан болангиз сизнинг чекканингизни бирор марта кўрмагани яхши.

Бола қиладиган хатоларидан ваҳимага тушманг!

“Секин юр. Йиқиласан!”, “Кўлингни кесиб оласан!”, “Қўй. Қўлингдан келмайди!”, “Сенга буни қилишга йўл бўлсин!”, деб ваҳима қилаверсангиз, унинг қўли совиб, ваҳимачи, ўзига ишончсиз бўлиб ўсади.

Унинг хавфсизлигини таъминлаб, машқ қилишига изн бериш керак.

Кўп айблайверманг!

“Сен учун кечикдим!”, “Сен жонимга тегдинг!”, “Бошқаларнинг боласи яхши, сен эса...”, деган нолиб айблашларни эшитиб қоламиз. Бу нотўғри. Чунки болани англолмаган айбдорлик ҳисси заҳарлайди. Яхши-си ўз ҳолатингизни тушунтириш учун “Мен фалон нарасага улгурмаганим учун кечикдим”, “Мана бу ишинг мени хафа қилди-да”, “Мен фалон нарасадан хафа бўлдим”, деган маъқул. Бунда сиз ўша фикрни айтасиз, лекин бола ўзини айбдор ҳис қилмайди, қилмишини, хатосини айблайди.

Болангизни камситманг, ортиқча мақтаманг!

Камситиш боланинг ўзига ишончини йўқотиб, хўрлайди. Ҳадеб мақтайвериш эса доим четдан рағбат олиб иш қилишга ўргатиб қўяди. Масалан, “Хўрознинг расмини чизибсан. Ҳар хил рангларда. Менга ранг танлаганинг ёқди”, денг. Бу “Яша. Сен ҳаммадан зўр чизасан!”, дейишдан яхши. Ана шунда у вақти келиб ҳақиқий ҳаётини вазиятларда мақталмаса, хафа бўлмайди, ўксимайди.

Ахлоқ “светофори”.

Бола олдиндан ўзига нималар тақиқланганини, нималар ўзига боғлиқлигини ва нималарни ҳар доим қилиш мумкинлигини аниқ билиши керак. Яъни сўқиниш, дарсга кечикиш, хавфли ўйинлар ўйнаш – қизил рангда. Бу “қилма”, деган сигнал. Уни қилганида шу заҳоти отанинг ҳам, онанинг ҳам реакцияси бир хил бўлиши шарт. Бола бунинг оқибатини олдиндан билиши керак. Агарда оилада ана шу “светофор” ишламаса, тақиқланган нарсани қилганида бир марта уришиб бериб, иккинчи марта индамай қўйилаверса ёки ота

индамай, она реакция қилса, у доим “бундай қилсам, қандай бўларкин?”, деб иккиланиб яшайди. Ўзини эркин тута олмайди. Бунинг мисолини ўта уятчан бола, ўсмирларда кўп кўргансиз. Уйида ахлоқ “светофор”и бор ўсмирларни ҳам кўргансиз. Улар ўктам, дадил, қачон қаерда, кимга нимани қандай айтишни, нима қилишни жуда яхши билиб қилишади. Уларга ҳавас билан қараймиз.

Болани қандай уришиш керак?

Болали уйда асабийлашиш бўлади. Ота-онанинг жаҳли чиқади. Бироқ, жаҳлни қандай “сарфлаш” керак? Нимага қаратиш керак? Ҳа, айнан “нимага”, дедик. “Кимга” эмас. Яхшиси “Менинг жаҳлим чикди. Сендан эмас, сенинг мана бу ишни қилганингдан хафа бўлдим”, дейиш керак. Ана шунда болангиз ва сиз хатога қарши томонда турасизлар. Акс ҳолда болангиз ва унинг хатоси бир томон, сиз бир томон бўлиб, зиддият кескинлашади.

Болага уни яхши кўришингизни ҳар куни айтиб, билдириб туринг!

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) “бир-бирларингизни яхши кўришингизни билдириб туринглар”, деганлар. Буни энг азизимиз – болаларимизга қўллаб яшайлик. Бола ўзининг сиз учун муҳимлигини, яхшилигини сезиб яшасин. Кўпинча биз буни боламизга билдиришга тортинамизу, ундан меҳр-муҳаббат кутамиз.

“Бола дегани отадан кўрқиб туриши керак”, деган қараш бизга таниш. Оталаримиз бизни шундай тарбиялашган. Лекин ота бўлмаган, билмаган жойларда бу тамойил ишлаши гумон. Болага меҳр бермасдан уни кутиш унга тиш ювишни ўргатмасдан, тишингни юв, дейишга ўхшайди. Қанча ноқулай бўлмасин, унга кулиб қараб, эркалаб, “Менинг ўғлим-қизим – яхши

бола”, деб суйиб, кучиб туриш керак. Фақат буни самимий, чин кўнгилдан айтинг. Аслида бу тўғри-ку. Болангизга кулиб, тўғри қаранг. Бу сиз билан болангиз орасидаги масофани йўқотади. Шунинг учун ҳам болалар психологи Юлия Гиппенрейтер “Болангизни бир кунда камида 8 марта кучиб тулинг”, деб маслаҳат беради. Болангиз ҳам сизни шундай куча бошладими, табриклаймиз. Сиз мақсадга эришибсиз.

Катталарнинг болалар билан гаплашишларига эътибор қилганмисиз? Уларга энг кўп бериладиган савол “Дарсларингни қилдингми?”, “Ўқишларинг яхшими?”, “Бугун нечта беш олдинг?”. Бола четга қараб, бепарқина “Ҳа, яхши”, деб қўяди.

Тўғри, бола – ўқувчи. Лекин у фақат ўқувчи эмасда. Кичик, лекин ОДАМ! Биз яшаётган ҳаётнинг бир иштирокчиси. Шунинг учун у билан ҳамма нарсалар ҳақида гаплашиш керак. Мактабда ўқитувчи гаплашадди, десак, бир синфда 30 ўқувчининг ҳар бири билан ўқитувчининг гаплашиши қийин. Вақт етмайди. Тушгача ҳамма дарс билан банд. Дарс тугагач, ҳамма уйига шошади. Демак, ота-онадан бошқа ҳеч ким бола билан бемалол, эмин-эркин гаплаша олмайди.

“Кичик мақсад” мўъжизаси.

2016 йил 25 август куни Хитойнинг энг бой кишиси Ван Цзяньлинь бир теледастурда муваффақиятга эришишни истаган ёшларга ғалати маслаҳат берди. “Дунёда энг катта бизнесингизни яратмоқчимисиз? Дунёнинг энг бой кишиси бўлишни истайсизми? Яхши. Унда, аввало, ўз олдингизга бир кичкина мақсад қўйинг. Мисол учун 100 млн. юан ишлаб топишни”, деди у. Бу тавсия интернетда қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди. Баъзилар кулиб қўйишди, баъзиларнинг энсаси қотди. Баъзилар умидсиз бош чайқади, кимлардир хўрсиниб қўйди.

Бу фикрни Ван Цзяньлинь мактаниб қўйиш учун эмас, балки ўз тажрибаси асосида, ёшларга реал ҳаёт талабларидан келиб чиқиб, ўз мақсадига қадам-бақадам боришни тавсия қилган эди. Чунки 20 йил давомида унинг ўзи “нол”дан бошлаб, кичкина-кичкина мақсадларни бирин-кетин амалга оширган. Натижада Хитойнинг энг машҳур корпорациясини яратиб, бугунги муваффақиятларга эришган.

Интернет фойдаланувчиларининг бирининг ёзишича, “кичкина мақсад” ғояси пул топишни ўргатиши билан эмас, энг аввало, ёшларга ўз мақсади учун кураш руҳини бериши билан муҳим. Ҳар бир кишида ўзининг “кичкина мақсад”и бор. Фақат уларнинг мазмуни бошқача. Энг муҳими – ҳар бир кишининг “кичкина мақсад”и жамиятнинг ривожланишига хизмат қилишида. Ана шунда ҳар бир кишининг ўз “кичик мақсад”ларига эриша бориши унинг жамиятдаги кадр-қимматини ошира боради⁹.

Кўрсатиб тарбияланг!

“Қуш инида кўрганини қилади”, “Юз марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал”, дейди ўзбек халқи. Нега? Чунки она полапонига кўрсатади. Барча ҳайвонлар ҳам бола тарбиясида кўрсатиш усулини қўллайди. Сигир боласига ҳаёт учун керакли нарсаларни кўрсатиб, тарбиялайди.

Ҳар куни боламиз бизнинг турли оҳангдаги гапларимизни эшитади. Қилаётган хатти-ҳаракатларимизни кўриб, кузатиб яшайди. Шунинг учун гапиришимиз, юришимиз, қилиқларимиз ота-онамизникига ўхшайди. Бу – боламизнинг оиладаги илк ижтимоийлашуви.

Лекин тарбия бу – атайлаб, мақсадли қилинадиган

⁹ Маленькая цель./ Китай. Ежемесячный журнал. №01(135) Январь 2017.ISSN 1005-5010. С. 35.

иш. Сўрашиш, овқат пишириш, нон тўғраш, чой сузиш, тирноқ олиш, телефонда гаплашиш, табриклаш, ҳамдардлик билдириш, кўчадан ўтишни биздан ва бошқалардан кўриб ўрганади. Лекин агар биз боламизда ана шу хулқларнинг ҳар бири чиройли, тўғри бўлишини истасак, атайлаб, энг тўғри, маданий йўллари кўрсатиб, ўргатишимиз керак. Қисқаси, “Сизга бундай чиройли сўрашиш, овқат пишириш, нон тўғраш, чой сузиш, тирноқ олиш, телефонда гаплашиш, ҳамдардлик билдириш, кўчадан ўтишларни ким ўргатганини айтинг, мен сизни ким тарбиялаганини айтаман”, деса бўлади.

Буларни болаларимиз кўрмасин!

Нималарни? Жиноят, бидъат, исрофлар сабаби – моддий бойликни маънавий бойликсиз тарғиб қилаётган клип, фильм, сериалларни (мисоллар)ни кўрсатапти. Ёшлар кўраяпти. “Қуш уйидаги экранда кўрганини қилаяпти”. Эртасига ота-онасига “Менинг нима кам?”, демокда. Демак, нукул маънавий бойлик ёки нукул моддий бойлик ҳақида ҳам эмас, балки иккаласи уйғун фильмларни кўрсатиш керак.

Толиб билан Нигора фожиаси.

Ёшлар билан ОИТСга қарши бир тадбирда Республика ОИТС маркази ходимаси Севара Ҳошимова ҳам иштирок этди. У берган маълумотлар этингизни жунжиқтириб юборади: ОИТСнинг жинсий алоқа орқали юқиш тезлиги ошиб бормокда.

Севара бир аянчли воқеани айтиб берди. Марказ томонидан олий таълим муассасаларининг бирида талабаларнинг соғлиғини ўрганишганида 19 ёшли Толибжон деган 1-курс талабасида ОИТС қайд қилинибди. Толибжон буни билиб, ақлдан озай дебди. Чунки у аълочи талаба, ўзига тўқ оиланинг якка-ю ягона ўғли экан.

Воқеа мана бундай бўлган. Мактабни битирув кечасидан чиққан 4 нафар синфдош ширакайф бўлиб олишади. Улардан биттаси “Кетдик. Қизлар билан базми жамшид қиламиз”, дебди. Толибжон “Йўқ, мен бунақа жойга бормаганман. Бормайман”, деб бош тортибди. Шунда синфдошлари “Ўўўўв! Ўзи эркакмисан? Ё хотинмисан? Эркак бўлсанг, юр, хотин бўлсанг, хотинман, де. Қани, йигитмисан, кетдик!”, деб изза қилишибди. Шунда Толибжоннинг гурури йўл қўймай, оғайнилари билан ўша жойга борибди. Орадан бироз вақт ўтгач, бебабаб ич кетиши содир бўлибди. Яна бир-икки аломатлар белги бериб, кейин ўтиб кетибди. Толиб ҳам, унинг 3 оғайнисини ҳам касал бўлганларини билишмаган. Ҳозир ҳам бежабар юришибди.

Ким ОИТС бўлса, соғлом қизга уйланмайди.”

“16 ёшли Нигора исмли қизда никоҳ тўйи арафасида ОИТС касаллиги аниқланган. Амакиси буни билиб туриб, “Тўй қилаверамиз, шунча пулга куямизми?”, дермиш”.

Болаликда биз эшитмаган сўзлар.

Машҳур “Доктор Хаус” фильмида бош қаҳрамон: “Бизни ота-оналаримиз майиб қилишган”, дейди. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки ҳеч бир ота-она ўз олдига бундай мақсадни қўймайди. Барча халқларда фарзанд – ота-онанинг кўзи қораси. Болани икки нарса: 1) ота-онанинг масъулиятсизлиги; 2) ота-онанинг педагогик билимсизлиги майиб қилади.

Келинг, бир зум болалигимизга қайтайлик. Ҳозирги ҳаётий тажрибамиз, ютуқ ва камчиликларимизда ота-оналаримиз берган тарбиянинг ролини эслаб кўрайлик. Ўзимизнинг нималарда кучли, нималарда нўноқлигимизни кўз олдимиздан ўтказайлик. Ана шунда ота-оналаримизнинг бизни қандай тарбиялаганларини

ўзимизда ҳис қиламиз. Уларнинг ютуқларини ҳам, айрим хатоларини ҳам кўрамиз. Чунки биз – уларнинг ютуқлари ҳам, хатолари ҳам, улар биз билан яшамоқда.

Бугун ўзимиз ота-онамиз. Шунинг учун уларни тушунишимиз осон. Бизнинг кучли томонларимиз – уларнинг эътибор берган, ожиз томонларимиз – уларнинг кам эътибор қаратган сифатларимизда.

Педагог олимлар 100дан ортиқ эркак ва аёллар орасида сўров ўтказишган. Унда “Сиз қайтадан бола бўлиб қолсангиз, ота-онангиздан қайси сўзларни эшитишни истардингиз?”, деб сўрашган. Респондентлар “Агарда ўшанда биз ота-оналаримиздан “Мен сенга ишонаман”, “Мен сени яхши кўраман”, “Қўрқма. Биз сен билан!”, “Хато қилишдан қўрқма”, деб турганларида, “Етти пуштимизни танитганларида бундан ҳам яхшироқ бўлиб етишар эдик. Ҳозиргидан кўра бахтли бўлардик. Чунки биз ўзимизга, ҳаётга бошқачароқ қарардик. Дунёқарашимиз ҳам бошқача бўларди”, дейишган.

Бу жавобларни ота-оналардан норозилик эмас, балки ота-оналардаги педагогик маданиятга муносабат деб тушуниш керак. Чунки ота-онамиздан яқин, меҳрибон зот йўқ. Бироқ, улар ҳам иш билан бўлиб, ёки бола тарбияси ўргатилмагани сабабли тарбия методларини билишмаган. Билганларида, жон деб қўллаган бўлишарди.

Аёллар ва болаларга кўмаклашувчи Инқироз маркази психологи Дарья Дмитриева ёрдамида бу саволларга жавоб қидирдик.

Мен сенга ишонаман!

Сўралганларнинг 40%и болаликда ота-онадан рағбат, далда кўрмай ўсишганларини айтишган. Аксинча, “Сен ахмоқсан”, “Довдирсан”, “Қўрқоқсан”, “Калланг ишламайди”, деган зардаларни эшитиб катта бўлиш-

ган экан. Шу сабабли “Агарда бизга ота-онамиз кўпроқ “Болам, сен зўр боласан!”, “Сен бу ишни қила оласан!”, “Сен ақллисан!”, “Сен яхшисан!”, “Харакат қилсанг, буни уддалайсан!”, “Мен сенга ишонаман!”, дейишганида биз бундан ҳам яхши одамлар бўлиб чиқардик, дейишган.

Биз “Ҳа, энди ёшлар мустақил ҳаётга кираётганида хатолар бўлади-да”, деб, кўямиз. Аслида бу нотўғри. Чунки боламиз йўл қўйган ҳар бир хато, адашиш, пушаймонда бизнинг айбимиз бор. Боламиз мустақил фикрлаши, тўғри қарорлар қабул қилиши учун биз уни ўргатишимиз керак. Машқ қилдиришимиз керак.

Бола ўзига тегишли муаммоларни ҳал қилишга интилганида уни сўндирмаслик керак. Машқ қилсин, ўргансин, адашсин, тузатсин, ўзи ўзини тушунсин. Бирор иши ўхшамай қолса, “Бер менга”, деб ўзингиз қилманг. “Қани яна бир уриниб кўргин. Мен ишонаман, сен бу ишни қила оласан”, дегн. Муаммога унинг ўзи ечим топиб, чиқиб кетишига ёрдам беринг. Бу унга маънавий мадад бўлади. Баъзи оналарга ўхшаб: “Қўлинг синсин! Тупой. Шуни ҳам қила олмадингми?”, деб сазасини ўлдирманг.

Ҳар бир бола бир ишга бир марта уриниб, яхши чиқмаса, ташлаб қўйиш, енгилиш яхши эмаслигини лоақал бир марта эшитиши керак. У билан бирга ўйлаб, уни ўйлатиб, хато нимадалигини аниқлаб, янги ечимлар излашга рағбатлантириш керак. Сиз унинг ёнида турсангиз ҳам, узоқда бўлсангиз ҳам, у “Ота-онам менга ишонишади”, дейиши керак. Бу туйғу болага куч, ишонч беради.

Аксинча, ота-она боласига “Қўй, тегма. Сенинг қўлингдан бирор иш келмайди, довдир”, деяверсангиз, болангиз иккиланувчан, ўзига ишонмайдиган, бўшанг бўлиб қолади.

Мен сени яхши кўраман!

Сўралганларнинг 20%и ота ёки онасининг уларга “Мен сени яхши кўраман”, деган гапларини эшитишмаган. Бу фикрга кўпчилигимиз қўшилаемиз. Бунга сабаб ота-оналаримизнинг ота-оналари тарбияга XX аср бошидаги оғир, бешафқат шароитдан келиб чиқиб ёндашганларида. “Болани қанча қийнасанг, кўркса, кейин шунча меҳрибон бўлади”, деган қарашда.

Ота-она, албатта, боласини яхши кўришади. Лекин ўзбекчиликда бу очиқ айтилмайди. Боламиз ота-онаси уни яхши кўришини билади. Бу ҳаммага маълум-ку, деб ўйлашади. Бу – хато ёндашув. Ҳаммага маълум нарсаларни ҳали бола билиб олмаган. Чунки у ҳали жамиятга энди кириб бораяпти, ижтимоийлашаяпти. У бугунгача эшитган, кўрган нарсаларига ишонади.

“Ота-онам мени яхши кўришади”, деган ишончни ота-она айтишмаган, билдиришмаган бўлса, у қаердан билсин? Ота-она кўпинча хўмрайиб қарашларини “мени ёмон кўришганидан”, деб қабул қилади. Ота-си, онаси боласига ўз туйғуларини очиқ айтиб келган оилаларнинг болалари муваффақият қозонган, омадли, бахтли одамларга айланишган. Чунки улар иккиланмай, тушкунликка тушмай, орқаларида мустаҳкам таянч борлигидан кўнгиллари тўқ, хотиржам яшашган.

Ота-она боласини ҳеч қандай шартларсиз, эвасиз севишларини билдиришлари керак. Демак, “Сен кефир олиб келмадинг. Энди сени яхши кўрмайман”, демаслик керак. Яхшиси: “Мен сени жуда яхши кўраман. Лекин дўконга бориб, кефир олиб келмаганингдан хафа бўлдим”, дейиш керак. Болангизга уни доим яхши кўришингизни, ҳатто бирор ёмон иш қилганида ҳам, узоқда бўлса ҳам, яхши кўришингизни айтинг. У билсин. Ҳар бир тирик жон меҳрга интилади.

Болалигидан ўзи ҳақида яхши таасуротларни сингдириб бориш керак. Ана шунда келажакда у янги, нотаниш одамлар, нотаниш муҳитга тушганида ўзини хор тутмайди. Ўзини ҳурмат қилади. Уни ҳурмат қилмайдиганлар билан мулоқотга киришмайди.

Етти пуштини билиш.

Сўралганларнинг 20%и ота-оналари уларга ўтган аجدодларини таништирмаганларидан норози. Ҳатто ота-оналар ўз болалиги, ёшлиги, тарихларини ҳам айтиб беришмаган. Ваҳоланки, ўз аجدодларини билиш оилавий, қон-қариндошлик ришталарини мустаҳкамлайди. Улар олдидаги масъулиятни оширади. Шунинг учун болангизга ўзингиз, бобо ва бувилари, улар қандай яшагани, нима иш қилишганлари, бошларидан ўтган муҳим воқеалар ҳақида ҳикоя қилиб бериш керак.

Боланинг ўзи ҳақида унинг илк фотосуратлари, видеолари, унинг исми маъноси, болаликдаги одатлари, қариндошлар, қўшнилар ҳақида ҳикоя қилиб бориш керак.

Қўрқма, биз сен билан!

Сўралганларнинг 10%и болаликда ўзларини ҳимоясиз ҳис қилишган. Уларда “Нима бўлганида ҳам менинг ота-онам бор. Улар мени қўллаб-қувватлашади”, деган туйғу бўлмаган. Болага мададкор муҳит яратиш керак. Бу унинг дадил, жасур, ўктам бўлиб ўсишига ёрдам беради.

Ҳар оқшом болани ухлатаётганда унга майин оҳангда “Болам, ҳеч нарсадан чўчима. Тинч ухла!”, денг. Бу сўзлар бир умр унинг ёдида қолади. Сизни бир умр мамнун бўлиб эслаб яшайди.

Хато қилишдан қўрқманг!

Сўралганларнинг 10%и хато иш қилганларида ота-оналаридан нукул жазо олишганини айтишган. Хато қилиш – табиийлиги, ҳаётий тажрибани тўплаш

учун хатолар бўлиши фойдали эканлиги ҳақида ота-оналаридан эшитмаганларини айтишган.

Хато қилиш, ютқaziш, курашиш – нормал ҳоллигини болага тушунтиринг. Хато ва мағлубиятга йўл қўйиш мумкин эмас, деган қараш нотўғри. Хато ва камчиликлардан тушкунликка тушмасликка ўргатиш керак болани. Бунинг унга хато қилганида эмас, балки ундан олдин, шунингдек, у бирор катта, масъулиятли вазифа олдида турганида эслатиш керак.

Болага тарихда улуғ кишилар ҳам бошида оддий ёш бола, ўсмир бўлишгани, сабр-тоқат, тиришқоқлик, интилишлар натижасида машҳур бўлишганини тушунтиринг. Ҳар бир омадсизликни бир дарс, машқ деб қабул қилишни ўргатиш керак. Бу ютқaziш эмас, балки янги имконият, янги тажриба. Шунинг учун ҳар гал болангиз бир ишни эплай олмай, қовун туширганида уялади. Ўшанда сиз ундан нима қилмасликни ўрганганини сўранг. Ҳар бир вазиятдан хулосалар чиқаришга ўргатинг.

ҚАТРАЛАР

Хакерлардан огоҳ бўлинг!

Саидбекнинг телефонига реклама-таклиф келди: мана шу дастурни сотиб олинг. Бу - НОМІ форматдаги видеоларни ўқийди”, деган. Саидбек “сотиб оламан”, деган тугмани босди. “Раҳмат, ушбу дастурни телефонингизга ўрнатишингиз мумкин”, деган хабар келди. У ўрнатди. Кейин телефони бир ўчиб ёнди ва Россия Ички ишлар вазирлиги байроғи остида хабар келди. Унда: “Сиз тақиқланган порносайтга кирдингиз. 24 соат ичида xxxxxxxxxx телефон рақамига 2000 рублни ўтказинг. Акс ҳолда телефон апаратингиз қотиб қолади”, деб ёзилган эди.

Самсунгга борди 80 000 сўм дейишди. “Малика”-га борди, 40 000 сўм дейишди. Таниши Равшан 40 000 берасан, деди. Илтимос қилиб, 30 000 га келишишди. Равшан 1 минутда очиб ташлади. Пулни сўради. Саидбек унга: Ҳеч иш қилмадинг, бермайман, деди. Равшан: сен ваъда бердинг, берасан, деди. Саидбек ноилож 30 000 сўм тўлади.

Андроидингиз тугмасини босишдан олдин бир ўйлаб олинг!

* * *

Чапани бобо

Неварам математикадан яхши ўқимайди. Кеча математикадан 5 баҳо олиб келибди. Мактабга бориб, уришиб келдим. Нега 5 баҳо қўйдинг, десам, “Ҳаракатчан”, дейди.

“Нега ечган мисолига эмас, синф сардори топшириғини бажарганига қараб математикадан 5 баҳо қўясан, нима ҳаққинг бор”, деб уришиб келдим.

Орқамдан, муаллимлар “Жинни чол”, деб кулиб қолишганимиш.

* * *

Ҳасад - қотил

Ака-укалар ўзига тўқ, қўшни яшашарди. Укаси 2017 йилда янги Кобальт сотиб олди. Акасининг хотини “Биз шўрликлар қачонгача эски Матизда юрамиз”, деб эри билан ҳар куни уруш қилди. Охири “Бунга чи-долмайман”, деб венасини кесди. Ўлди.

* * *

“Тенг – тенги билан, тезак – қопи билан”, деб бекор айтилмаган. Афсуски, бунинг акс мисоллари туфайли ажримларни кўп кўраяпмиз. Ҳозир қиз томон ҳам,

йигит томон ҳам бойни қидираяпти. Илгари тенгини қидирав эди. Топишарди. 1 та симкаравот, 1 сервант, 1 уй-дахлиз сахни, рўзғор анжоми билан маҳр бериларди. Ажримларга оналар сабаб бўлишаётир. Қизи олдида нукул бойликдан гапиришади. Ўғил-қизини ҳам бойликка қизиқтиради. Кейин ўғил-қизи жанжални бошлайди. “Ўртоғим-дугонамдан нима кам? У фалон нарсалар олган. Мен-чи?”, деб.

Қўшним бир кишидан 7000 доллар фоизга қарз олиб, қизини узатди. Йиллар ўтиб, қарзи 20000 долларга чиқиб кетди. Тўлай олмади. Яқинда ҳовлисини сотиб бериб, қутулди. Ҳозир квартирада ижарада турибди. Қизи ҳам ажралиб келиб, бир боласи билан бирга яшаяпти. Ҳаммасига хотини сабаб бўлди. Хотин оилада “рулевой” бўлди. Эсиз...

* * *

Илгари биз ҳар куни мактабдан келиб иш қилардик. Мол боқардик, уй ишларини қилардик. Катталарга хизмат қилардик. 85-90-йилларда туғилган болалар жаннатга тушиб қолишди. Қиладиган иши йўқ. Тўйлар – тўйхонада. Ёшлар бировга хизмат қилишни ҳам билишмайди. Биз меҳнат учун туғилиб, меҳнат қилиб, бахтли бўлардик. Ҳозирги ёшлар меҳнат, хизмат қиладиган жой, майдон йўқ. Бахтни ота-она “Биз кўрмадик, болаларимиз кўрсин”, деб тайёрлаб қўйишаяпти. Бунини ёшлар норма деб қабул қилишаяпти. Мустақил ҳаётга кирганида ота-она қаригач, айниаяпти.

* * *

Ўзбек мақоллари – бахтли ҳаёт йўлидаги белгилар. Уларни модернистик талқин қилиб, оммалаштирилса, болаларимиз қоқилмай, етиб олишади.

Бахт ва вақт

Бахт билан вақт бир-бирига уйқаш сўзлар. Бу бежиз эмас. Одам учун нафас, ҳаво қандай шарт бўлса, бахт учун вақт ҳаво. Вақт деганда одамнинг вақт билан ўлчаб борилаётган тириклигини тушунамиз. Демак, бахтли бўлиш учун одам тирик бўлиши керак.

Тирикликнинг ўзи кифоя эмас. Тирик беморлик керак эмас бизга. Саломат тириклик керак. Демак, бахтли бўлиш учун соғ бўлиш керак.

Соғ одам ҳам бахтли бўлолмайди. Ур-йикит, портлаш, отиш бўлаётган жойда соғ одамга бор бахти ҳам татимайди. Чунки жон ғами ўртади одамни. Демак, одам тинчликда бахтли бўлади. Тинчликда хотиржамлик бор. Хотиржамликдагина бахтли нафас ола олади. Хотиржам, сокинликда ҳамма нарса хотирасида тайёр.

Лекин буларнинг борлиги ҳам кифоя эмас. Пул топиш керак. Пул топишнинг йўллари кўп: ўғирлик, қўшиқ айтиш, деҳқончилик, талончилик, фирибгарлик, креативлик. Ўғирлик, талончилик, фирибгарлик нега қораланади. Чунки бу ишлари билан одам худди ўзи каби бир ё бир неча одамларни бахтсиз қилади.

Пул икки йўл билан топилади. Мия ёки қўлни ишлатиб топилади. Жисмоний меҳнатда қўл асосий, ақлий меҳнатда эса ёрдамчи ролни бажаради. Бу - фикрни компьютерга ёзишга ўхшайди. Компьютер ҳаммада бор, лекин бировнинг ёзгани 1 млн., бировники 1 сўм туради-да.

Қора иш қилиб, кам маош олиш учун одам билимсиз бўлиши керак. ХХI асрда креатив мутахассислар – бой. Қачон одам болға, ўроқ, кетмон билан бой бўлган? Бой бўлмоқчимисиз, Форбес рўйхатиға қаранг. Улар нимани ишлатиб бой бўлишган? Ақлни.

* * *

Насия тарбия

Ғалати ибора. Тарбия деганда негадир ҳозирги, “Мана”, деб кўрсатадиган эмас, кейинги, вақти келганда бўладиган (нақд эмас, насия иш) камолот назарда тутилади. “Ҳали бола. Катта бўлса, яхши одам бўлар”, деймиз. Савол: нега бола “ҳозир яхши” бўлмаслиги керак? Аслида ҳар бир ёшнинг меъёрий “яхши”лик даражаси бор. Камолот ёш билан белгиланмайди. 5, 10, 20, 40, 50, 60, 70 ёшнинг ҳар бирининг камолот даражалари бор.

* * *

Бир болакай югуриб келиб баклашкани бир тепмоқчи бўлди. Бироқ, етиб келгач, тепмади. Уни ким, нима тўхтатди? Тарбия тўхтатди.

* * *

Тарбияда таъсир – вақт билан тўғри пропорционал.

* * *

Моддий озиқланиш билан маънавий озиқланиш бир-бирига ўхшайди. Одам 1 кунда 5 марта бир хил химик таркибда ош еса нима бўлади? Унинг органиزمи кун бўйи шу ош таркибидаги химиявий элементлар таъсирида яшайди. Ислом дини 1 кунда 5 марта номоз ўқишни фарз қилди. Бу билан бир кунда мусулмон 5 марта маънавий озиқлантирилади.

* * *

Одам маънавияти нима билан баҳоланади? Фазилатлар билан. Фалончи қандай одам, деб сўрасангиз, яхши одам, дейиш кифоя қилмайди. “Яхши” сўзини очиб берувчи фазилатларни айтишади. Демак бу – ўша

одамнинг хулқий тарихини, яъни ота-оналари унга қайси фазилатларни сингдиришганини кўрсатади.

* * *

Бир шогирд айтиб қолди. Таксига чиқдим. Таксичи корейсларни мақтай кетди:

- Корейслар зўр-да. Тўқсонга киргани ҳам ишлайди-я?!

Мен унга:

- Ака. Уларда пенсия йўқ, шунинг учун кекса-нуронийлар ишлашга мажбур. Бизда эса кексаларга давлатимиз пенсия беради. Ўғил-қизлари парвариш қилишади. Энди дамингизни олинг, етар ишлаганингиз, деб”.

- Барибир уларда яхши-да, - деди.

- Мен корейслар сизга неча пул беришган, - дедим.

- Нега ундай дейсиз, - деди.

- Менинг 83 ёшли бувим бор. Сизда-чи, дедим.

- Менинг онам 79 далар, деди.

- У киши ҳар куни овқатига пул ишлаб топиш учун қалтираб ишлаётганига қандай қараб тура оласиз? - дедим.

- Худо сақласин, - деди.

- Энди ўзингизга келдингиз, - дедим.

* * *

Ғоя, орзу, мақсад диалоги

Орзу:

- Эртага мен учрашувга борсам эди.

Мақсад:

- Мен эртага учрашувга бораман.

Ғоя:

-Мен эртага учрашаман.

* * *

Билим мақсад бериши мумкин, натижа бера олмайди. Билимни ишлатиш методлари мақсадни натижага айлантиради. Демак, муваффақият ўз билими (интеллектуал мулки)ни қўллаш методларини қанчалик эгаллашига боғлиқ.

* * *

Ўзбекистон телеканалида берилган “Олов билан ўйнашганлар” хужжатли фильмида икки гуруҳ ўсмирлар пичоклашгани кўрсатилди. Шунда бир коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари: “Шафқатсиз болалар кўпайиб бораёпти. Боласини танқид қилсангиз, ота-она сизга ташланади. Оналар била туриб болаларининг айбини бекитаяпти. Бу билан болаларига чоҳ қазияпти. Оталар чойхонага вақт ҳам, пул ҳам топишаяпти. Лекин боласига топмаяпти. Мана бегуноҳ болалар нодон ота-оналарнинг қурбонига айланаёпти”, деди.

* * *

Йўл ҳаракати авариялари нега содир бўлади? Ҳайдовчилар йўл белгиларини билмаганлари ёки риоя қилмаганлари сабаб.

Кескин бурилишдан 200 метр олдин йўл белгиси қўйишади. Бироқ, бизнинг ота-оналар болаларининг ҳаёт йўлларига белги қўйишмаяпти. “Эҳтиёт бўл!”, дейишаяпти, холос. Бола кескин муюлишларга тез келиб, «авария»га дуч келишаяпти. Ота-она эса уни уришаяпти: «Кўзингга қарасанг, ўласанми», дейишаяпти. Лекин кўзига ҳеч нарсани кўрсатишмаяпти. Сиз болангиз бахтга элтувчи йўл четига белгилар қўйиб қўйганмисиз?

ЁШЛАРГА ҚАРАТИЛГАН АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИНИНГ МЕТОДЛАРИ

Глобализация шароитида ахборот чегара билмас ҳужум “ўқ”ига айланди. Бундай урушда ёшларга қараб отилаётган ахборот “ўқ”ларига қарши қалқон – огоҳлик асосига қурилган мафкуравий иммунитетдир. Шу боис мафкуравий имунитетни шакллантириш – қарши тарғибот самарадорлигининг асосий шартига айланади. Ушбу педагогик қонидани амалга ошириш мақсадида биз дунё оммавий ахборот воситаларида манфаатдор гуруҳ ва кучлар томонидан ёшларимизда миллий ғоя ёрдамида шакллантирилаётган дахлдорлик фазилатини кучсизлантиришга, мустақиллик ютуқларини қадрсизлантиришга, бузғунчи ғояларни оқлашга қаратилган айрим услублар моҳиятини тадқиқ қилдик. Ушбу тадқиқот натижаларини коллежларда ўтказилган тажриба-синов ишларида, ўқитувчилар, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, мураббийлар, маҳалла маслаҳатчиларининг мафкуравий билимларини ошириш жараёнида янада такомиллаштирдик. Хуллас, интернет, ижтимоий тармоқларда кенг қўлланилаётган ва бугун ҳар бир йигит-қиз билиши ўта муҳим бўлган бир неча усулларга тўхталамиз.

“Тарихни қайта ёзиш”

Ҳозирги замон – мураккаб ва таҳликали замон. Бунинг сабабларидан бири – онгни манипуляция қилиш технологиялари орқали ёшлардаги миллий тарихий тажриба асосида тўпланган билимлари ўчирилмоқда. Унинг ўрнига ёшлар миясини ўзлари “оқило-

на” деб ишлаб чиққан сунъий билимлар билан тўлдирмокда.

Сунъий билимлар натижасида дунёнинг сунъий (равишда шакллантирилган) тарихий картинаси одамларга сайтлар, ижтимоий тармоқлар, китоблар, аудио, видеоматериаллар, радио, телевидение, матбуот, театр, кинофильмлар ёрдамида сингдирилади. Шу тариқа “замонавий” деб қабул қилинадиган иллюзия – олам яратилади. Бунинг натижасида жуда ёмон ўзгариш рўй беради: одам реал ҳаётни тушдек қабул қила бошлайди. Чунки медиа олам, тарғибот, оммавий маданият, реклама уни транс ҳолатга сола бошлайди. Ёшларда ўзига керакли дунёқарашни шакллантиришнинг бу усули “тарихни қайта ёзиш”, деб аталади.

Бунда бирор муҳим тарихий воқеа шарҳига изчил қўшимча қўшиб борилади. Натижада кенг дастурли манипуляция орқали бутун жамиятнинг “мясини ювиш”, бир неча авлоднинг соғлом фикрини ўзгартиришга ҳаракат қилинади. Бундан асосий мақсад – ёшларда тарихий хотирани заифлаштириш. Уларда ўз Ватани тарихига дахлдорликни сусайтиришдир.

Бу борада медиа технологиялар, фильмлар ғоятда самарали ҳисобланади. Кино тарғибот воситаси сифатида одамга эмоционал таъсир кўрсатади. У иллюзиялаштирилган ҳолатни ҳақиқат тарзида “тирилтириб” тасвирлайди ва онгга сингдиради. Ёшлар кино қаҳрамонидан “адолат”ни, ундаги ахлоқий меъёрларни ўзлаштиради. Бу тарғибот беихтиёр кечади. Шунинг учун ҳам онгни бошқариш учун кенг имкониятларни яратади. Чунки бундай шароитда ҳаммага маълум зиддиятли фактлар роль ўйнамай қолади. Натижада Адольф Гитлер, Ҳизб ут таҳрир ёки Чингизхон ва бошқаларнинг образини кучли режиссура ва севим-

ли, истеъдодли актёрлар ижроси воситасида ижобий томонга ўзгартириб юбориш мумкин. Натижада уларнинг жиноятлари оқланиши, ҳатто эзгулик йўлидаги ҳаракат сифатида кўрсатилиши мумкин. Афсуски, бунинг мисоллари кам эмас. Ҳозир ҳаммага маълум бўлиб қолган “гламур фашизм” ибораси бунга аянчли мисолдир.

Истиқболни ўз манфаатидан келиб чиқиб тасвирлаш

Бу усулда айрим медиа ресурслар бирор воқеани ёритишда икки томондан фақат бир томонга сўз беради. Бу билан ҳодисаларни бир томонлама - ўзига мослаб талқин қилинишига йўл очади. Бу, айниқса, ҳарбий ҳаракатларни ёритишда яққол кўзга ташланади.

Мисол учун, 1998 йилда собиқ Югославияда рўй берган ҳарбий ҳаракатларни ёритган 80 фоиз Ғарб матбуоти югослав ва сербларни қоралаб маълумот тарқатди. 2000 йил АҚШ армияси матбуот котиби Т.Майор тан олганидек, Ғарб матбуоти Югославияда уруш бошлаш учун зўр баҳоналар топиб берган. Яъни бирор давлат ёки халқни узрсиз ва изчил ёмонлаб бориш билан у ҳақда кўпчиликда дарғазаб муносабат уйғотилган.

Такрорлаш

“Омма ўзига таниш ҳақиқатни маълумот сифатида қабул қилади, - деб ёзганди фашизмнинг ашаддий тарғиботчиси Йозеф Геббельс. – Оддий одамлар биз тасаввур қилганимиздан кўра содда. Шу сабабли тарғибот жўн ва мунтазам такрорланиши керак. Кимки одамларга муаммоларни жўн тушунтира олса, муваф-

фақиятга эришади ва ҳеч ким эриша олмайдиган имкониятга эга бўлади”.

Тарғибот самараси шартларидан бири фактни қайта-қайта такрорлайверишдир. Шунда одамлар унга кўникиб боради. Охир-оқибатда уни қабул қилади. Инсон ҳамиша оддий фактларнинг қайтариғини тез қабул қилади ва тез кўникади. Шу сабабли рақибнинг ғояси ёки назариясига эмас, балки унинг нохуш жиҳатларига, фикр-мулоҳазаларига, истак-хоҳишларига ва ўрта арифметик одамнинг хатти-ҳаракатларига диққат билан қараш керак бўлади. Машхур файласуфлардан бири Антонио Грамши шундай деб ёзганди: “Қандайдир ҳақиқатни сингдириш билан онгни ўзгартириб бўлмайди. Бу иш йирик микдордаги китоблар, журналлар, газеталар, рисоалар, мақолалар, баҳс-мулоҳазаларда бир фактни қайтаравериш билан амалга ошади. Натижада коллектив ирода юзага келади”.

Такрорлаш ўзига хос психологик хусусиятларга эга. Унга кўра одамга хабарни 4-10 секунд оралиғида бериш керак. Одам хабарни 8-10 секунд ичида қабул қилади ва кейинги дақиқаларда ҳаракатга тушади. Шу сабабли малакали теле-радио эшиттиришлари муҳаррирлари хабарни тарқатишда унинг мазмуни, сўз ўйини ва уни узатиш интонациясига алоҳида эътибор беришади.

Такрорлаш – бу атайин олиб бориладиган тарғиботнинг асосий принциpidир. Шу сабабли у яхши самара беради.

Чалғитиш

Бу – “икки стандарт”даги ўйин тарзларидан бири. У ноқулай шароит, вазият ва ҳаракатлар вақтида қўлла-

нилади. Унинг мазмуни – ҳаракатни мажбуран оқлашдан иборат. Дейлик, қўпоровчилик - “қаршилиқ намоиши” деб аталади. Каллакесарлар тўдаси - “эркинлик учун курашувчилар”, ёлланма жангчилар – “қўнгиллилар” деб аталади.

Ўз вақтида бу тарғибот воситасидан Учинчи Рейх тарғиботчилари унумли фойдаланишган. Фашистлар ўз давлат сиёсатидаги геноцид, зўравонлик ва одамқушлиқни хаспўшлаш учун чалғитиш усулидан унумли фойдаланишган. Мисол учун, гестапо фуқароларни қамокқа олмаган, балки “дастлабки қамокда ушлаб туришга ҳукм қилган”.

Ҳозирги замон медиа тарғиботида чалғитиш муҳим усул ҳисобланади. Ғарбнинг махсус хизматлари томонидан молиялаштириладиган қўпоровчи сиёсий кучлар “Демократияни қўллаб-қувватлаш миллий фонди”, “Халқаро демократик форум”, “Очиқ жамият институти”, “Эркин макон” каби ширали номлар билан аталмоқда.

Чала ҳақиқат

Машҳур тарғиботчи Маркиз Астольф де Кюстин (XIX аср) тарғибот жанги фақат ёлғонга асосланиши керак”, - деган. Шу маънода чала ҳақиқат усулидан тарғиботчилик ишида дунёда кенг фойдаланилмоқда.

Собиқ Шўро даврида чала ҳақиқат методи кенг қўлланилди. Унда халқдан чин ҳақиқатни яшириш учун атайлаб “душман образи”ни яратиш авжга чиққан эди. Шунингдек, иттифоқдош республикалар атайин хомашё базасига айлантирилганди. Чала ҳақиқат методида нафақат катта сиёсий муаммоларни хаспўшлашда, балки маҳаллий воқеаларни шарҳлашда ҳам унга муножаат қилинар эди.

Синов шарлари

Сиёсий ва ҳарбий тарғибот маълумотлари психология, реклама, маркетинг соҳаси экспертлари томонидан тайёрланади. Уларни эълон қилишда эса оддийгина қилиб, “агентлик мухбири” деб ёзиб қўйилади. Гоҳида “ижтимоий сўров”лар ўтказиш йўли билан самарали тактикаларни ишлаб чиқишади. Баъзида бирор мавзунини очиқ қилишиб, “амалиёт, синов”дан ўтказиб олишади. Бунинг учун медиабозорга бир неча “шов-шувли хабарлар” ташланади. Қайси хабар жамоатчиликда қизиқиш уйғотмаса, у мавзу кун тартибидан олиб ташланади.

Руҳий шокка тушириш

Бу — эмоционал зарба воситаларидан бири. Биз руҳий шокка тушган одамларни кўп учратамиз. Бундай ҳолатлар уларда бирор зўравонлик, ёвузлик лавҳаларини кўрганда, сурбет хабарларни ўқиганда бўлади. Бу йўл кўп ҳолларда сиёсий мақсадни кўзлаб амалга оширилган бўлади.

Мисол учун, тадқиқотлар инсон ўлигини кўрсатиш билан жамоатчиликка рақиб томонга нисбатан нафрат руҳини уйғотиш мумкинлигини кўратади. Шу сабабли ғарб ОАВлари “тинчлик операция”ларини хаспўшлаш учун хабар ва лавҳаларини жанг кадрлари билан бойитиб узатишади.

Бўрттириб кўрсатиш

“Ижтимоий сўров натижалари”ни эълон қилиш жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатади. 10 фоиздан 25 фоизгача бўлган сайловчилар овоз бериш учун номзодларни танлашда номзодларнинг рейтингини ҳисобга олишади. Кўпчилик кучли одамларга овоз беришни

хоҳлашади. Шу сабабли ОАВ керакли номзод рейтинг-ни “жамоатчилик сўровига кўра” дея бўрттириб кўрса-тишади.

Шов-шувлик ёки тезкорлик

Шов-шув ёки тезкорлик одамлар асабини ўйна-тишга, уларнинг психологик муҳофазасини қўпориш усуллари-дир. Бу усул инқироз ҳолатларда одамларнинг танқидий ёндашувини издан чиқаради. Шу сабабли ҳо-зирги кунда барча ОАВ хабарларни энг “шов-шувли” воқеа-ҳодисалардан бошлашади.

Аслида, кўп ҳолларда тезкор хабарлар сунъий яра-тилган ёлғондан иборат бўлади. Баъзида шов-шув диққат-эътиборни ўзга томонга буриб юборишга хиз-мат қилади. Шу сабабли кўп ҳолларда шов-шувли ёки тезкор хабар дарҳол унутилади.

Г. Шиллер шундай деб ёзганди: “Реклама информа-цияга диққат қилишдан чалғитади. Янги технология-лар кераксиз тасвирларни бериш билан шахсни фикр-лашдан чалғитади”.

Шов-шув ниқоби билан муҳим воқеликдан кўз юмиш мумкин. Шу маънода бу “диққатни чалғитувчи” усуллардан ҳисобланади.

Урғулар аралашмаси

Урғу беришда кўп ҳолларда сўнгги янгиликларни узатишда фойдаланилади. Бу усул моҳияти совуқ уруш даврида тарқалган қуйидаги латифада яхши очиб бе-рилган: «Америка президенти ва КПСС Бош котиби узоқ масофага югуришда иштирок этишди. КПСС Бош котиби ютиб чиқади. Бу ҳақда Америка шарҳловчила-ри хабар тарқатишяпти: “Бизнинг президент иккинчи бўлиб етиб келди, Бош котиб эса охиридан биринчи бў-

либ”. Аслида ҳаммаси тўғри айтилаяпти, лекин моҳиятан жамоатчилик алданаяпти.

Яна бир латифа: хизматидаги хабардан: “Мушт билан яхши қуролланган фаластинликлар ўз танкида тинчгина ўтирган исроилликларга хужум қилишди. Исроиллик солдатлар оғир руҳий зарба олишди, фаластинликлар эса енгилгина ўлим топишди”.

Бу усул йирик информацион агентликлари томонидан кенг қўлланилади.

Умумлаштириш

Жамоатчиликда яхши ёки нохуш кайфият уйғотувчи усуллардан бири. Шу маънода қуйидаги метафораларга эътибор беринг:

1) Шўро тарғиботи: “Сталин – бугунги Ленин”.

2) Америка тарғиботи: “Бен Ладен – араб тилида сўзлашувчи Гитлер”.

3) Югословия тарғиботи: “НАТО бу - фашизм”.

Бундай иборалар ақлий зўриқишнинг олдини олади. Айнан шундай ибораларда навбатдаги тарғибот ғояси яширин бўлади. Ақлий имкониятларни сақлаш инсонни муайян муаммони чуқур ўрганиш ва унинг ечимини топиш ташвишидан озод қилиб, унинг ўрнига кишини умумлаштириш кучига таянишни тақозо қилади. Бунда нарсалар ҳақиқий номи билан аталмасдан, улар ёлғон номлар билан юритилади. Бундай йўл тутувчилар ўзларининг ҳақ эканлигига беҳад ишонадилар.

Ибораларнинг образли бўлиши онгга тез сингади. У одамларни узоқ вақт соғлом фикрдан чалғитиб туради. Бунинг учун одамлар онгига бир ёлғон ғояни сингдириш учун энг гўзал образли иборалардан фойдаланиш лозим бўлади.

Баъзида сўзли иборалар тегишли видеотасмалар билан алмаштирилди. Мисол учун, сиёсий рақибни энг ёвуз даҳоларга ўхшатиб репортаж тайёрлаш қутилган натижани беради.

Шунингдек, умумлаштириш барча тарғибот воситалари томонидан бир вақтда бошланади ва бир вақтда дарҳол тўхтатилади. Мисол учун, бугунги кунда бу борада реклама ана шундай вазифани бажаради.

Информацион бошбошдоқликни яратиш

Бу метод ҳам таъсирчан воситалардан бири. Бунда барча оммавий ахборот воситалари биринчи шаклни шарҳлашга мажбур қилинади. Бундан мақсад “иккинчи бошбошдоқлик”ка замин ҳозирлаш бўлади. Буларнинг барчаси кенг қўламли аудиторияга мақсадли таъсир ўтказишга хизмат қилади.

Информацион бошбошдоқликка турли хил воқеа-ҳодисалар асос бўлиши мумкин. Бугунги кунда унга кўпроқ шов-шувлар сабаб қилиб олинмоқда. Кўпинча сиёсатчилар ўз рақибларини енгитиш учун бу усулдан унумли фойдаланишга интилишади. Террористик қўпоровчилик, башоратгўйлик, сиёсий жиноят кабилар бунинг учун муҳим озуқа бўлиб хизмат қилади.

Информациядаги урғу охир-оқибатда ахборот тўлқинига асос бўлади. Айни пайтда, ҳар қандай шов-шувли хабар 6-7 кунда “ўчади”, натижада уни омма онгидан чиқариш керак бўлади. Ахборот тўпини давом эттириш учун медиа-хабарларнинг изчил тарқатилишига ва махсус хизмат органлари фойдаланиб келаётган технологиялардан истифода этиш керак бўлади.

Бундай система нималардан иборат? Кўпгина давлатларнинг махсус хизмат органлари хорижда “ўз” ва уларга ҳар бир информацияни тарқатганлиги учун ке-

ракли миқдорда маблағ тўлаб туради. Бундай алоқалар изчил характерга эга. Бу система қуйидаги хусусиятларга эга: бир томондан, журналистлар энг сўнгги информацияни олиш мумкин бўлган жойларда фаолият кўрсатишади; иккинчи томондан, бундай агентлар ҳар қандай хабарни мақсадли равишда ОАВга жойлаштириш имкониятига эгалар.

Шу тариқа керакли информацияни исталган жойда тарқатиш ва омма орасида муносабат уйғотиш мумкин.

Ахборот тўлқини бир неча вазифаларни бажаради. Аввало, у кенг халқ оммаси ёки муайян ижтимоий гуруҳнинг барқарорлигини издан чиқаришни кўзлайди. Беқарорликдан ташқи рақиблар ва ички мухолифатлар сиёсий мақсадлари учун “окилона” фойдаланишади. Бундан ташқари, бундай фаолият муайян индивидлар ёки гуруҳларни мақсадли йўналишларга буриш учун асос бўлади.

Ахборот тўлқинининг типик намунаси сифатида бирор давлатнинг обрўсини кўтариш ёки тушириш учун қилинадиган хатти-ҳаракатларни кўрсатиш мумкин. МРБнинг собиқ ходими Филипп Эйжининг таъкидлашича, Чилида 1970 йиллар бошида С.Альенде бошлиқ ҳукумат фаолият юритганида мамлакат ичкариси ва ташқи дунёда жуда кўп ёлғон информациялар тарқатишган. Бугунги кунда ҳам АҚШ бу технологияга қатъий амал қилиб келмоқда.

Муаммо яратиш

Тарғибот барча ҳолларда ҳаммани керакли воқеалikka ишонтира олади, - деб бўлмайди. У нима ҳақда ўйлашга кўндира олмайди, аксинча, ОАВ уюшган ҳолда одамларни нима ҳақда ўйлаш мумкинлигига кўниктира олади.

Муаммо яратиш – бу ўзига фойдали фикрни усталик билан тарқатишдир. Воқелик ва унинг ОАВда ёритилиши бир хил нарса эмас. ОАВ бирор воқеа-ҳодисани, “сезмаслиги” ёки уни атайин жамият ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга ҳодиса сифатида бўрттириб ёритиши мумкин.

XX асрнинг 80-йилларида сиёсий психологлар Доналд Кендер ва Шанто Айенгар ажойиб бир тажриба ўтказишган. Улар тадқиқотга жалб қилинган кишилар кўрадиган кечки янгиликлар дастурини алмаштириб қўйишди. Улар ТВнинг кечки янгиликларида АҚШнинг муаммоларига доир информацияларни бўрттириб бериб боришди. Мисол учун:

- биринчи гуруҳга Американинг мудофаадаги заифлиги тўғрисидаги фактни бериб боришди;
- иккинчи гуруҳга экологик муаммолар тўғрисидаги хабарлар кўсатилди;
- учинчи гуруҳ эса фақат иқтисодий хабарларни эшитиб борди.

Бир ҳафтадан сўнг тажриба телехабарларни жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўринди. Тажриба қатнашчилари мавжуд муаммолар билан шуғулланувчи кишиларни кўллаб-қувватлашларини бир овоздан билдиришган. Яна бир шундай хулосага келинган: информацион фаоллик одамнинг унга тааллуқли бўлмаган муаммо билан шуғулланишини тақозо этади. Бўрттирилган информация оммани ўзига жалб этади ёки унинг мақомини кўтаради. Натижада чуваланган ахборот маконида филга айланади.

Тадқиқотчилар шуни аниқлашганки, ОАВда ёритилаётган информациялар билан оммани қизиқтирадиган ижтимоий муаммолар ўртасида муҳим алоқа мавжуд бўлади. Энг фаол кишилар ОАВ воситаларида берила-

диган хабарларни жуда долзарб ҳисоблашади. Шу тариқа **кўпиртирилган информациялар** одамларнинг фикрини бошқара бошлайди. Уларни жиноятчилик, терроризм, ижтимоий тенгсизлик, ишсизлик каби муаммоларга жалб қилади.

Машҳур олимлардан бири Сергей Кара-Мурза ёзади: “Терроризм балосига йўлиқиш автомобил фалокатидан уч бора зарарли. Россиянинг 15 миллион ҳайдовчиси ҳар йили 1 минг одамнинг ҳаётига зомин бўлмоқда. Терактлардан эса Россияда ҳар йили 1 млн. кишидан 1 киши ўлмоқда”. Савол туғилади: нега биз машинага ўтиришдан қўрқамиз, аммо террористлардан қўрқмаймиз. Чунки дунёни бизнинг автомобилдан қўрқишимиз қизиқтирмайди. Шу сабабли ТВ тонг саҳардан бошлаб бизга автоҳалокатларни кўрсатмайди. Агар бу ҳолат изчил кўрсатилаверса, биз автомобилга чикмай кўямиз”.

Джеффери Прейффернинг фикрича, бугунги кунда ҳокимиятнинг лаёқати қайси масалани кун тартибига қўйиб муҳокама қилиш, қандай информацияни эълон қилиш ва қайси муаммодан кўз юмишида намоён бўлади. Шундай қилиб, ҳозирги замонда информация яхшилик ва ёмонликни амалга оширишдаги муҳим қуролга айланди.

Таҳдид яратиш

Оммага “стратегик” таъсир кўрсатувчи ҳаракатлардан бири **таҳдид яратишдир**. Унинг асосий вазифаси – бизни ҳар қандай воситалар билан қўрқувга солишдир. Ахлоқсиз ёки қўрқувга берилган одамлар инсонга хос бўлмаган хатти-ҳаракатларни маъқуллашади. Кўп ҳолларда бу восита куйидаги технология воситасида амалга оширилади: бирор хавф-хатар (масалан, терроризм

балоси) бемаъни даражада ёритила бошланади. ОАВ навбатдаги “глобал таҳдидлар” ҳақида оғиз кўпиртира бошлайди, бу билан одамлар онгини манипуляция қилишга тайёрлаш учун оммани ваҳимага солади.

Бу тарғиботдан Ғарб анчадан бери унумли фойдаланиб келмоқда. Илгари “Шўро таҳдид”и билан одамлар кўркитилган. Энди эса “ислом хавфи” билан одамларнинг юраги пора-пора қилинмоқда. Одамлар ва вақт ўзгариб бормоқда, лекин “глобал таҳдид” яратиш технологияси аввалгидек сақланиб қолмоқда.

Бу технология одамларни ҳокимият атрофида уюштиришнинг муҳим воситаси бўлиб қолмоқда. Одамларнинг беихтиёр ҳокимиятнинг инсонпарварлигига ишончи орта боради. Шу тариқа даҳшатли таҳдидлар яратиш билан ҳокимият одамларни муҳим сиёсий муаммолардан ўзга йўналишга буриб юбормоқда. ОАВ томонидан Афғонистон ва Ироқдаги урушларнинг бўрттириб ёритилиши ишсизлик ёки коррупция муаммоларидан барчани чалғитади. Зеро, таҳдид яратиш – одамлар онгини манипуляция қилишнинг энг муҳим омилidir.

Конред Лоренд “Агрессия” китобида “Агрессияни йўналтира олиш – уни зарарсизлантиришдаги энг оддий ва энг муҳим воситасидир”, деб ёзади. 2011 йил 11 сентябрдаги Нью-Йорк фожиаларида америка мутахассислари одамларда ватанпарварлик туйғусини уйғотишда фойдаланишди. Улар шундай шиорни изчил тарғиб қилишди: “Patriotism versis terrorism – Ватанпарварлик терроризм кушандаси”.

Айни пайтда айрим йирик давлатлар “терроризмга қарши операция” ниқоби остида минтақаларда ўз ҳукмронлигини оширишга ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун одамларга оддий ибораларни кенг истеъмолга

киритиш тавсия қилинмоқда. Масалан: “терроризмга қарши кураш”, “ҳалқаро терроризм”, “глобал хавф-хатар” ва ҳ.к. Бу билан минтақаларнинг ер ости бойликларини ўзлаштиришга интилмоқда.

Таҳдид яратишдан, айниқса, сайловлар жараёнида унумли фойдаланилмоқда. Бу ҳозирги сиёсий технологиянинг тамал тошидир.

Ижтимоий маъқуллаш

Ижтимоий маъқуллаш – бу психологик эгилувчанликнинг ўзига хос кўринишларидан биридир. Бу таъмоилга кўра, биз ўзгаларга қараб нима яхши-ю нима ёмонлигини белгилаймиз. Бу кўпчиликка кўр-кўрона кўшилишдан ўзга нарса эмас.

Бу технологиядан, айниқса, дорифурушлар унумли фойдаланишмоқда. Улар ҳар қандай дори воситасини ҳаёт элексири каби реклама қилишмоқда. Бундан мутайян кишиларгина моддий манфаат кўрадилар, ҳолос. Буларнинг барчаси озчилик қандай ўйласа, кўпчиликни ҳам шунга итоат эттиришга хизмат қилади.

Машқ зарби

Бу метод кўп ҳолларда салбий информацияни тарқатишда қўлланилади. Бунда рақибни эртароқ реакцияга киритиш кўзда тутилади ва метод ташкилотлар томонидан танқид руҳини сусайтириш учун истифода этилади.

Сайловлар жараёнида бу метод номзоднинг ҳар томонлама муҳофаза қилиниши учун ишлатилади. Шу тариқа электорат талаби “қондирилади”. Мақсад – сайловчиларнинг тегишли информацияга бўлган қизиқишини сусайтириш. Демак, машқ зарби технологияси манипуляциянинг муҳим омилларидан биридир.

Айниган гўмма

Бу тарғибот усулидан манбани тузишда унумли фойдаланилади. Унда одамнинг ҳақиқатни англаб ололмаслиги назарда тутилади.

Шарҳловчи информацияни салбий сўзлар билан бошлаб, салбий фикрлар билан тугатади. Тажрибали шарҳловчи лаёқати билан матндаги ижобий фактлар хаспўшланиб кетади.

ОАВ бундан “ҳодисаларни объектив ёритиш”да фойдаланади ва бу билан ўз обрўсини кўтаришга интилади. Улар “фақат фактни ва фақат ҳақиқатни ёрита-миз” иборасини кўп такрорлашади. Шу тариқа керак-сиз хабарлар оқими кўпайтирилади.

Бу методнинг акси “Таъмли гумма” ҳисобланади ва унда чиқишлар ижобий сўз билан бошланиб, ижобий фикрлар билан тугатилади.

Ёритиб ўтилган усуллар жуда оддий, лекин мақсад-ни амалга оширишдаги муҳим воситалар ҳисобланади.

Болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш

Болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш бу – узок вақт давом этадиган аниқ тарбиявий иш натижаси.

Бола уч ёшидан бошлаб “Мен ўзим қиламан бунӣ”, дея бошлайди. Чунки у ўзини англай бошлайди. Овқат-ни ўзи ейди, кўлини ювади, тугмасини ўтказди, туф-лисини ўзи кияди.

Албатта, ҳар бир ишида хато қилади. Она у қилгани-ни қайта қилади. Ана шунда оналар бесабрлик қилиб, боланинг кўлига уришади. Бу – нотўғри. Сабр қилиб, у қилаётган ишда қандай хато қилганини кўрсатиб, ёр-дам беришлари керак. Бола 2-5 марта қайта қилса, бу унинг учун машқ бўлади. Чунки ҳаммамизнинг кунда-лик ҳаётдаги юмушларни мустақил бажаришимиз ҳар

бир ишни қилиш учун керак бўлган ҳаракатларни қайта-қайта бажаришимиз эвазига бўлган.

Ўқишдаги мустақилликни ўргатиш

6-7 ёшда кундалик мустақилликка ўқишдаги мустақиллик қўшилади. Бола мактабга боргач, унда янги мажбуриятлар, уй вазифалари, кун тартиби пайдо бўлади.

Энди мақсадга эришиш учун вақтни тўғри тақсимлаш, иродани ишлатиш, тиришқоқлик кўрсатиш керак. Бу ёшда бола ўзи кийиниб ечиниши, нарсаларини йиғиштириб қўйиши, уйга вазифаларни ўзи билиб бажаришида мустақил бўлиши керак.

Кўпинча оналар болаларининг дарсини тайёрлашга кеч киришишидан, уйга вазифани бажариши чўзилиб кетишидан нолишади. Бунга икки сабаб бор. Биринчидан, бола ўз вақтини тўғри тақсимлай олмайди. Ёки унда дарсни тайёрлашга қизиқиш йўқ. Ёқмайди. Болани дарс тайёрлашга қизиқтириш учун “уни олиб бераман, буни олиб бераман”, деб моддий нарсаларни ваъда қилиш нотўғри бўлади. Энг яхшиси, уни билишга қизиқтириш керак. Уни бошлаган ишини битирганидан, билмаган нарсасини билиб олганидан қониқишга ўргатиш керак. Албатта, бу тез бўлмайди. Бунга вақт, сабр-бардош керак бўлади.

Бошида осон, кичик – болага қизиқ нарсалардан бошлаш керак. Ота-она у билан бирга, унга ёрдам бериб турсин. Ҳаракатларини мактаб турсин. Бажаришнинг яхшироқ йўллари айтиб турсин. Кўрсатсин. Лекин “тезроқ бўла қолсин”, деб ўзлари ечиб бермасин. Зерикиб, сиқилиб кетсангиз ҳам, боланинг ўзи қилиши керак бўлган ҳаракатларни сиз қилманг.

Бу олдинги ишлардан кўра кийинроқ кечади. Бо-

лага илк ёшларданоқ у ёки бу ишни қандай қилишда ўзи қарор қилишга ўргата бориши керак. Бунинг учун болага дастлаб икки йўлдан бирини таклиф қилиш керак. Масалан, “Бугун оқ футболкангни киясанми, кизилиними?”. “Ош ейсанми ёки чучвара?” каби вазиятлар яратиш керак.

Мана шу ишни узмасдан ўргатиб борилса, бола 11-12 ёшида ўзи дуч келадиган вазиятларда онгли, ўйлаб қарор қабул қила бошлайди. Шунингдек, боланинг олдида турган бирор вазият олдидан унга “сен бу ҳақда нима дейсан?”, деган саволни ўртага ташлаш керак. Бу жуда муҳим ва зарур. Албатта бола шошади, адашади, чунки ҳали тажрибаси йўқ. Ана шунда уни уришмаслик, танқид қилмаслик керак. Майли бола адашсин, хато қилсин. Ҳар бир хатодан сўнг у битта хато йўлни кўриб олади ва қайта такрорламайди. Болани ўзи йўл қўйган хатолари яхшироқ тарбиялайди. Чунки у хатосининг оқибатини ўзи кўради.

Баъзи ота-оналар боланинг мустақил фикрлашига билмасдан қарши туришади. Мустақиллигини бўғиб қўйишади. Бу билан шу вазиятда вақтдан ютишар, лекин болага эртага хато қилиши учун шароит яратиб беришган бўлишади. Баъзи ота-оналар “Ҳали бу болаку”, деб ўйлаб, турли ҳаётий вазиятларга дуч келишидан “асраб”, болаларини пахтага ўраб ўстиришга ҳаракат қилишади. Доимий назорат остида тутишади. Бунинг оқибатида болаларини ёши 15-20, ҳатто 40га кирганида ҳам етаклаб юришади. Бунинг мисоли. Яқинда телевидениеда айтишди. Ёш келин-куёв ажршишга ариза беришган. Судья эрдан унинг фикрини сўраганида у: “Ойим нима десалар, шу бўлади”, деди. Бу нима? Онага муҳаббатнинг юксак намоиёшими? Ёки онанинг кўр муҳаббати, ҳадеб боласига яхши она бўлиб кўри-

ниш учун ўғли қиладиган ишларни ўзи қилиб келган онанинг қилмиши. Ўғли учун ўйлаб, ўғли учун қарор қилиб, ўғли учун ишлаб, ўғлини беқарор, субутсиз, бетутруқ қилди она. Бугун суд залида ўтирганлар беқарор, субутсиз, бетутруқ йигитни ким тарбиялаганини, унинг онасини кўришди. Субутсиз йигитга қаратилган нафрат беихтиёр унинг онасига ҳам қаратилди. Онаси Меҳри ая яхши аёл, ўғли Шохжаҳон ҳам туғилганида субутсиз, бетутруқ эмас эди. Унда нега бундай аҳволга тушишди она-бола? Боласини кўр-кўрона, ақлсиз севиш, мустақил ҳаётга тайёрлашни билмаслик, биладиган педагоглардан сўрамаслик, педагогик жаҳолат тантанасими бу?

Болаларни мустақилликка ўргатиш – тез бўладиган иш эмас. Агарда бола ўспирин ёшигача мустақил қарор қилишга, ўз муаммоларини ҳал қилишга ўрганмас экан, вақт бой берилади. Кейин кеч бўлади.

АМЕРИКА МАҲАЛЛА ВА ОИЛАЛАРИДА ТАРБИЯ

Ўзбекистон ва АҚШдаги Президент сайловларидан кейин мамлакатларимиз муносабатлари янги босқичга кўтарилди. 2018 йилда “Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари: стратегик шериклик янги даврининг бошланиши” номли Қўшма баёнот қабул қилинди. Бу олиймақом ҳужжат икки давлат раҳбари яқдил ва қатъий иродасининг ифодаси бўлди.

Янги давр ўз номи билан янги давр. У ўзаро англашув, ҳурматнинг янги даражасини бошлаб берди. Инсонлар орасида бўлганидек, халқлар орасида ҳам янада яқинроқ бўлиш учун бир-бирини янада яхшироқ билиш, таниш керак. Бунинг энг яхши дебочаси

– халқларимиз орасидаги ўхшаш, инсоний фазилатлар. Вашингтондаги қабул маросимида Президенти-миз Шавкат Мирзиёев “... Гарчи мамлакатларимиз географик нуқтаи назардан бир-биридан олис бўлса-да, меҳнатсеварлик, бағрикенглик ва ватанпарварлик каби қадриятлар халқларимизни бирлаштириб туради”, деди. Икки халққа хос уч қадрият – **меҳнатсеварлик, бағрикенглик, ватанпарварлик** ҳурмат билан тилга олинди. Ушбу тарихий нутқда тилган олинган уч фазилат халқларни бир-бирига чуқурроқ, қайтадан англата, таништира бошлади.

Оддий америкаликлар. Улар қандай қадриятларга ишониб, таяниб яшашмоқда? Уларни бизга ўхшатадиган меҳнатсеварлик, бағрикенглик ва ватанпарварликлари нималарда кўринади? Уларни нималар бирлаштиради? Президентимиз тилган олган бу уч фазилат оддий америкаликлар ҳаётида қандай ўрин тутган?

Меҳнатсеварлик

Тарихан маълум, америка қадриятлари янги ерга яхши ҳаёт умидида кўчиб келган, ўз қобилият ва матонатини ишга солиб, қийинчиликларни енгиб яшаган муҳожирларнинг орзуларидан бошланган. XIX асрда машҳур бўлган, фақат ўзига ва отига ишонувчи, барча хавфларга қарши тура олувчи мард, бирсўз, таваккалчи ковбой образи маълум. Ана шу “ковбой руҳи” билан “миллат оталари” раҳнамолигида курашиб, мустақилликка чиқишди. Ўрмонлар ўзлаштирилди, конлар топилди. Саноат гуриллаб, осмонўпар бинолар қурилди. Жаҳон урушларида, “совуқ уруш”да ғолиб чиқишди. Тинчликда халқ фаровонлигига эришишди. Тадбиркорлар бойиб, саноатни ривожлантириб, ишчи ўринларини яратиб, одамларнинг самарали меҳнати-га, фаровон яшашига шароит яратиб беришди. Аме-

рикаликлар буни яхши биладилар ва “бойлар бировларнинг ҳисобига яшайдилар”, деб ҳисоблашмайди. Олимлар буларга оддий америкаликларнинг ўз бахти учун ғайратли кураши, қийинчиликлар олдида енгилмай, интилавериши ҳисобига эришилган, деб ҳисоблашади.

Ростдан шундайми? Манбаларга кўра: америкаликлар бир ҳафтада 38 соат ишлашади. Бу француз, немис, австралияликларга қараганда кўпроқ. Фақат корейслар ва сингапурликлар америкаликлардан ҳам меҳнатсевар (Business Insider, 2013).

Бунда америкаликларнинг миллий ғояси - “америка орзуси”нинг роли катта. Бу ибора америка халқи моддий ва маънавий орзуларининг ифодаси. Уильям Сефайрнинг “Сиёсий луғати”¹⁰да “америка орзуси” бу – “асосчи оталар” белгилаб берган идеал эркинлик ва имкониятларнинг ифодаси; америка миллатининг маънавий қудрати; агарда АҚШ тузуми америка сиёсатининг скелети бўлса, “Америка орзуси” – унинг қалби”, дейилади. “Америка орзуси”нинг таркибий қисмлари сифатида:

- Ҳалол меҳнат билан ўзини намоён қилиш (self-made person);
- Эркин тадбиркорлик;
- Ижтимоий масъулият;
- Ватандошларни ҳурмат қилиш;
- Жамиятда одамнинг ҳурмат-эътибори ва ролининг ошиши эътироф этилади.

Америкаликлар тарбиясида келажакка ишонч етакчи кадрият ҳисобланади. Бу уларга туганмас оптимизм беради. Шунинг учун улар омадсизликка учрашса, бу

¹⁰ Safire’s New Political Dictionary. Random House, New York, 1993.

гал “ўхшамади”, лекин энди оқилона йўллари топа-ман, деб, ишни қайтадан бошлашади.

Кейинги ўн йилликлар америкаликларнинг келажакка интилишларига кучли педагогик импульс берди. Айниқса, ахборот технологиялари уларни “олға югурувчилар”дан “олдинга сакровчилар”га айлантирди. Ҳамма нарса компьютерлашди. Интернет, сунъий йўлдошга уланган телефонлар аҳоли мобиллигини бир неча карра тезлаштириб юборди.

Америка оилаларида болалар илк ёшдан мустақил қарорлар қабул қилишга ўргата борилади. 18 ёшдан бошлаб ёшлар ота-онага юк бўлмаслик учун ота уйини тарк этиб, ўқишга, ишга чиқиб кетишади. Шундан кейин улар ота уйига қайтишмайди. Шахсий ҳаёти билан боғлиқ барча мауаммоларни ўзлари ҳал қилишади. Ёшларнинг ота-она бағрида 18 ёшдан кейин қолиб кетишлари атрофдагиларда улар ҳақида “хом”, ҳаётга тайёр эмас”, “умуртқаси йўқми, ота-онасига юк бўлаяпти”, деган норозиликни уйғотади. Баъзан ота-она ёш ўғил-қизларига ёрдам беришади. Бироқ, буни боламиз уялмасин, деб, ими-жимида қилишади. Бошқа мамлакатлардан келганлар бой ота-онанинг оила қуриб, уй сотиб олаётган фарзандига озгина бўлса-да, қарашмаслигига ҳайрон қолишади.

Ўзбекларда эса рўзғорини алоҳида қил, ўзи ҳаёт кўрсин, эр-хотин - қўш хўкиз, аравасини ўзи тортсин деган гапига ўхшайди.

Олимлар бунинг фойдали жиҳатлари кўплигини тасдиқловчи хулосалар беришган. Масалан, психиатрлар америка жамиятида учраётган асабийлик ҳолатлари сабабини балоғатга етган ёшларнинг ота-оналаридан кеч ёки нотўлиқ ажралиб чиқишларида деб билдилар.

Ўз кучи билан муваффақиятга эришган одам жамиятга ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олади, деб ҳисобланади. Шу боис соғлом индивидуализм принципи кўр-кўрона обрўни инкор қилади. Иш ва ҳаётда ҳақиқий обрў одамнинг ёшига эмас, балки унинг ишга ва атрофдагиларга реал таъсирига қараб белгиланади. Шу боис жамиятда замон талабларига жавоб берувчи, ҳаракатчан ёшлар ҳам катта обрў қозонишлари мумкин.

Америкаликлар “Вақт – пул”, деб билишади. Бу қоидага нафақат ишлаб чиқаришда, балки ҳамма жойда, масалан, савдо ва хизмат кўрсатишда ҳам амал қилишади. Жараёнларни автоматлаштириб, ҳамманинг вақтини тежашади. Айни вақтда ишчан ва ғайратли одамларни кўпроқ ҳурмат қилишади. Шунинг учун бой америкаликлар қартайиб қолганида ҳам ишлашади. Пул учун эмас, ишсиз яшай олмаслиги учун.

Социологларнинг тадқиқотларига кўра америкаликлар монохрон маданиятга мансуб халқ. Яъни улар ҳар бир ишни бирма-бир, қатъий кетма-кетликда, тартиб билан, ўзбекча қилиб айтганда – рисоладагидек бажаришади. Ҳатто тартибга риоя қилиш уларнинг ўша лаҳзалардаги манфаатларига зид келса ҳам. Масалан, мактабда қўнғироқ чалинганда, ҳар қанча қизиқ бўлмасин, тугамаган бўлса ҳам, дарс шу заҳоти тўхтатилади.

Полихрон жамиятли маданиятга амал қилувчи мамлакатларда ишларни бир вақтда, йўл-йўлакай қилиб олиш, учрашув ёки мажлисга биров кечикиб борилиши ва бунга аҳамият берилмаслиги ҳам мумкин. Бирок, америкалик учун вақт алоҳида қийматга эга. Шу сабабли унда ҳаракатдан тўхташ, бекорчи гаплар учун вақт бўлмайди. Зеро муайян вақтдаги амалий натижадорлик ва фойдали фаоллик қадрланади.

Ватанпарварлик

Америкалик одам тўплаган пул микдори унинг қанчалик фаоллигини ва жамият учун фойдалилик даражасини кўрсатади. Айни вақтда одамлар у ҳақда нима дейишаётгани, уни қандай баҳолашаётгани ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Шу тариқа ҳар бир одамнинг эришган муваффақият даражаси у ҳақидаги ижтимоий фикрда акс этади.

Машҳурлик – америка жамиятида одамнинг муваффақиятлилики белгиси ва бу унга келажакда қўшимча имкониятлар беради. Одамларнинг эътирофи, машҳурлик жамиятда таниш-билишлар даврасини кенгайтиради. Бироқ, яқин дўстлар кам бўлади, чунки дўстлик вақт талаб қилади. Вақт эса – пул. Одатда, америкаликлар нотаниш одамларга, қўшниларига яхши муносабатда бўлишади, бироқ, улар билан дўстона муносабатларга киришишмайди.

Америка телеканалларида дастурлар кўп, ранг-баранг. Оммабоп шоулар бепул бўлиб, ўртамиёна дидга мўлжалланган. Мумтоз, классик асарлар – опера, балет, симфоник мусиқа, шеърый асарлар эса тансиқ. Чунки улар қиммат баҳоланади. Улардан баҳраманд бўлиш учун пулли телеканалларга боғланиш керак.

Албатта ҳар бир америкаликни фаол, ватанпарвар, зиёли, ақлли деб бўлмайди. Америка менталитетига хос асосий қадриятлар аҳолининг кўпчилигига хос.

Америка оилалари – огоҳ оилалар. Бу ерда бирор шубҳали, қонунга зид иш билан шуғулланаётган таниши ёки қўшнисининг устидан тегишли органларга хабар бериш уят ҳисобланмайди. Америкаликлар характерининг мана шу фазилати кўплаб жиноятларнинг олдини олиб, хавфсизлик даражасини оширишга катта ёрдам бермоқда. Жиноятчилик Германия,

Норвегияга қараганда кўп (ҳар 100 минг кишига 4,6та қотиллик). Бироқ, бу кўрсаткич айрим мамлакатларга нисбатан паст ва пасая бормоқда. Масалан, 2005 йилда ҳар 100 минг кишига 416та автомобиль ўғирлиги тўғри келган бўлса, 2010 йилга келиб бу рақам 239тага камайган.

АҚШда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган жамоатчилик назорати йўлга қўйилган. “Халқ дружиналари” фаолият кўрсатади. Улар neighborhood Watch (Огоҳ қўшничилик) деб номланади. Одамлар гуруҳларга уюшиб, кўчаларни патрул қилиб, тартиб сақланишини назорат қилишади. “We look out for each other”, яъни (Биз бир-биримизни эҳтиёт қиламиз) шиори остида амалга оширилаётган превентив чоралар жиноятчиликнинг олдини олишда катта самара бермоқда¹¹, деб ёзади visasam.ru/emigration.

Бағрикенглик

Хайрия ва таълимга ҳомийлик қилиш жамият томонидан юксак қадрланади. Бу фалсафа гуманитаризм деб ном олган. Масалан, АҚШнинг машҳур ва бой кишиларидан Жон Рокфеллер “Сиз нима учун университет куришга катта маблағингизни ҳадя қилаяпсиз?”, деган саволга: “Худо менга пул берди, нега мен уни Чикаго университети курилишига сарфламаслигим керак?”, деб жавоб берган. Кўпчилик америкаликлар одам ўз умри ва бойлигининг бир қисмини инсонпарварлик мақсадларига сарфлаши керак. Ана шунда уни худо ярлақайди, одамлар ундан рози бўлади, деб ҳисоблашади. Бундан америкаликларда маънавий ва моддий қадриятлар бир-бирини тўлдириб туради, деган хулосага келиш мумкин.

¹¹ <http://visasam.ru/emigration/canadausa/prestupnost-v-ssha.html#i-42018> йил 20 май.

Бунинг мисоллари сифатида Жаҳон хайрия индекси бўйича АҚШ 2017 йилда 139 та мамлакат ичида 5-ўринни эгаллаганини (Мьянма, Индонезия, Кения, Янги Зеландиядан кейин)¹². Ижтимоий ривожланиш даражаси бўйича 2017 йилда 128 мамлакат орасида 18-ўринни эгаллаганини¹³, 2018 йилда 158та мамлакат орасида ўтказилган Дунё мамлакатларининг бахтиёрлик даражаси бўйича рейтинги (World Happiness Report)да 18-ўринни эгаллаганини¹⁴, 2016 йили 50 мамлакат орасида ўтказилган “Миллий таълим тизими самарадорлиги индекси” тадқиқотида АҚШ биринчи ўринни эгаллаганини¹⁵ келтириш мумкин.

Оила тарбиясида Ватанга муҳаббат етакчи қаторда туради. Ватанпарварликдан асосий мақсад – америка жамиятининг асосини белгиловчи қадриятларни қўллаб-қувватлаш. Бу мадҳияларда, тадбирларда Американи худо ярлақанган мамлакат эканлигини тарафдор қилиш ва унинг миллий қадриятларини бардавом қилишда намоён бўлади. Шу сабабли “Худо Американи асрайди, “Америка гўзалдир” каби қўшиқларни барча америкаликлар ёддан билишади ва тантанали тадбирларда, айниқса, спорт мусобақаларида бирга қуйлашади. Ҳар бир футбол матчида олдин ўн минглаб томошабинлар тик туриб руҳонийнинг ибодатини тинглагач, кетидан миллий мадҳияни айтишади. Бу ҳам ватанпарварлик ғоясининг миллий ўзликни англашнинг ривожига қандай ёрдам бераётганини кўрсатади.

¹² <http://www.cafonline.org/>. 2018 йил 20 май.

¹³ <http://www.socialprogressindex.com/2018> йил 20 май.

¹⁴ <http://www.worldhappiness.report/2018> йил 20 май.

¹⁵ <http://thelearningcurve.pearson.com/2018> йил 20 май.

ТАДБИРКОРЛИК ПЕДАГОГИКАСИ

Мамлакатимизда тижорат банклари томонидан фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва ғўшт етиштириш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, аёлларнинг тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кредитлар ажратилди.

Жиззах вилоятида фуқаролар билан суҳбатлашганимизда тадбиркорлик педагогикасига оид муаммолардан бири маълум бўлди. Ш.Рашидов тумани, Яхтанлик маҳалласи, Мустақиллик кўчаси 11-уйда истиқомат қилувчи 1987 йилда туғилган Ирода Жўраева билан суҳбат ўтказилди. У Иқтисодиёт ва транспорт коллежини тугатган, аммо шу вақтга қадар ишга жойлаша олмай юрган. Унга қуёнчилик ва паррандачилик, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш учун Халқ банки ходимлари кредит олишни таклиф қилишган. У “Биз чорвачиликни яхши биламиз. Бизга чорва боқишга кредит беринглар”, деб илтимос қилибди. Шунда унга чорвачилик бўйича барча кредит линияси ёпилгани тушунтирилиб, қуён, парранда, асалари боқишга кредит олишни таклиф қилишади. Шунда Ирода: “Биз буларни қандай боқишни билмаймиз-да”, дебди. Ана шу ўринда ҳам Президентимизнинг **“Энг олис ҳудудларда ҳам тадбиркорликни ривожлантириш учун, аввало, аҳолига тадбиркорлик бўйича етарлича тушунча ва билим беришимиз керак. Тадбиркорларга имконият**

ва шароит яратиб берсак, улар ўзларини ҳам, аҳолини ҳам иш билан таъминлайди”, деган фикрлари эсга тушади. Яъни аҳолига кредитга қўшиб, тадбиркорлик билимларини ҳам бериш керак, деган заруратни англатади.

Президентимизнинг бу фикрларини қадимий Хитой мақоли ҳам тасдиқлай. Яъни “Дўстингнинг қорнини бир марта тўйдирмоқчи бўлсанг, балиқ тутиб едир. Агар унинг қорни доим тўқ бўлишини истасанг, унга қармоқ бериб, балиқ тутишни ўргат”. Президентимиз масалани жамият, давлат миқёсида, бутун халқимизнинг тўқ бўлишини ўйлаб **“аввало, аҳолига тадбиркорлик бўйича етарлича тушунча ва билим бериш”** вазифасини белгилаб бердилар. Мана шу ерда инсонга бир нарсани тушунтириш, ўргатишга илмий – педагогика ёрдам беради. Ижтимоий агропедагогика, яъни аҳолига тадбиркорлик йўл-йўриқ, усулларини тушунтириш, кўрсатиш, ўргатишни доимий, тизимли асосга қуриш керак, деган хулоса келади. Чунки билим бермасдан кредит бериш кутилган натижанинг кафолатини бера олмайди. Педагогика аҳолига нафақат тадбиркорлик усулларини, балки ғайрат, матонат, азму шижоат, ҳафсалалик, тиришқоқлилиқни ҳам тушунтиришга, мисоллар билан кўрсатиб беришга қодир. Президентимизнинг юқоридаги кўрсатмаси ана шу кафолатни таъминлашимизни талаб қилмоқда.

Ёшларимизда қандай фазилатлар, сифатлар бўлиши шартлиги аниқ белгилаб берилди: азму шижоатли, жўшқин орзу-интилишларга эга, ҳеч кимдан кам бўлмаган, навқирон йигит-қизлар талаб этилмоқда. Энди ўзимизга савол берайлик: менинг синфим, гуруҳим, факультетим, ўғлим ё қизим азму шижоатлими? Жўшқин орзулари борми, қанақа? Агар биз ўзимизга

ана шу саволни берсак, мактаб, коллеж, лицей, институт, университетларимиз аудиторияларига ана шу фазилатлар кириб боради. Агар биз эътиборсиз бўлсак, аксинча бўлиши ҳам мумкин. Чунки ҳар бир нарсанинг зидди бўлади. Фазилатларнинг ҳам. Фазилат экилмаган қаровсиз жойда унинг зидди – иллатлар болалаши мумкин.

Ҳаракатлар стратегияси халқимиз, ёшларимиздан қайси фазилатларни талаб қилаётганини билишимиз шарт. Бу – талаб-таклиф қонуният. Яъни стратегиямизни амалга ошириш учун давлатимиз томонидан ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий ресурслар таъминлаб берилди. Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширувчи куч – инсон омилига боғлиқ. Инсон омилини кучайтирувчи омил – тарбия, маънавий-маърифий иш. Демак, тарбиявий, маънавий-маърифий ишлар мазмуни Ҳаракатлар стратегияси талаблари асосида кучайтирилиб, янгилаб борилиши зарур.

Президентимиз маърузаларида тилга олинган ва жамиятимиз, ёшларимизда шакллантириш зарур бўлган билим, кўникма ва фазилатлар бугунги маънавий янгиланишнинг бош манбаидир. Зеро бу фазилатлар Ўзбекистонни янада ривожлантириш, халқимизни фаровон, бахтиёр қилиш йўлида учраётган муаммоларни ҳал қилишнинг маънавий ечимларидир.

Мисол учун, ҳар биримиз Президентимиз маърузаларида тилга олинган: янгича фикрлаш, масъулиятлилик, ташаббускорлик, эл-юрт тақдири учун куйиниб, тиним билмай яшаш, ишнинг кўзини билиш, меҳнатсеварлик, мустақил фикрлаш, матонат, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаш, тадбиркорлик, ишбилармонлик, қўли гуллик, ҳалоллик, ҳунармандлик, ишбилармонлик, заҳматкашлик, жонкуярлик, меҳнаткашлик,

ибратли, намунали, узоқни кўра олиш, синов ва муаммолардан чўчимаслик, ўзига, ўз куч-қудратига ишонч фазилатларини кўрсата бошласак, халқимиз фаровонлиги қанчалик кўтарилиб кетишини тасаввур қилинг.

Маънавий фазилатлар – мардлик, матонатлилик, Ватанга садоқат, мустаҳкам ҳаётий позицияга эгалик, мустаҳкам мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибат, инсонпарварлик, фидойилик, фаоллик, мустақил фикрлаш, камтаринлик, шижоатлилик, меҳрибонлик, китобхонлик, бағрикенглик, ориятлилик, халқ билан бирга бўлиш, ҳар қандай шароитда ҳам ишончни оқлаш, одамийликни жойига қўйиш, сабр-бардошлилик, салимийлик, пок ниятлилик, маърифатпарварлик, тартиб-интизомлилик, баркамоллик, мустақил фикрлаш, азму шижоатлилик, адолатлилик, жонкуярлик, матонатлилик, куч-қувватлилик, халқпарварлик.

Ушбу фазилатлар ҳар бир ўзбекистонликда мужассам бўлиши нимага боғлиқ? Ушбу фазилатларни нафақат ёшларимизда, балки барча аҳолида шакллантириш керак. Бунинг учун ёшлар тарбиясига қаратилган дастурларимизда ва кенг аҳоли орасида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларда ана шу фазилатларнинг ҳар бирининг маъно-мазмунини очиб бериш ўта муҳим. Чунки бу фазилатлар Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган улуғ мақсадларимизга эришишда буюк маънавий омил бўлиб хизмат қилади. Чунки бу фазилатлар Ҳаракатлар стратегиямизнинг Инсон капиталини кучайтиради. Халқимизни кучайтиради. Чунки ХХI асрда куч инсон капитали даражасида, унинг билим ва тафаккурида, фазилатларида эканлигини бутун инсоният билди.

Бу фазилатлар ҳар биримизда уч даражада – юқори, ўртача ёки паст даражада намоён бўлмоқда. Паст

ёки ўртача даражаларга сабаб – ушбу фазилатларнинг узоқ йиллар мақсадли, изчил, тизимли, ўлчамли ривожлантирилмаганида. Ҳаракатлар стратегиясида халқимиз учун олий мақсадлар белгилаб берилди. Беш йўналишдаги мақсадларнинг беш йилда натижага айланиши жамиятнинг маънавий қудратига боғлиқ. Демак, уни амалга ошириш учун миллий характеримизда Президентимиз таъкидлаётган фазилатларнинг кечагидан кучлироқ намоён бўлиши талаб этилмоқда.

Президент маърузаларидаги фазилатлар халқимизнинг кундалик ҳаётида, мамлакат миқёсида, ҳар биримизда намоён бўлса, миллатнинг маънавий покланиши рўй беради. Бугун бизни қийнаётган муаммолар – лоқайдлик, боқимандалик, эрта никоҳ, дабдабабозлик, масъулиятсизлик, мустақил фикрламаслик, тадбирсизлик, ҳафсаласизлик, иқтисодий етишмовчилик, ажримлар, бемехрлик ва бошқа иллатлар камая боради. Бора-бора Ўзбекистонни тарк этади. Чунки бу иллатлар юқоридаги фазилатларнинг зиддидир.

Халқимизни фаровон қилишга тўсиқ бўлаётган лоқайдлик - ташаббускорликка, ишёқмаслик - меҳнатсеварликка, ҳунарсизлик - замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашга, тадбирсизлик - тадбиркорликка, иккиланувчанлик - ўзига, ўз куч-қудратига ишончга айланади.

Кундалик ҳаётимизда учраб, кўнгилларни ранжитётган мафкуравий беқарорлик - мустаҳкам мафкуравий иммунитетга, масъулиятсизлик - масъулиятлиликка, оқибатсизлик - меҳр-оқибатга, ўзини четга олиб туришлар – фидойиликка, сусткашлик - фаолликка, дабдабабозликлар - камтаринликка, беғамлик - шижоатлиликка, ҳар хил ижтимоий тармоқларда адашиб юришлар - китобхонликка, бесабрлик - сабр-бардош-

лиликка, юзакилик - самимийликка, бетартиблик - тартиб-интизомлиликка, айрим амалдорларнинг нохолислиги - адолатлиликка, халқ дардига бепарволиклари - жонкуярликка, халқпарварликка айлана боради. Зеро миллатнинг маънавияти, қандай тарбия олгани ҳар бир фуқароларнинг фазилатларида “юзага чиқади”.

Бунинг учун Президентимиз маърузаларида тилга олинган фазилатларга эга аجدодларимиз, бугунги ватандошларимиз қандай натижаларга эришганликларини тарихий, ҳаётӣ мисолларда кўрсатишимиз даркор. Оммавий ахборот воситаларида мақола, буклет, рисолалар чоп қилиб, ижтимоӣ тармоқларда, телеграмм каналларида ҳар бир фазилат мазмунини жамиятнинг амалӣ билимларига айлантириш тақозо этилади. Албатта, бунда ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш мумкин ва зарур. Бу мамлакатимизда ижтимоӣ тарбиянинг самарали натижаларида намоён бўлади.

ЗАМОН ТАЛАБИ – КОМПЕТЕНЦИЯЛАР

20 ёшли ҳар бир йигит-қиз ўзининг 20 йиллик тарбиявий тарихига эга. 20 йилнинг ҳар бирида ўргатилдиган, кейинги йилда ўргатиб бўлмайдиган билим, кўникма ва малакалар – аниқ календарь бўйича тарбиявий иш, вазифалар бор. Ота-она уларни қандай бажар(ма) гани болаларда яққол кўриниб туради. Бола ёшига мос нималарни билади, нималарни қила олади? Мана шу саволга жавоб ота-она, боғча, мактаб болаларимизни қандай тарбиялаётганини кўрсатиб беради. 2001 йилда туғилган болаларимиз 2021 йилда 20 ёшда. Халқимиз 20 ёшли йигит-қизларимизнинг хулқидан розими? Бу саволга жавоб 2001-2008 йилларда кимлар, қандай тарбиялашганига баҳо. Улар ота-она, боғча тарбиячиси,

бошланғич синф ўқитувчиси - реал одамлар. Демак, розилик ёки норозилигимизга сабаб – уларнинг болаларга ўргатган ё ўргатмаган ижтимоий малакалари. Улар берган тўғри ё нотўғри тарбия 2021 йилда “ишламоқда”. Ҳар куни оилада, кўчада, маҳаллада, транспортда, ишхонада, тўй-маросимларда болаларимиз хулқида кўринмоқда. Бизни рози ё норози қилмоқда.

20 ёшли йигит-қиз – 20 йиллик тарбия маҳсули. Тарбия деганда боланинг, аввало, ота-онаси, тенгдошлари, ёши катталар билан қандай муомала-муносабат қилиш малакалари тушунилади. Боланинг бошқалар билан тўғри муносабати унинг ижтимоий малакалари қандай тарбияланганига боғлиқ. Демак, ижтимоий малака деганда боланинг оилада, жамоат жойларида, маҳаллада, кўча-кўйда, кейинчалик ишхонада, турли маросимларда намоён қилаётган муомала-муносабат, одатларини тушуниш мумкин.

Кўпинча бунинг учун ёш йигит-қизларимизни айблаймиз. Лекин бу адолатдан эмас. Чунки юқорида айтганимиздек, 20 ёшли йигит-қиз, ота-она, таълим муассасалари бер(ма)ган 20 йиллик тарбия маҳсули. Демак, ҳар бир маҳсулот каби унинг сифатини “юқори”, “ўртача” ёки “паст”, деб баҳолаш мумкин.

2018 йил 22 февраль куни соат 18³⁰да “*Mening yurtim*” телеканалда “Қайнона-келин” кўрсатуви берилди. Унда қайнона (Мавлуда Асалхўжаева) келинининг хизматидан норози қайнона ролида келинидан хафа бўлади. “Ҳозир ойингизга СМС ёзаман”, дейди. Келин “Жон ойижон, юборманг”, деб ёлворади. “Йўқ”, дейди қайнона. Кейин ёзишга эриниб, овозли смс юборади. Унда “Қудажон. Сиз менга брак маҳсулот берибсиз. Қизингиз на идиш-товоқ ювишни, на сунур-сидирни билади. Марҳамат қилиб маҳсу-

лотингизни қайтиб олиб кетишингизни сўрайман”, дейди.

Унга қудаси: “*Ҳурматли миждоз. Сиз олган маҳсулотнинг гарантияси бир йил эди. Орадан бир ярим йил ўтди. Энди маҳсулотимиз сифатига эътирозларингиз қабул қилинмайди. Гарантия муддати ўтди*”, деб жавоб беради. Шунда қайнона ноиложд: “*Шундайми? Ҳа майли. Унда ўзим ўргатиб, камчиликларини тузатиб оламан*”, дейди.

Бу бир ҳазил. Лекин ҳаётда жуда кўп учраётган ҳолат.

Бу сўзларни билиб қўйинг

Билим – кишиларнинг табиат жамият ҳодисалари ҳақида ҳосил қилган воқелик маълумотлар ва унинг инсон тафаккурида акс этиши. Кундалик тасаввуримизда ниманинг нима эканлигига ишонсак ва бу ишончимиз биз одатланган воқеа ва ҳодисаларга (қоидаларга) зид келмаса, бундай ишонч билим ҳисобланади.

Кўника – инсоннинг илгариги тажрибалари асосида муайян фаолият ёки ҳаракатни амалга ошириш қобилияти. Кўникмалар амалий фаолиятга, билимларни амалда қўллай билишга оид фаолиятнинг таркибий қисмидир. Кўникмалар фаолиятнинг мақсади ва шароитларига мутаносиб равишда ҳаракатни муваффақиятли бажариш усуллариidir. Кўника ҳамиша билимларга асосланади, маҳорат (малака)нинг негизи ҳисобланади. Кўникмаларни билим билан адаштирмаслик лозим, чунки билимлар воқелик тўғри акс эттирилган ҳукм (мулоҳаза)ларда ифодаланади. Кўникмалар эса кўпроқ ақлий ва жисмоний ҳаракатларда муҷассамлашади¹⁶.

¹⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. Тошкент, 2000 й.

Малака – араб тилидан (مکالمه) олинган бўлиб, одам табиатида қўп машқ қилиш, такрорлаш натижасида пайдо бўладиган, хулқда, бирор ишни бажаришда намоён бўладиган маҳорат, тажриба натижасини билдиради. Шунинг учун “малака пайдо қилиш”, “малакани ошириш” иборалари қўлланилади.

Ижтимоий малака - ижтимоий деганда жамиятга, кундалик турмуш, ҳаётга тегишли масалалар, жамиятда одамларнинг муносабатлари тушунилади.

Ижтимоий малакалар (мажбуриятлар) бу – ижтимоий муносабатлар методлари тўплами. Турмушда одам ўз хис-туйғу, муносабатларини намоён қилиши, катта-кичик, таниш-нотаниш кишилар билан вазиятдан келиб чиқиб, муомала қилиш қобилиятлари. Одам уларни ўз ҳаёти давомида ўзлаштиради, кундалик ҳаётида, турмушда қўллаб, бошқалар билан мувозанатда, уйғунликда яшашга эришади. Бу тушунча Нидерланд олими В.Слот томонидан фанга киритилган.

Ижтимоий тарбия – одамнинг атроф муҳит ва мақсадли тарбиявий институтлар билан ўзаро стихияли ўзаро таъсир жараёни. Одамнинг муайян ижтимоий ролларга, жамият ичида қабул қилинган меъёрий намуналарга фаол мослашув жараёни; шахснинг ижтимоийлашувини мақсадга мувофиқ режалаштирилган шарт-шароитлар яратиш жараёни.

Тарбияланувчи – шахслар (ўқитувчи, тарбиячи, ота-она), жамият (оила, маҳалла, ўқув, меҳнат жамоаси) тарбиясида объект ва ўзини ўзи тарбиялашда субъект вазифасини бажарувчи инсон.

Ёш давлари – чақалоқлик – туғилганидан 1 ёшгача; гўдақлик – 1-3 ёш; мактабга тайёrlаниш ёши – 4-6 ёш; кичик мактаб ёши – 6-10 ёш; ўсмирлик – 10-15 ёш; ўспиринлик ёши, балоғат ёши – 15-21 ёш; етуклик

– 21-60 ёш; кексалик – 60-75 ёш; қарилик – 75-90 ёш; нурунийлик – 90 ёшдан кейин.

Педагогик таъсир – педагог томонидан шахснинг билим, кўникма, малака ва фазилатларини шакллантириш мақсадида унинг онги, иродаси, туйғуларига қаратилган фаолиятини ташкил қилиш жараёни.

Ижтимоий компетенция – одам томонидан жамиятда қабул қилинган меъёрлар, қоидалар ва мажбуриятларни тўғри бажариш малакалари¹⁷.

Ижтимоий зиддият – эҳтиёж, манфаат, мақсад, мақом, роль ва функциялар тўқнашувидан келиб чикувчи ўзаро ижтимоий таъсир тарзи.

Дидактик прагматизм концепцияси – таълимни ўқувчилар тажрибасини тўхтовсиз реконструкция қилиш жараёни сифатида қараш.

Педагогик маданият – одам, мутахассис томонидан жамият тўплаган ижтимоий педагогик тажрибани ўзлаштириш, бу тажрибани кундалик ҳаётда қўллаши ва бунинг натижадорлик даражаси.

Билим – бирор соҳадаги илмий маълумотларни англаш натижаси; объектив воқеликни факт, тасаввур, тушунча, қонуниятлар шаклида идрок қилиши.

Кўникма – бирор вазифани бажаришнинг тартибини билиш ва бу вазифани ҳал қилаётганда бу тартибни тўғри бажариш, лекин ҳали малака даражасига етмаган ҳаракатлар тарзи.

Малака – автоматик бажариш даражасига етказилган кўникма. Фаолиятнинг кўп такрорлаш натижасида керакли ҳаракатларни мукамал, автоматик даражада бажаришда намоён бўлувчи қисми.

Ягона педагогик талаб – ҳамкорликда ишлаб чиқил-

¹⁷ Воронин А.С. *Словарь терминов по общей и социальной педагогике. ГОУ ВПО УГТУ-УПИ – 2006. С.42.*

ган, тасдиқланган, ўқувчилар хулқига таълим муассасида, бўш вақтларда, жамоат жойларида, маҳаллада, оилада қўйиладиган тарбиявий талаблардаги яқдиллик.

Хаётий вазият – муайян вақт ва жойда одам хулқининг ўзига хос намоён бўлишини белгиловчи шарт-шароит ва ҳолат.

Хулқ – ҳаракатлар тарзи. Одам ташқи (ҳаракатлари) ва ички (фикрлари) фаоллиги билан белгиланувчи, у билан атроф-муҳитнинг ўзаро таъсир шакли. Хулқ одамнинг хатти-ҳаракатларида, қилиқларида ва одатларида намоён бўлади.

Ясли ёши – боланинг 4 ҳафталик – 3 ёшлик даври. Эмизиш даври – 4 ҳафталик – 1 ёш; катта ясли ёш даври – 1-3 ёш.

Мактаб ёши – боланинг умумий ўрта таълим билан қамраб олинган даври. Кичик мактаб ёши – 6-7 - 11 ёш; ўсмирлик – 11-12 – 14-15 ёшлар; эрта ёшлик – 15-18 ёш;

Буларнинг барчаси бола туғилганидан бошлаб, баалоғат ёшига етгунича шакллантирилиши шарт бўлган ҳаётий, кундалик ижтимоий малакаларнинг оила, мактабгача таълим муассасалари ва мактабда мақсадли, изчил, аниқ кўрсаткичлар асосида, натижавийлик талабидан келиб чиқиб ўргатишни талаб қилмоқда.

Бу борада миллий ва жаҳон тажрибаси нима дейди?

Миллий тажрибамиз.

Миллий тарбиямизда ижтимоий малакалар масаласига жуда катта эътибор берилган. Гўзал хулқларни ота-она, тарбиячи боланинг илк ёшларидан ўргатиб бориш болани тарбиялашнинг энг мақтовга сазовор, таҳсинга лойиқ, яхшиларга муносиб, шоён иш эканлиги ҳақида:

**Улча эрур тифлга шойиста иш,
Балки, кичикликда эрур парвариш.**

деб ёзган эди сўз мулкининг султони Алишер Навоий.

“Бу дунёда кўзлар унингдек нотикни, унингдек зук-ко ва оқилни кўрмаган”, деб таърифланувчи Имом Ғаззолий муомалани биргаликда гўзал ҳаёт кечириш, гўзал хулқлилик, ростгўйлик ва ихлосни ўргатувчи илм деб атаган. Мақтанчоқлик, нонкўрлик, ҳақни қабул қилмаслик, лаганбардорлик, сергаплик, одамлар учун зийнатланиш, макр, хиёнат, йўқотган молига афеусланиш, бойлигидан кувониш, кўполлик, ҳаё ва марҳаматнинг камлиги каби салбий одатларнинг сабаб ва оқибатларини тушунтиради¹⁸, дейди аллома.

Юртимизда Х асрларда ҳам бола 15 ёшга етгач, устози ҳамроҳлигида ота-она ва аҳли жамоа орасида амалий синовдан ўтказилган. Бу қорахонийлар ва ғазнавийлар давридан то яқин ўтмишимизгача қадар давом этган.

“Тарбия икки даврда босқичма-босқич бўлади. Бири болани ёшлигида **одатлантириш** билан, иккинчиси катта бўлганда **панд-насихат** билан. Биринчи босқич иккинчи босқич муваффақияти учун замин яратади”, деган эди Имом Абулҳасан ал-Мовардий. Эътибор беринг, кичиклигида – одатлантириш, катта бўлгач, панд-насихат.

“Болам ақли кириб, гапни тушунадиган бўлганда тарбиясини бошлайман”, деганлар, янглишадилар. Инсон умри давомида хоҳ яхши, хоҳ ёмон хулқни **беш ёшгача** олиб бўлади”, деган экан Ҳакимул уммат Ашраф али Таҳонавий¹⁹.

¹⁸ Ғаззолий, Абу Ҳомид. “Мукошафат – ул қулуб.1 китоб. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2004. 315 б. 3-5 б.б.

¹⁹ Тарбия ўчоғи. Ж.Холмўминов. “Кўкалдош” ўрта махсус ислом

Жадидлар ҳам ўзлари очган мактабларда битирувчиларнинг малакалари шу тариқа элу юрт гувоҳлигида имтиҳондан ўтказганлар. Қизларга уй тутиш, ясан-тусан, яхши ва ёмон хулқлар, овқат тайёрлаш, қўл ҳунаrlари(бичиш-тикиш, тўқиш ва бошқалар), меҳмонга борганда ва меҳмон кутганда ўзини қандай тутиш, оиладаги эр-хотин муносабатлари, гигиена қоидалари, қариндошлар ва ҳатто хизматкорлар билан қандай муносабатда бўлиш қонун-қоидалари ўргатилгани педагог олима М.Иноятова томонидан тадқиқ қилинган²⁰.

Хориж тажрибаси.

Дунё университетлари рейтингида биринчи ўринни эгаллаб келаётган Гарвард университети “Инсоннинг 12 асосий малакалари”ни эълон қилди. Унда ҳозирги замонда одамни бахтли қилувчи 12 та кўникма ва малака асосланган. Булар:

- Ўз ҳаётидаги муаммоларни бировнинг ёрдами-сиз, мустақил аниқлай олиш;
- Савол бера олиш ва жамиятда қабул қилинган тафаккур стратегиясига ўз муносабатини билдира олиш;
- Чексиз маълумотлар оқимидан энг муҳимларини тез ажратиб, ўзлаштириб олиш;
- Устознинг кўмагисиз, командада ишлай олиш;
- Мутлақо мустақил ишлай олиш;
- Бошқаларни ўз нуқтаи назарига ишонтира, инонтира олиш ва ўз фикрини ҳимоя қила олиш;
- Маълумотларни янги шаклларга мослаштириб, улардан фойдаланишнинг янги йўллари топа олиш;

билим юрти мударриси.

²⁰ Иноятова М. Таълимий кадриятларни аниқлаш ва педагогик амалиётган татбиқ этиш. “SHarq” Нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. –Тошкент, 2010. -156 б. 120-б.

- Асосий мавзудан четга чиқмай, конструктив мунозара қила олиш;
- Индуктив, дедуктив ва диалектик фикрлай олиш;
- Муаммоларни эвристик методлар билан еча олишдан иборат²¹.

Ўзбекистонда XX асргача маҳаллаларни аълам, мухтасиб, раислар бошқаришган. Улар бозордаги нарх-наволарни текшириш билан бирга одамларнинг хулқ-атворини, вақт-бевақт кўча-кўйда бекор юрувчи эркагу аёлни, айниқса, мактаб ва мадраса ёшидаги йи-гитларни назорат қилиб туришган ҳатто жазолашган ҳам. Шу йўл билан мамлакатда ижтимоий маънавий муҳитнинг соғломлиги таъминланган. Юқоридаги тарихий мисоллар тарбия масаласи аجدодларимиз томонидан яхши одатлар ҳақидаги билимлар эмас, балки амалий ижтимоий турмуш малакалари сифатида – амалий тушунилганлигини кўрсатади.

Ушбу рисола ана шу муаммони ҳал қилишга қаратилган илк услубий қўлланма ҳисобланади. Унда ривожланган давлатларнинг 5-7 ёшли болаларда шакллантирилаётган ижтимоий кўникма, малака ва одатларни ўрганиш мақсадида олиб борган тажрибаларини ўрганиш натижасида Ўзбекистон болаларида шакллантириш талаб этилаётган ижтимоий малакалар рўйхати тузилди. Ушбу рўйхатда мактабга боришга тайёрланаётган болалар дуч келиши мумкин бўлган коммуникатив, руҳий ҳолатлар, тушқунликка қарши кураш, агрессияни енгиш, ўқув масканига мослашиш каби 45 та кўникма, малакалар 5 гуруҳга жамланган.

Ижтимоий малакалар ота-она, тарбиячилар учун мактабгача ёшдаги боланинг мавжуд хулқ-атвор намуналарини ундан кутилаётган хулқ-атвор меъёрлари

21 <https://a-club.com.ua/12-bazovyx-navykov-cheloveka/>

билан солиштириш ва такомиллаштиришга методик ёрдам бериш мақсадида тайёрланди.

Яқинда Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳақимов Ўзбекистонда 2016-2017 йилларда мактаб ўқувчилари ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар сони 418 тадан 435 тага, ўз жонига қасд қилиш (суицид) ҳолатлари эса 151 тадан 174 тага кўпайганлигини маълум қилди (@daryo_live). Мана шу аламли рақамлар мактабларимизда маънавий-ахлоқий тарбиянинг адолатли баҳоси бўлди. Танқид қилиш осон, енг шимариб, камчиликларни тузатиш қийин. Камчиликларни тузатиш уларнинг сабабларини аниқлашдан бошланади. Хўш, ҳуқуқбузарликнинг 17 тага эмас, 418 тадан 435 тага, суициднинг 23 тага эмас, 151 тадан 174 тага кўпайгани бу мактабларда маънавий-ахлоқий тарбияга индивидуал ёндашувнинг баҳоси. Одамни ўзгартирувчи куч – ғоя мавҳум эмас, реал нарсас. У ҳар бир нафасимизда биз билан бирга юради. Қабул қилаётган қарорларимизда намоён бўлади. Шундай пайтда бир ҳарбий ҳикмат эсга тушади: “Жанговар тайёргарлик – яхши, муҳим, лекин аскарнинг ўқни қаёққа қараб отишини ғоявий тайёргарлик ҳал қилади”. Бу эса вояга етмаган ёшларни ҳар хил жинойт кўчасига кириб қолишини олдини олишда маънавият тушунчасига алоҳида, махсус ёндашишни талаб қилади. Юқоридаги хулосалар ҳам маънавияти юксак ва маънавияти ожиз одамлар қандай бўлишини, юксак маънавият – енгилмас кучлигини исботлаб туради. Маънавият – ҳар бир ўғил-қиз хулқининг нозири эканлигини кўрсатиб туради.

ФАЗИЛАТ ҚАНДАЙ ТАРБИЯЛАНАДИ?

Яқинда “Ўзбекистон овози” газетасида бир маълумот берилди. Унда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши томонидан ўтказилган матбуот анжумани материаллари эълон қилинди. Кенгаш раисининг ўша даврдаги ўринбосари Азим Мирзажонов маҳалла тузилмасининг хайрли фаолияти, минглаб оилавий муаммолар ҳал қилинганини айтган. Маълумотларга кўра “2017 йилда яраштирув комиссияларига 85708 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 57448 таси эр-хотин, 11142 таси қариндошлар, 11261 таси эса кўни-қўшнилари ўртасидаги ўзаро келишмовчиликларга оид” эканлиги қайд қилинди²². Комиссия аралашуви ва олиб борилган тадбирлар туфайли 42837 та оиладаги муносабатлар яхшиланган.

Ота-боболаримиз одам қандай бўлиши керак, деган саволларга жавоб бериб ўтишди. Юксак ахлоқли одамларга хос фазилатларни бизнинг боболардек кўп ва хўп айтган, ёзган боболар бормикин? Лекин авлодларда улар айтган ахлоқни кўрмаяпмиз. Нега? Чунки бир авлод тажрибасини, ўғитлари кейинги авлодга ўтишининг ягона йўли – тарбия. Агар илгари одамлар яхши, меҳр-оқибатли эдилар, деб хўрсинсак, бунинг сабабига ёшлар эмас, кексалар, ота-оналар эмас, тарбия айбдор. Чунки болаларимиз туғилганида “оқ қоғоз” ёки “тирик видеокамера” бўлишади.

²² Эрта никоҳларнинг олди олинayптими?... //Ўзбекистон овози, 2018 йил 11 март.

Нимани тушунтирсак – тушунишга, нимани кўр-

сатсак – кўришга, нимани ўргатсак – ўрганишга тай-ёр бўлишади. Демак, ёшларни эмас, ўзимизни танқид қилишимиз керак эмасми?! Демак, ота-оналар боқувчи эмас, мураббийларга айланишса, муаммо ечилади. 25 йилда ролларимиз алмашади. Бугунги боқувчилар – бизлар боқилувчиларга, бугунги боқилувчилар – болаларимиз боқувчиларга айланишади. Демак, тарбияга бугунги эътиборимиз 25 йилдан кейинги ҳаётимизга ўз шахсий келажагимизга эътиборимиз экан. Келажак эса бугундан бошланади. Демак, болаларимиз бугун, 9 – 14 – 20 ёшига хос меҳр-оқибатни кўрсата боришлари керак. Кўрсатишаяптими? “Ҳа”, деган бўлсак, мураббийлигимиздан, “йўқ”, деган бўлсак, боқувчилигимиздан. “Ҳа”, деган бўлсак, тарбия илмини билиб, қўллаганимиздан, “йўқ”, деган бўлсак, билмаганимиз, қўлламаганимиздан.

Болаларимиз мактабни битиргач, физика, химия бўйича олган билимларини қўлласаяптими? Болаларимиз мактабни битиргач, олган тарбиясини ҳаётда қўлласаяптими? Қўллай оладиларми? Улар эгаллаган билим, кўникма ва малака, компетенциялар эртанги кунга қаратилганми? Ё кечага, бугунга қаратилганми? Бу савол ҳар биримиз – ҳар бир солиқ тўловчи, ота-она учун муҳим. Нафақат маънавий, балки молиявий томондан ҳам. Чунки давлат стандарт(талаб)ларида бугун бир боланинг биз истаган фуқаро, йигит-қиз бўлиб чиқиши учун нималарни билиши ва қила олиши аниқ белгилаб қўйилган. Бунинг учун 11 йил вақт, давлат томонидан бир боламиз учун қанча млн сўм сарфланмоқда.

Фазилат ҳақида энг кўп қилинидаган иш – гапириш, ёзиш, ўқиш. Педагогика – тарбия ҳақидаги ягона фан фазилатга қандай ёндашиши керак? Ёки фазилатнинг педагогик таърифи борми? Ё педагогика фалсафа, эти-

кани такрорлаши керакми? Йўқ, албатта. Фалсафа назарий фан. Шу сабабли фазилатга назарий қараши табиий. Лекин педагогика – амалиётга методика, технология ишлаб берувчи фан. Демак, педагогика фазилатни технологик тушуниши керак. Шундай экан, фазилат тарбиянинг технологик объекти, мақсади ва натижаси. Ҳар бир фазилат ижтимоий-педагогик билим, кўникма, малака, компетенция, одат даражаларида намоён бўлади. Демак,

1-даражада (билим) – ўқувчимиз фазилат мазмунини билади. (Эшитилади).

2-даражада (кўникма) – фазилатни қўллаб кўрган, бошқаларга қараб, қўшилиб, ўйлаб, эслаб, бажара олади. (Эшитилади, кўринади).

3-даража (малака) – фазилатни ўзи ўрганган (мактаб) шароитида мустақил, эркин, тўғри, тўлиқ бажара олади. (Эшитилади, кўринади).

4-даража (компетенция) – фазилатни ҳамма жойда (мактабда ҳам, кўча, маҳаллада ҳам) мустақил, эркин, тўғри, тўлиқ бажара олади. (Эшитилади, кўринади).

5-даража (одат) – фазилатни ҳамма жойда, мустақил, эркин, тўғри, тўлиқ, ўйламасдан, ижодий бажаради. (Эшитилади, кўринади).

Ватанпарварлик нима? Бу – аждодлар қони тўкилган, уларнинг хоклари ётган она ер, она Ватанга муҳаббат, садоқат, керак бўлса, жонини фидо қилиш ва ҳоказо таърифлар берилади. Бу таъриф ижтимоий-сиёсий, фалсафий, аксиологик маъноларда – умумий талқин, таъриф. Педагогика ушбу умумий ижтимоий-сиёсий, фалсафий тушунчани – натижага, уни шакллантиришни – аниқ ишга айлантириш, ватанпарварликни билимдан ҳаракатга айлантириши керак. Чунки у педагогика! Тарбия ҳақидаги ЯГОНА фан. Агарда педагогика ҳам юқоридаги ижтимоий-сиёсий, фалсафий таърифни такрорла-

са, у педагогика бўла олмайди. Политология, ижтимоий фалсафани такрорлаб, давлат, жамият олдигаги ўзининг касбий функцияларини бажара олмайди. Шу маънода ватанпарварлик деганда ҳар бир 18 ёшли йигит-қизда Ватанни тўғри севиш компетенциялари кластерига эгалликни таъминлаш, деб тушунишимиз керак. Қайси компетенциялар эканлиги бу кейинги масала бўлади.

Тарбия – гап(лар)ни ҳаракат(лар)га айлантиришга ўргатиши керак. Гапни кўзга “кўрсатиши” керак. Бунинг учун билимни-кўникмага, кўникмани – малакага – малакани – компетенцияга, компетенцияни – одатга айлантирувчи машқлар занжирини ишлаб чиқиш керак. Бу ўқувчи билимлари ҳаётга жорий қилинишига, билимларнинг кўникма ва компетенцияларга трансформациясига хизмат қилади.

Билимлар трансформацияси япон олимлари И. Нонака ва Х.Такеучиларнинг фикрича, бу – расмий ва норасмий билимларнинг шахслар орасидаги ижтимоий муносабатларда намоён бўлишидир²³.

Одам гапи билан ҳаракат қилади, ҳаракати билан гапиради. (Жимми Уотсондан иқтибос). Демак, одам гапираётганда билганларини айтаётган бўлади. Ҳаракат қилаётганида (билган) айтганларининг актёрига айланади (акт – ҳаракат; ёр - қилувчи). Демак, бизда назарий жиҳатдан одам билган барча фазилатларни актга, одамни актёрга айлантиришнинг 100% эҳтимоли, имконияти бор.

Лекин билмаган нарсасини гапира, айта олмайди. Демак, билмаган нарсасини акт, ҳаракатга айлантира олишнинг эҳтимол, имконияти – 0%. Демак, ҳар қан-

²³ Нонака И., Такеучи Х. Компания - создатель знания.- М.:ЗАО Олимп-Бизнес, 2003.science-bsea.narod.ru/2008/ekonom_2008/arabjan_sozdanie.htm

дай фазилат (кўриб, эшитиб, ўқиб олинган) билим асосига қурилади.

Билим назарий (Бу нима? Нега?) ва амалий (Қандай қилиб?) билимларга бўлинади. Амалий билим кўникма (Бундай қилиб?) билан боғланади. Кўникма (бундай қилиб) малака (яхшироқ қилиб) билан боғланади. Малака эса компетенция (ҳар қандай шароитда) билан боғланади. Ва ниҳоят компетенция – одат (ҳар доим, ҳамма жойда) билан боғланади.

Билим индивидуал хусусиятга эга. Масалан, “садоқат” тушунчаси “содиқлик” фазилатига асос. Лекин “Садоқат нима?” деб сўрасангиз:

Эргаш:

- Бу менимча, ватанни севиш.

Собир:

- Бу менимча, вафо.

Билол:

- Бу менимча, жонини фидо қилиш, деган ўз жавобларини беришди. Ана шу “менимча”лар фарқ қилади. Ишонмасангиз, сўраб кўринг. Ҳар бир одамнинг ўз жавоби бор. Бу ёмон эмас. Яхши ҳам эмас. Табиий. Чунки бир боланинг ҳаётини видеога олинг. Бошқа боланикига ўхшамайди. Ҳатто ака-ука, опа-сингилнинг ҳам. Чунки билим фақат ўқиб олинмайди. Кўриб, эшитиб ҳам одам билим олади. Бирор фандан ўқиб олинган билимлар назарий билимлар. Эшитиб, кўриб олинган билимлар амалий, ҳаётий билимлар. Демак, болаларнинг хулқи – уларнинг автоматлашган, ҳаракатлар лойиҳасига айланган билимлар. Гўзал хулқлар – тўғри, хунук хулқлар - нотўғри билимларнинг ҳаракатидир.

Одам билган нарсаларининг ҳаммасига ҳам амал қилмайди. Катталарга салом бериш, уларни ҳурмат қилиш, уларга хизмат қилиш, эрталаб тишини ювиш ке-

раклигини ҳамма билади. Лекин 20% одам (ихтиёрий) амал қилади.

2015 йил 14 октябрь куни Тошкент шаҳридаги бир лицейга кириш эшиги ёнида турдим, дейди бир педагог. “100 ўқувчини санайман. Нечтаси салом беришини аниқлаш учун”, дедим ўзимга ўзим. 100 кишидан 2 нафари салом берди. Уларнинг бири – ўқитувчи аёл, бири – лицей ўқувчиси – ўғил бола эди. 98 нафар ўқувчи шундай ёнларида турган ёши улуг бир кишига салом беришмади.

Нега? Уларнинг неча фоизи катталарга салом бериш кераклигини билишарди? 100%и. Нега 98% бола билганига амал қилмади? Гап бу ерда саломлашиш ҳақида эмас. Билим ва амал, сўз ва иш орасидаги фарқ ҳақида кетмоқда. Ватанни севиш, масъулият, меҳрибонликни ёшига мос билсин, ёшига мос қилсин. “Катта бўлса, билиб олади”, деган қараш ҳам бор. Нега ҳозир билиб олиши зарур бўлган нарсани кейинга қолдириш керак? Катта бўлганида бошқа нарсаларни билиб олиши керак бўлмайдими? Ота-оналарда мана шу нотўғри қараш кучли бўлгани учун “катталарга салом бериш”ни олий таълим муассасаларида ҳам ўргатаёلمиз. Ваҳоланки, бу болалар боғчасида ҳал қилиниши мумкин ва керак эди.

Тўғри билим – тўғри хулқ бўлиши керак эди-ку?! Бир кунда икки марта тишни ювиш кераклигини ҳамма билади, демак ҳамма ҳар куни икки марта тишини ювиши керак эди-ку?! Тўғри билимни тўғри ҳаракат, амалга айлантиришга болада нима тўсиқ бўлади? Ҳаловат ёки бошқа қизиқ машғулоти истаги. Агар амал қилиш ҳаловатидан амал қилмаслик ҳаловати ёки бошқа машғулоти истаги ортқ бўлса, одам билганига амал қилмайди. Иккинчидан, бугун тиш ювишдан келадиган ҳаловат – тиш оғриғидан холи бўлиш ҳаловати, соғлом тиш “кейин”

келадиган бўлса-ю, тиш ювмаслик ҳаловати “ҳозир ва шу ерда” бўлса, бу эринчоқликни пайдо қилади. Чунки ҳафсала зўриқиш, ўзини ҳеч нарсани ўйламаслик ҳаловатидан жудо қилади. “Кейин” бўладиган ҳаловат вақт, иш, ирода, зўриқишни, ақл ва жисмни ишлатишни - беҳаловатликни талаб қилади. Натижада шошиб яшайдиган бола вақтини тежаш, процедурани мия, қўл-оёқ ҳаракатларини қилмаслик – ҳаловат, оромни маъқул кўради. Ўзига ёқимли, қизиқ иш, машғулот, ўйинни танлайди. Чунки унда ҳаловат бор. Тиш ювишнинг ўн йилдан кейинги ҳаловати мавҳум. Узоқда. Буни у кўрмаган. 3 минутлик машаққати “ҳозир ва шу ерда”. Тарбия мана шу ерда керак. Яъни тарбия “ҳозир ва шу ерда”ги ҳаловатдан, “кейин, қаердадир” бўладиган ҳаловат устунлигига болани ишонтириш, инонтириши керак.

Демак, ҳар бир фазилатнинг одатга айланиши доим, ҳамма ерда кўриниши учун болада ирода, ҳафсалани ривожлантириш, машқ қилдириш керак. Чунки ёқимли нарсаларни қилиш учун ирода, ҳафсала керак эмас. Чунки ёқимли ишнинг жараёни, ўзи ёқимли. Натижаси эмас.

Масалан, 11 ёшли ўсмир ҳар куни 2 та чет тилидага сўзни ёдлашни танлайдими ёки интернет клубда экстрим ўйин ўйнашни танлайдими? Албатта, интернет клубнида, дейсиз. Тўғри. Сабаби аниқ. У “ҳозир ва шу ерда”ги ҳаловат, роҳатни танлайди. Агарда тарбия тўғри йўлга қўйилса, у кейинги, доимий ҳаловатни танларди. Тошкент шаҳар мактабларидан бирининг 4-синф ўқувчиси Билол техникага қизиқади. Унда ўйинчоқ автомобиллар коллекцияси бор. BMW автомашиналарига ишқибоз. Унга ота-онаси: «Сен инженер бўласан», деган бир улуғ орзуни сингдиришган. У катта бўлгач, Ўзбекистонда BMW заводи қурилишини ва у ерда инженер бўлиб ишлашни истайди. Бу ҳақда у Германияга

хат ёзди. Ўзининг янги лойиҳаларини илова қилди. Хатида халқаро Гёте институтида немис тилини ўрганаётганини, ҳар куни 2 та немисча сўз ўрганаётганини ёзди. Ота-онаси уни 10 йилдан кейин келадиган ҳаловатга ишонтиришди. Энди у ҳар куни 2 та немисча сўз ёдлаш машаққатини ҳар куни интернет клубга бориб, 2 соатдан ўйин ўйнаш ҳаловатидан устун қўймоқда. Ваҳоланки, BMW “кейин ва узоқда”, Интернет клуб эса “ҳозир ва шу ерда”. Тарбия ана шу “кейин ва узоқда”ги ҳаловатга ҳам, “ҳозир ва шу ерда”ги ҳаловатга ҳам бир хил йўналтириши керак. Бунинг учун зарур ишонтириш ва инонтириш, қизиқтириш, ирода ва ҳафсалани ўргатиши керак.

Тушунтириш орқали мотивация, истакни пайдо қилиш керак. Кейинги ҳаловат ҳақида билимлар бериш. Ҳозирги кичик ҳаловатлар катта ҳаловатлар ичида юзлаб борлигини кўрсатиши керак. Натижани ҳаловат тилида тушунтириши, кўрсатиши керак. Иқрор қилиши керак. Кейин бу йўлда кичик-кичик кўникмалар пайдо қилиш, рағбатлантириш, назорат қилиш керак бўлади.

Машҳур америкалик оратор, мотиватор, 40 йилдан ортиқ одамнинг тадбиркорлик, шахсий фазилатлари ҳамда инсон хулқининг асосий принциплари устида изланишлар олиб борган Жим Рон “Мотивация бу – бошлашга ёрдам берадиган нарса. Одат эса давом эттиришга ёрдам берадиган нарсадир”, деган эди.²⁴ Бола мақсадни мотивация қилиб олгач, боладан бунга эришиш учун нима қилмоқчи эканлигини сўраш керак. Кейин гапларини унинг ишларига айлантиришга киришиш керак. Чунки сизнинг ҳаракатлар версиянгиз сизга тушунарли. Унга эмас. Бола ўз фикрини айтаётганида ўзи қила оладиган ҳаракатларини тасаввур қилади.

²⁴ Джим Рон. Сокровищница мудрости. Успех, карьера, семья = The Treasury of Quotes. – М.: “Альпина Паблишер”, 2011. – С. 112.

У ўзига қулай, тушунарли, реал ҳаракат линиясини тузади. Ўзи қилажак ҳаракатлар лойиҳасини тасаввур қилади. Ўзига мослаб, созлаб тузади. У ўзини ҳаракат қилаётгандек тасаввур қилади. Кейин ўша – унинг тасаввуридаги ҳаракат, кўникма, билимлар линиясини ўз хулқига кўчиради. Тасаввуридан намуна олади. Рефлексия эса ана шу – унинг тасаввурини ҳосил қилиб, чизиб, кўрсатиб, асослаб беради. Сизнинг версиянгиздаги ҳаракатларни тасаввур қила олмайди. Чунки Сизнинг версиянгиз Сизнинг тажрибангиз, компетенция, малака, кўникма ва билимларингизга асосланади.

Кўплаб назарий педагогик масалаларга ечимлар одамлар орасида кўп айтиладиган иборалар, танбеҳларда бор. Масалан, “Айтганимни қилмадинг. Энди билганингни қил”. Бунда хулқнинг “А-айтганим” варианты билан “Б-билганинг” варианты орасида фарқ таъкидланмоқда. Демак, А вариант болага нотаниш. Унинг рефлексив ва амалий тажрибаси нуқтаи назаридан нотаниш, мавҳум. Нотаниш, мавҳум нарса эса қўрқув, ҳадик, иккиланишни уйғотади. Шунинг учун “Болам менинг айтганимни қилмайди. Билганидан қолмайди”, деб ёзғиришда чуқур, назарий, когнитив диссонанс бор. Когнитив консонансга эришиш учун аввало “А-хулқ” билан “Б-хулқ” лойиҳаларини сўраб, таҳлил қилиш, улар орасидаги фарқларни аниқлаш, оптимал ечимга келиш таклиф этилади.

ҲАР БИР ОТА-ОНА ПЕДАГОГ БЎЛИШИ КЕРАК

Тадқиқотларимиздан бирида 100 нафар ота-онадан “Сиз тарбия деганда нимани тушунасиз? деб сўрадик. Улар:

- Болани одобли қилиб катта қилиш;

- Болани ёнига олиб насихат қилиш;
- Болани яхши яшашга ўргатиш, деб жавоб беришди. Жавоблар одамни ўйга толдиради. Чунки улар “тарбиялаш”, деган сўз маъносининг 20-30%ини айтишяпти. Бу билан болаларини қандай тарбиялашаётганини айтиб беришяпти. Яъни 20-30% билим билан тарбиялашяпти.

Биз ҳар бир ота-онага мураббийлик учун тарбиянинг энг асосий, энг содда 3 методини билиши шарт, деб ҳисоблаймиз. Булар тушунтириш, кўрсатиш, ўргатиш. Бу усулларни қўллаш натижа билан тугаши керак. Яъни:

Ота-она	Ота-она (мураббий)	Бола	Ота-она ва бола
Нимани тушунтиришни билиш. Тушунтириш усулларини қўллаш малакаларига эгалик.	Тушунтириш	Тушуниш	Бола: тушунганини айтиб бериш, Ота-она: хато жойларини тузатиш, тўлдириш
Нимани кўрсатишни билиш. Кўрсатиш усулларини қўллаш малакаларига эгалик.	Кўрсатиш	Кўриш	Бола: кўрганини кўрсатиш. Ота-она: хато жойларини тузатиш, тўлдириш
Нимани ўргатишни билиш. Ўргатиш усулларини қўллаш малакаларига эгалик.	Ўргатиш	Ўрганиш	Бола: ўзи мустақил бажариш. Машқ қилиш. Ота-она: машқ қилдириш.

Боланинг маънавий эҳтиёжлари

Болада биологик эҳтиёжлар бўлишини ҳамма билади. Болада ихтиёрий эҳтиёжлар бўладими? Болада маънавий эҳтиёжлар бўладими? Бўлади. Ихтиёрий эҳтиёжлар – маънавий эҳтиёжлардир: Кенг уйда эмак-

лаётган болани уй бурчагига қўйинг. Уч киши уйнинг нариги четида бир хил узоқликда туриб, чакиринг. У қизиқ одамга эмаклаб боради. Хавфсиз вазиятда. Хавфли вазиятда кимдан ҳимоя олишига ишонса, ўшанга қараб эмаклайди. Фойдани у ҳали билмайди. Унда билиш эҳтиёжи бор. Бу эса маънавий эҳтиёждир. Демак, одамзодда пайдо бўладиган энг биринчи ихтиёрий эҳтиёж – маънавий эҳтиёждир.

Маънавий-маърифий соҳа ривожланган давлат тажрибасини ўрганиш ушбу соҳа таълим тизими ва оила билан уйғун фаолият кўрсатганини кўрамиз. Масалан, Америка ҳукумати қарорида мактаб “юксак ривожланган жамият ривожини белгилаб берувчи марказ” эканлиги белгилаб берилган²⁵.

Япония давлат бюджетининг харажат қисмида “Мактаб” сўзи ўрнига 1978 йилдан бошлаб “Мактаб, маданият, спорт” сўзлари киритилган. Бу бюджетдан нафақат мактаб, балки мактабдан ташқари таълим муассасалари (кутубхона, музейлар, ҳордиқ масканлари, спорт муассасалари ва ҳ.к.) лар билан бирга тушунилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса япон мактабларида ўқувчилар кундалик ҳаётининг марказига айлантирган²⁶.

АҚШда кенг тарқалган “жамоат тарбияси” масалага икки йўналишда ёндашади. Биринчидан, мактаб асосий педагогик ғоя ва хизматларни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи вазифасини бажаради. Натижада ўқувчиларнинг мактабда ўтказадиган вақтлари кўпаяди. Улар дарслардан кейин ҳам мактабда қолиб, қўшимча маслаҳатлар олишади, ҳордиқ чиқаришнинг

²⁵ Джуринский А.Н. “Сравнительная педагогика”. - М.: Академия, 1998.-С.88)

²⁶ Джуринский А.Н. “Сравнительная педагогика”. - М.: Академия, 1998.-С.160.

турли шаклларига жалб этилади. Иккинчидан, мактаб давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўқувчиларни тарбиялаш масаласига қаратилган саъйи-ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи марказга айланган. Бу эса болаларнинг педагогик тоза муҳитда яшашлари учун шароит яратади. Мактабдан ташқари тарбия ишларига маҳаллий кутубхоналар, музейлар, олий таълим муассасалари ҳам қўшилиб, турли туман таълим-тарбиявий дастурларни таклиф этадилар. АҚШда “Мактабга кўнгилли ёрдам” ассоциацияси мавжуд бўлиб, ўзининг бир миллиондан зиёд аъзосига эга. Улар мактабларда тўғараклар очиб, репетиторлик қилиб, ўқитувчиларга ёрдамчилик қилиб, ўқувчилар ижтимоий тарбиясига ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Шу тариқа АҚШ мактабларининг тарбиявий марказ сифатидаги педагогик таъсири нафақат ўқувчиларга, балки аҳолининг барча қатламларига етиб боради.

Тарбия бу - профилактика

Йўл ҳаракати авариялари нега содир бўлади? Ҳайдовчилар йўл белгиларини билмаганлари ёки билиб, амал қилмаганлари учун.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун огоҳлантирувчи, тақиқловчи, чекловчи, маълумот берувчи белгилар қўйилади. Масалан, “кескин бурилиш”, деган белгини ўша жойдан 200 метр олдинга қўйишади. Нега йўл белгилари хавф бор жойнинг ўзига эмас, ундан 200 м олдинга қўйилади? Чунки хатарли жойнинг ўзига қўйилса, бундан фойда бўлмайди. Бу қудукқа тушиб кетаётган одамни огоҳлантиришга ўхшайди. Кеч бўлади.

Афсуски, бизнинг ота-оналар бобо-бувилари қилган олдини олиш усулини - болаларининг ҳаёт йўлла-

рига огоҳлантирувчи, тақиқловчи, чекловчи, маълумот берувчи белгиларни олдиндан қўйиб боришмаяпти. “Бошига тушса, билиб олар”, дейишаяпти. Нар и борса: “Эҳтиёт бўл”, деб қўйишаяпти, холос. Натижада бола ҳаётнинг кескин, танг вазият, муволишларида шошиб, хато қилаяпти. Ота-она: “Кўзингга қарасанг бўлмайди-ми?”, деб уни уришаяпти. Оқибатда бу муаммо ота-она билан бола ўртасига совуқлик тушириб, иккинчи муаммони пайдо қилаяпти. Агарда ота-она боланинг ҳаёт йўлига ана шу хавфсизлик белгиларини олдиндан қўйиб, яхши-ёмон ҳаётий вазиятларга олдиндан тайёрлаганларида икки муаммо ҳам бўлмас эди. Демак, ҳақиқий тарбия, маърифат – профилактика! Эртага бола йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш!

Боламиз сигарет чекканида, ўғирлик қилганида ёки ёт оқим, “оммавий маданият”га чалинганида эмас, ундан анча олдин белги қўйишимиз керак. Бу, албатта, педагогик ирода меҳнатини, ҳафсалани талаб қилади. Чунки боламиз эртага ёки 10 кун, 3 ойдан сўнг қандай ҳаётий вазиятларга дуч келишини ҳеч ким билмайдик-ку. Нима қилмоқ керак? Ота-боболаримиз бу муаммони фазилатлар тарбияси билан ҳал қилишган. Мисол учун сергаклик, фаросатлилик, меҳнатсеварликка ўргатишган. Натижада бу фазилатлар соҳиби ҳамма жойда соғ-омон, хотиржам, фаровон яшаган, барака топган. Ўзини ҳам, ота-онасини ҳам бахтиёр қилган.

Зеро аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ишлар тизимини шакллантириш, ёшлар ҳамда аёллар ичида диний мутаассибликнинг тарқалиши, ақидапараст, экстремистик ва террористик оқимлар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш, бу иллатларга қарши курашишда жамият ва табиатдан нафас олаётган ҳар бир инсон маъсулдир.

Тинчликни сақлаш хушёрлик ва огоҳликни талаб этади. Афсуски, ҳаётимизда содир бўлаётган ноқонуний хатти-ҳаракатларни кўриб кўрмасликка оладиган, тинчликни сақлаш фақат давлатнинг иши деб ўйлайдиганлар ҳам борлигини қайд этиш лозим. Осойишталик фақат ҳарбий мудофаа эмас. Ватан оиладан бошланади. Оилада тинчлик бўлса, маҳалла, кишлоқ, шаҳар, вилоят ва ниҳоят мамлакатда осойишталик бўлади, юрт равнак топади. Фарзандларимизнинг илмий савиялари, касбу ҳунарлари билан ахлоқий фазилатларини ҳам ўстириб бориш керак. Шундай экан, ёш авлоднинг маърифий тарбиясида, уларда кучли мафкуравий иммунитет ва юқори маънавият шакллантиришда ўқув муассасалари, маҳалла ва оила ҳамжиҳатлигини таъминлаш бугунги кундаги долзарб вазифаларимиздан бўлиб қолади.

МАҲАЛЛА ВА ОИЛА – МАКТАБНИНГ ҲАМКОРЛАРИ

2018-2019 ўқув йили бошқача, инновацион бошланди. Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги барча вазирлик ва идоралар раҳбарларига 5 сентябрь куни ўзлари ўқиган мактабга бориб, янги ўқув йили бошланиши муносабати билан ўтказиладиган тадбирда иштирок этишларини сўраб мурожаат қилди. Аслида бу мурожаат бутун жамоатчиликка қаратилди. У собиқ мактаб битирувчиларига, уларни бошқа муваффақиятли синфдошларини ҳам мазкур таклифга жалб этишга, бунинг учун мурожаат ёзилган постни дўстларига улашиб, уларни тенг қилишга чорлади. Кўплаб катта-кичик раҳбарлар, тадбиркорлар, таниқли кишилар мактабларга бориб, ўз ҳаётидан мисоллар келтириб, мактаб, вақт қадрига етишга даъват қилиб, маъруза қи-

либ беришди. Бу суҳбатлар тарбиянинг намуна, ибрат усуллариининг янги форматдаги намоёйиши бўлди.

Мурожаатда олдинда турган энг зарур вазифалардан бири айтилди. Бу тарбиянинг қизиқтириш методини қўллаш орқали таълимнинг энг оғриқли бир муаммосини ҳал қилиш масаласи эди. Яъни “Мақтабларда муаммолар ва қилиниши керак бўлган ишлар жуда кўп, лекин энг асосийси, болаларимизни ўқишга чин дилдан қизиқтира олсак, энг катта натижага эришган бўламиз. Шунда улар қийинчиликларга қарамай ўзларни ўқишга интиладиган бўладилар”.

Мана, ўқитувчиларни, ички ишлар ходимларини, участка нозирлари, маҳаллани овора қилиб, “давомат”, деган муаммонинг тарбиявий сабаби ва ечими. Бу муаммонинг асосий сабабларидан бири – мактабда болаларни ўқишга, ўқув фанларига қизиқтирилмаслигида, иштиёқ уйғотилмаслигида, илҳомлантормаслигида эди. Чунки ўқувчиларнинг давомати билан ички ишлар ходимлари, маҳалла фаолларининг шуғулланиши тажрибада кўп учрамайди. Бола ўқишга астойдил қизиқтирилса, илмга ишқ қўйса, у бошқа ҳамма нарсанинг баҳридан ўтади. Қизиқмаган нарсаларидан қочиб, мактабга елади, югуради. Агарда бошқа нарсага астойдил қизиқса, мактабнинг баҳридан ўтиб, ўша томонга талпинади. Уни мажбур қилиб синфда ўтқазиб қўйиш мумкин. Лекин бундан таълимга наф бўлмайди. Унинг жисми синфда, хаёли уни қизиқтираётган бошқа нарсаларда бўлади.

Агарда биз болаларимизнинг қизиқишларини эгалласак, бас. Улар ҳатто “Бўлди, ўқима. Кўзинг оғрийди”, десак, биздан яшириб ўқийдилар. Агарда ўқитувчиларимиз педагогик маҳоратни ихлос билан, пухта эгалласалар, бундай мўъжизани ярата оладилар. Аслида бу мўъжиза эмас, оддий ҳол бўлиши керак. Чунки улар

ҳам, биз ҳам бизни ўқишга шайдо қилиб, қизиқтирган фидойи ўқитувчиларни – ҳақиқий УСТОЗларни кўрганмиз. Уларни ҳаммамиз меҳр-эҳтиром билан эслаймиз, йўқлаймиз.

Шунинг учун вазирликнинг болаларимизни ўқишга чин дилдан қизиқтира олсак, энг катта натижага эришган бўламиз, деган позицияси ота-оналарга катта умид бағишлади. Муҳтарам Президентимизнинг мактабга, ўқитувчилар меҳнатини қадрлашга қаратилган ғамхўрликларидан руҳланган, мактабдан ташқарида нопедагогик ишлардан озод бўлган ўқитувчиларимиз жону жаҳонларини фидо қилиб, ишончни оқлашга киришдилар.

Бу завқнинг боиси Президентимизнинг “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида бор. Фармонда халқ таълими тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан биринчиси этиб, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялаш, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ва интелектуал ривожланишини таъминлаш белгиланди.

Фармоннинг ҳар бир сўзи бизни кутаётган ўзгаришларнинг улкан бўй-бастидан дарак бериб туради. Сифат даражаси янги босқичга кўтарилади. Бунинг учун болаларимизни ҳар томонлама камол топтиришга қаратилган ҳар томонлама тарбия тизими йўлга қўйилади. Демак, тарбиядаги кечаги натижасизлик, мавҳумлик мактаблардан қувилади. Ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражаларидаги мавҳумлик ўрнини аниқлик эгаллайди. Яъни ҳар томонлама деган неча, қанча томонлама?, деган саволлар ўз жавобини топади.

Ҳар томонлама тарбия принципи шарофати билан

ҳар бир ота-она ўз ўғил ё кизининг қайси фазилатлари қандай ривожланаётганини билиб боради. Чунки энди ҳар бир ўқувчининг физика, она тили, биология, математикадан билимлари даражаси қандай аниқ бўлса, унинг маънавий олами ҳам, ундаги фазилатлар ҳам кузатилиб, ўрганилиб, аниқ қайд қилиб борилади: “7- синф ўқувчиларида “бир-бирини ҳурмат” даражаси ўтган чоракдагига нисбатан 11%га ошди”; “Вилоятимизда мактаб ўқувчиларининг мафкуравий иммунитетига даражаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12%га ошган ва ҳ.к. Мактаб ўқувчилари ҳуқуқдаги қайси камчиликлар қандай содир бўлганини педагогик диагностика орқали ўрганиб, аниқлаб, коррекциялаб, бартараф этилади.

Масалан, “4-синфда Ватан туйғусини ўз ҳуқуқда намоён қилувчи ўқувчилар сони 10%га ошди”; “Нима учун туман мактаблари ўқувчиларида масъулият ҳисси 87%га тушиб қолди?”, деган реал тарбиявий масалалар педагогик форумлар кун тартибига қўйилади. Ота-оналар мажлисларида илгариги пол бўёғига, байрам совғасига, синф пардасига, гулга, деган гаплар энди “наҳотки?”, деб, бош чайқаб, эсланади. Унутилади.

Биз кўпинча бир вилоят ёки шаҳар, тумандан чиққан бир-икки юлдуз ўқувчини кўз-кўз қилардик. Тадбирларда гуллар олиб, қувонч кўз ёшларимизни артардик. Энди ҳар бир ўқувчининг иқтидорини очиб, юлдуз қилиб чақнатиш мумкин бўлади. Чунки дунёда иқтидорсиз бола йўқ. Ҳар бир боланинг нимага иқтидори борлигига эътибор бермаган мактаблар бўлиши мумкин, холос. Энди мактабларимиз ҳар томонлама камол топган болалардан юлдузистон бўлади. Янги даражага кўтарилаётган халқ таълими тизими ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантириб, компетенцияларини текшириб кўриб, мустақил ҳаётга тайёр қилиб топшира-

ди. Чунки бунинг учун мисли кўрилмаган шароитлар яратиб берилмоқда.

Президентимиз Фармонида маънавий-ахлоқий тарбияга устуворлик берилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки маънавий-ахлоқий тарбия – стратегик масала. Яъни токи маънавият одамга йўлбошчилик қилмаса, у аввало чуқур билим, кўникма, малака, компетенцияларга эга бўлмайди. Мабодо эга бўлса ҳам, уларни Ватани, халқи бахтига ишлатиши гумон. Шунинг учун ҳам “Тарбияламай берилган билим – телбанинг қўлидаги қиличга ўхшайди”, дейдилар. Ёки “Билим ёмон одамнинг қўлига тушганидан кўра унинг йўқолиб кетгани яхши”, деган ўғитни ҳам донишмандларимиз айтиб кетишган. “Қаерда яхши тўлашса, ўша ер Ватан-да!”, дегувчилар ҳам яхши тарбия олмай, яхши билим олган мутахассислар орасидан чиқади. Натижада давлатнинг уни ўқитишга қилган миллионлаб инвестициялари роҳатини ўзга давлатлар кўриши мумкин. Афсуски, бунга мисоллар йўқ эмас

“Ишлаётган” тарбия

“Ёшига мос маънавий камолот” масаласи дунёнинг ривожланган мамлакатларида ижтимоий компетенцияларни ривожлантириш доирасида илмий асосда амалга оширилмоқда. Бироқ, тарбиявий компетенция масаласига етарли эътибор берилмай келди. Бунинг оқибатида ёшларимиз орасида жисмонан бақувват, бироқ маънавий ривожланишдан ортда қолиш ҳолатлари учради. Бунинг мисолини коллеж, институтларда талабаларга саломлаштишни, ўзини қаерда қандай тутишни ўргатишга қаратилган чора-тадбирларда кўриш мумкин. Бу бундан 5-10 йил олдин ўргатилиши зарур бўлган компетенциялар ўз вақтида шаклланмаганлигининг оқибати эди. Буни ҳар бир ўқувчига ижтимоий малакаларни синфма-синф, пе-

дагогик назорат остида ишончли ўргатиб бориш орқали ҳал қилиш мумкин. Ана шунда “ёшига мос баркамол” болаларимиз мактабни битириб, ҳаётга кириб кетишаётганида улардан кўнглимиз тўқ бўлади. Чунки эртага киши зарурат туғилса, Googlени шартта очиб, физика, ботаника, тарихдан билмаган нарсасини қидириб топиб, билиб олиши мумкин. Лекин тарбиядаги кечикишни тўлдириб бўлмайди. 18 ёшдан сўнг болани мактаб тарбияламайди. 18 ёшли ўспирин 12 ёшли бола маънавияти билан ҳаётга кириб кетса, ўзи борган жойга муаммоларни бошлаб боради. Ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам.

Сақич ўрамидаги “маърифат”

Тан касаллиги оғиздан, маънавий касаллик кўз, қулоқдан кириб, болаларни йўлдан оздиради. Маънавий касалликнинг иситмаси одамнинг ниятларида, айтган гапларида, қилиқларида ошкор бўла бошлайди. “Оммавий маданият” болани ўз кадрдонлари орасида ўзини ўзгача, бегонача тутишга ўргатиб, ота-боболарининг миллий урф-одат ва маънавий қадриятларига беписандликка ўргатмоқда. Чунки болаларимизнинг шундай бўлишларини истовчилар бор. Яъни “экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда. Мана шундай ва бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани аини ҳақиқат ва буни ҳеч ким инкор этолмайди²⁷.

XX асрнинг бошида Патрик Бьюкенен америкаликларни “Эвтаназия Европани чулғаб олди, энди

²⁷ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Асарлар1-жилд. Тошкент: “Ўзбекистон” 2017, 505 бет.

Америкага сирғалиб кираяпти”, деб огоҳлантирган эди ўзининг “Ғарбнинг ўлими” номли китобида. Мана, унинг фарёди: “Бу гедонистик қўшиқларни ким тўхта-тади? Бундай жозибали ўлим қўшиғини ёшларга қараб ҳамма – Голливуд, MTV, “қўпик опералар”, телекўрсатувлар, гламур журналлар, шоу бизнес, аёлларнинг ишқий ғийбатлари, миш-мишлари, бестселлерлар куйлаяпти. Ўқитувчидан тортиб диндоргача, ҳамма ўсмирларга “кондом” тутқазяпти. Бу аҳволда ота-оналарга қандай ёрдам берса бўлади?

Энди нима қилсак, Америка аёллари – оналари, момолари каби: “ювош эр, шаҳар атрофида ҳовли ва бир этак бола”ни қўмсайдилар? Бу шўрпешоналик “оммавий маданият” касофатидан бўлди. Чунки, “оммавий маданият” ўз кадриятлари иерархиясида шахвоний хирсни оналик бахтидан юқори қўяди. Аёллар журналлари, “қўпик опералар”, аёлларнинг ишқий романлари, прайм-тайм телекўрсатувлар – ҳаммасида карьера, секс, ёш жувоннинг мустақиллиги (ёлғизлиги) мадҳ этилмоқда”²⁸.

Америкалик ҳамкасбимиз, маънавиятшунос Бьюкененнинг бу фарёди ниманинг оқибати? Аввало, педагогик лоқайдликнинг. Кириб келаётган “оммавий маданият”га қараб аввал педагогик жамоатчиликнинг “Бу қанақаси?!”; кейин “Ҳар ким ўзи билади”; кейин “Нима қипти?!”; ҳозир эса “Нима қилиб қўйдик?!”, дегани эмасми? Бугун бу муносабатларнинг қайси бири бизга хос?

Кўпинча ёшлар боболар ҳикматини инкор қиладилар. Лекин барибир 50-60га етгач, “Боболаримиз нақадар доно, ақлли бўлишган-а?!”, дейишади. Ҳа, ёшлар

²⁸ Бьюкенен П.Ж. Смерть Запада. //Пер. с англ. А.Башкирова. –М.: Издательство АСТ. СПб. 2003. – с 26.

- ана шу ҳикматга қўшилиш учун бораётган йўловчилардир. Буни “оммавий маданият” саноатчилари яхши билишади. Шунинг учун улар ёшлар учун курашади. Маҳсулотларининг асосий харидори ҳам, ғоявий ҳужумининг асосий нишони – ёшлар, ўсмирлар.

Бир савол. Сақичдан қай мақсадларда фойдаланиш мумкин? Бу саволга “Сақич бўлганидан кейин чайналади-да!”, деймиз. Ана энди Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан экспертизадан ўтказилган сақич ўрамларидаги “беозор битик”лардан айримларини келтирамиз. Сақичлар Ўзбекистон болаларига мана бундай буйруқ ва топшириқларни олиб кирмоқда:

- *Қўлингдан келганича бақир, кейин, ўзингни ҳеч нарса содир бўлмагандек тут. Видеога олиб, уни “Twitter”га жойла.*

- *Куннинг қолган қисмини ялангоёқ сайр қилиб ўтказ. Расмларга ол.*

- *Сақич маркасини сочингга ёпиштириб, кейин қириб ташла.*

- *Сен қандай сўкинишни ёқтирасан? Сўкинганингни ёзиб, “Twitter”да қолдир.*

- *Қўлингдаги сақич ўрами устига ишқий сўз ёз. Ёнингдагига бер.*

- *Атрофингдаги одамлардан кимнинг шаҳвоний овози жозибалироқ?*

- *Шаҳвоний овозда ўзингга мос gif ярат ва инстраграмга жойла.*

Булар газетага ёзса бўладиганлари. Чиройли сақич ўрамларида флешмоб орқали ғоя тарқатиш, жинсий ахлоқсизлик ва тартиббузарликка чақиришлар ҳам бор. Эътибор берсак, “оммавий маданият” тарғиботи учун бир ўрам сақичнинг ғоявий фойдаси унинг иқтисодий фойдасидан ортиқлигини кўрамиз. Бунга асосий сабаб

– ёшларда уларнинг ўзларига зарарли маънавий эҳтиёжларнинг уйғотилаётганида. Бундай вазиятда Президентимиз айтганларидек, “авваламбор, “оммавий маданият” кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби бало-қазолардан ёшларимизни асраш, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак²⁹.

Ҳаётий компетенциялар зарурати

Жамиятда айрим ёшларимиз хулқида учраётган беқарорлик, уятчанлик, мустақил қарор қабул қилишдаги иккиланишлар, собитқадамликнинг суствлиги, иродавий сифатларнинг бўшлиги ана шу ижтимоий малакаларнинг ўргатилмаганини кўрсатади. Айрим ўғил-қизларимизнинг 18-20-30 ёшда ҳам ўзига эмас, ота-она, амаки-тоғасига ишониб яшашлари, масъулиятдан қочишлари учраб туради. Шунингдек, ўта тортинчоқ ёки қўполликлари, муомала маданиятининг пастлиги, келин-куёвликнинг маънавий бурчларини бажара олмаслиги уларнинг мустақил ҳаётга тайёр эмаслигини кўрсатмоқда. Бу эса ҳақли равишда кенг жамоатчилик муҳокамасининг, телевидение, газеталарнинг долзарб мавзуларига айланмоқда.

Халқ таълими вазири Шерзод Шерматовнинг интервьюларидан бирида мактабларимизда ханузгача XX аср дидактикаси амалда эканлигини танқид қилди. Яъни: “Шу вақтгача бизда амалда бўлган таълим стандартлари ўқувчи ахборотни кўпроқ эслаб қолишига мўлжалланган. Ҳозир XXI асрдамыз – ўқувчининг билимларини ахборотни қанчалик эслаб қола билишига қараб баҳо-

²⁹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Асарлар1-жилд. Тошкент: “Ўзбекистон” 2017, 89-бет.

ламаслигимиз керак. Чунки ахборот жуда кўп. Шу боис ўқувчини ўз устида ишлашга ўргатишга ҳаракат қилишимиз керак. Яъни, компетенцияга асосланган янги ўқув программасига ўтишимиз керак³⁰”, деди вазир.

Демак, болаларга дарсда факт, рақамларни ёдлатишдан воз кечилиб, уларга мустақил билим олиш, ўзини ўзи тарбиялаш ва йўналтириш ўргатилади. Бу туб янги ёндашув болаларимизга билимни қачон, қерда қандай қўллаб, ўз мақсадларига эришиб, бахтли бўлишни ўргатади. Ана шунда ўғил-қизларимиз дунё миқёсида тенгдошлари эгаллаган компетенцияларни эгаллай борадилар.

Масалан, дунё университетлари рейтингида биринчи ўринни эгаллаб келаётган Гарвард университети “Инсоннинг 12 асосий компетенциялари”ни эълон қилди. Унда ҳозирги замонда одамни бахтли қилувчи 12 та компетенция асосланган. Булар:

- Ўз ҳаётидаги муаммоларни бировнинг ёрдамисиз, мустақил аниқлай олиш;
- Савол бера олиш ва жамиятда қабул қилинган тафаккур стратегиясига ўз муносабатини билдира олиш;
- Чексиз маълумотлар оқимидан энг муҳимларини тез ажратиб, ўзлаштириб олиш;
- Устознинг кўмагисиз, командада ишлай олиш;
- Мутлақо мустақил ишлай олиш;
- Бошқаларни ўз нуқтаи назарига ишонтира, инонтира олиш ва ўз фикрини ҳимоя қила олиш;
- Маълумотларни янги шаклларга мослаштириб, улардан фойдаланишнинг янги йўллари топа олиш;
- Асосий мавзудан четга чиқмай, конструктив му-

³⁰ Шерзод Шерматов: “Болалар ёдламасин, фикрласин”/2018 йил август ойида телеканалларга берилган интервьюдан. https://t.me/farzand_uz/555. 12018 йил 8 август.

нозара қила олиш;

- Индуктив, дедуктив ва диалектик фикрлай олиш;
- Муаммоларни эвристик методлар билан еча олишдан иборат³¹.

Демак, тарбия мақсадларида ана шу компетенциялар ўз ўрнини топиши мақсадга мувофиқ бўлади. Болаларимиз мактабни битиргач, олган тарбиясини ҳаётда қўллашаяптими? Қўллай оладиларми? Улар эгаллаган билим, кўникма ва малака, компетенциялар уларни кутаётган реал ҳаётини вазиятларга қаратилганми? Ё кечага, ё бугунга қаратилганми? Бу савол ҳар биримиз – ҳар бир солиқ тўловчи, таълим хизмати истеъмолчиси бўлган ота-она учун муҳим. Нафақат маънавий, балки молиявий томондан ҳам. Чунки давлат стандарт (талаб)ларида бугун бир боланинг биз истаган фукаро, йигит– қиз бўлиб чиқиши учун нималарни билиши ва қила олиши аниқ белгилаб қўйилган. Бунинг учун вақт ва давлат томонидан ҳар бир бола учун миллионлаб сўм маблағ сарфланмоқда.

Оғзаки тарбия оқибатлари

Оғзаки тарбия нима? Биз болаларимизга яхши фазилатлар (меҳр-оқибатлилик, ватанпарварлик, дахлдорлик, масъулият, хушмуомалалик ва ҳ.к.) ҳақида кўп гапиримиз. Улар эса бизга гапириб беришади. Лекин телевидение, радио, газета, журнал, ижтимоий тармоқларда айнан шу фазилатлар (меҳр-оқибатлилик, ватанпарварлик, дахлдорлик, масъулият, хушмуомалалик ва ҳ.к.) камайиб бораётгани тобора кескин танқид қилинмоқда. Бунинг сабаби – оғзаки тарбияда. Амалий тарбия тизимли йўлга қўйилмаганлигида. Агарда оғзаки тарбия давом этаверса, одамларда сўз ва иш бирили-

³¹ <https://a-club.com.ua/12-bazovyx-navykov-cheloveka/>

ги бузилади. Айтган гаплари қилган ишларига тўғри келмайдиган одамлар кўпайиб кетиши мумкин.

Оғзаки тарбияланган ўғил-қизлар ҳаётда жуда қийналади. Кўп қоқилади. Бундай бўлмаслиги учун биз уларга паспорт билан бирга ташқарида уни ку-таётган ҳаётда мустақил(!) яшаб кетишнинг қафолатини ҳам беришимиз керак. Шу қафолатни биз бера-япмизми? Битирувчи ўғил-қизларимизнинг қўлида мактаб, коллеж берган гувоҳнома, касбий сертификат бор.

Физика, тарих, информатикадан баҳолари бор. Ле-кин “бошлаган ишини охирига етказиш”, “биров би-лан гаплашиш”, “билимни қўллаш”, “раҳбар билан иш юзасидан гаплашиш”, “бозор-ўчар қилиш”, “пулни тўғри ишлатиш”, “умр йўлдошини танлаш” ва бошқа мавзулар бўйича малакалари қандай? Буларсиз мус-тақил яшаб кетиш мумкинми?

Ҳаёт бозор. Ҳаётий талаб ва таклифлар бозори. Унга ёшларимиз қандай малакалари рўйхати билан кириб келишяпти? ХХІ асрда бахтли, муваффақиятли бўлиш учун болаларимиз мактабгача тарбия ёшида қандай малакалар, компетенцияларни эгаллаган бўлишлари керак? Бу савол – амалий тарбиянинг саволи. Чунки билим бўлса-ю, эгаси уни қандай қўллашни билмаса, билим ишлатилмайди. Ишлатилмаган билимнинг фой-даси бўладими? Йўқ. Яъни “ишлатилмайдиган (бор) билим” = “йўқ билим”.

Тарбия – гап(лар)ни ҳаракат(лар)га, хулққа айлан-тиришга ўргатиши керак. Бу ўқувчи билимларини ҳа-ётга жорий қилиниши, билимларнинг кўникма ва ком-петенцияларга трансформациясига хизмат қилади. Би-роқ, амалиётда бу борада йўл қўйилаётган хатолардан ташвишли рақамлар пайдо бўлмоқда.

Одамлар кўчада ўтиб кетаётган ўсмирнинг физикадан, тарих, информатикадан билимларига қизикмайдилар. Лекин “бошлаган ишини охирига етказиш”, “биров билан гаплашиш”, “бошқалар билан иш юзасидан гаплашиш”, “бозор-ўчар қилиш”, “пулни тўғри ишлаштиш”, “умр йўлдошини танлаш” ва бошқалар бўйича малакаларига синчковлик билан қарайдилар. Оғзаки тарбия олган болалар бу малакаларсиз мустақил яшаб кета олмайди.

Педагогик инновациялар керак

Биз инновацион ривожланиш йўлига ўтаяпмиз. Президентимизнинг **Инновация – келажак дегани**, деган фикрлари барча соҳанинг жонкуяр вакиллари изланишга чорламоқда. Бу эса ўзининг катта самараларини бера бошлади. Демак, мактабларнинг педагогик жамоаларида инновацион фикрлаш, ўйлаш, ижод қилиш табиий ҳолга айланиши зарур. Бунинг учун болалар боғчалари, мактаб, лицей, институтлардаги тарбиявий ишлар режасига “Инновацион тарбия” йўналишини жорий қилиш, изчил амалга ошириш керак.

Ана шу долзарб вазифа ва муаммодан келиб чиқиб, Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан уч босқичли “Ўзлуксиз маънавий тарбия” илмий-методик трилогия ишлаб чиқилмоқда. Мақсад - ҳар бир ўғил-қизни ўз ёшига мос маънавият соҳиби бўлиб етиштиришда ота-оналар ва тарбиячиларга маънавий-маърифий ёрдам бериш этиб белгиланган.

“Ўзлуксиз маънавий тарбия” трилогиясининг биринчи қисми 0-3 ёш оралиғи - гўдаклик ва илк болалик даврини; иккинчи қисми 3-7 ёш оралиғи - мактабгача таълим ва учинчи қисми 7-18 ёш оралиғи - мактаб даврини қамраб олади.

2018 йилда трилогиянинг биринчи китоби – “Ёш

ота-она китоби” нашрдан чиқди. Қўлланмада 0-3 ёшли гўдак болаларни парвариш қилиш ва маънавий тарбиялаш методлари ёритилган. Қўлланма хрестоматик хусусиятга эга бўлиб, рангли расмлар, ҳаётий мисоллар ва мутахассислар тавсиялари билан бойитилди.

Китобдан миллий тарбиямиз ҳамда жаҳоннинг ривожланган давлатлари Япония, Жанубий Корея, АҚШ, Франция, Голландия, Италияда болалар тарбияси ҳақидаги лавҳалар ўрин олган.

Китобнинг маърифий самарасини ошириш учун никоҳ тўй маросимларида ёш келин-куёвларга, туғруқхоналарда кўзи ёриган ҳар бир онага ҳадя қилиниши таклиф қилинади. Ёш ота-оналарнинг қўлланмадан самарали фойдаланишлари учун маҳаллардаги “Ота-оналар университет”лари ишини ушбу мақсадга йўналтириш таклиф қилинади.

Мактабни битирув маросимида ҳар бир битирувчи ўз халқи, Президенти, Ватани олдида ўз ҳаётини юксак маънавият асосида қуришга онт ичади. Бу эса ҳаётимизда учраётган ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, ажримлар, фирибгарлик, лоқайдлик, ёт ғояларга берилиш ва бошқа маънавий иллатларнинг олди олиншини маънавий кафолатлашга хизмат қилади.

САДОҚАТ ЭКИЛМАСА, ХИЁНАТ УНАДИ

Бугунги кунда дунёда ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун жуда катта куч, маблағ ва имкониятлар сафарбар этилаётгани, ёшларимизни ўзининг соғлом фикри, соғлом позициясига эга, Ватанга содиқ, фидойи, виждонли, диёнатли этиб тарбиялаш, аҳолининг айрим қатламлари ўртасида миллий қадриятларга беписандлик, эл-юрт тақдирига лоқайдлик, боқимандалик қай-

фиятлари кучайиб бораётгани тўғрисида ташвишли фикрлар билдирилди. Шу муносабат билан педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Қуронов билан суҳбат уюштирдик. Мавзуни Ватанга садоқатга бағишладик.

Суҳбатдош: Ҳаётда юксак инсоний фазилатлар ҳақида кўп гапирилади, ёзилади. “Жамият юксак маънавиятли бўлиши керак” билан “жамиятнинг бугунги маънавияти” орасида тафовут азалдан бор. Нега шундай?

М.Қуронов: Чунки камолотнинг чеки йўқ. Ана шу тафовут сабабларини илмий ўрганиш, ҳар бир авлодга тушунтириб бориш маърифат аҳлининг вазифаси бўлиб келган.

“Маънавият”нинг маъзи – маъно. Маъно сўзларда акс этади. Шунинг учун маънавият тил билан узвий боғлиқ. Тил – одамнинг иккинчи сигнал системаси. Яъни ҳар бир сўз – одам, нарсa, ҳаракат, ҳолнинг исми. Шунинг учун ҳар бир сўзни танлаб, синонимини эмас, ўзини ишлатамиз. Нимани кўраётган, нимани ўйлаётган, ҳис қилаётган бўлсак, ўшани ифодаловчи сўзни – номини топиб айтамыз. Мисол учун, “иссиқ” ўрнига “илиқ”, “жасур” ўрнига “мард”ни қўллаб кўрайлик. Бунда айтилган гапнинг аниқлиги, қиймати пасаяди. Шираси қочади. Чунки унда аслият эмас, унинг “ўрнини босувчи” ишлатилган бўлади.

Суҳбатдош: Жамиятда, ОАВда, ижтимоий тармоқларда қайси сўзлар “трендда” бўлса, бу – ўша сўзлар англатаётган масала долзарб экан, дегани. Масалан, “снос”, “бозор”, “ўзбекмисан”... Баъзи сўзларнинг кўп ишлатилиши бизни руҳлантирса, баъзилари долзарб муаммолардан “маънавий сигнал” бераётган бўлади. Шундай эмасми?

М.Қуронов: Ҳар бир замон, даврнинг ўз муаммолари бўлади. Уларни ҳал қилиш учун ёшларга давр талаб қилаётган долзарб фазилатлар маъносини тушунтириш керак. Шундай қилинмаса, билим, фазилатларнинг хулққа кўчиши кийин бўлади. Шунинг учун азалдан халқ раҳнамолари фуқаро, ёшларини Ватанга садоқатга даъват қилиб келишган. Чунки бугун кечагидек ўйласак, ишласак, кечагидек яшайверамиз. Биз кеча миллий тикланган бўлсак, энди миллий юксалиш фазасига кирдик. Юксалиш тикланишдан кўра кўп куч, энергияни талаб қилади.

Сухбатдош: Инсоннинг ватанпарварлиги бозор иқтисодиёти шароитида қандай бўлади? Ҳамма ўзи учун яшаса, меҳнат қилса...

М.Қуронов: Ватан – 33 миллион хужайрани, ўзида бирлаштирган тушунча. Тарихимиз ҳам, тақдиримиз ҳам шу Ватанда. Бир фарзанд сифатида Ватанга садоқатни бугун қандай тушунишимизга, унга қанчалик амал қилишимизга боғлиқ. “Биз бир оддий одам бўлсак, бизга қараб қолибдими? Бошқалар бор-ку,” деб, ўзини четга олиб турувчилар ҳам бўлган, бор. Бироқ, бу юмшоқ қилиб айтганда – лоқайдлик, бефарқлик, бегоналик. Лоқайд қанча кўп бўлса, содиқ ватанпарварлар елкаси шунча кўпроқ қаваради.

Сухбатдош: Бундай бўлмаслиги учун нима қилиш керак?

М.Қуронов: “Ватанга содиқлик нимада кўринади? Қандай намоёиш қилинади? Дилдами, тилдами, қўлдами, ишдами?”, деган саволга ҳар бир йигит-қизнинг ўз жавоби бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, садоқатни кинофильм, спектакль, китоблардан ҳаётга олиб чиқишимиз керак. Токи тўрт томонимизда ватаним, деб ўз соҳасида шижоат кўрсатаётган миллионлаб

йигит-қизларни кўрайлик. Акс ҳолда садоқат дилда, ё тилда қолиб кетиши мумкин.

Ватанга содиқлик — фазилят. Тарбия, маърифат ҳосиласи. Ватанга садоқат бугун биздан нималарни талаб қиляпти? Меҳр ва сафарбарликни. Амалий, натижали ишларни. Президентимиз иборалари билан айтганда “... жонажон Ватанимизга фарзандлик меҳримиз ва садоқатимизни сафарбар этишимиз керак³²”.

Суҳбатдош: “Садоқат” сўзини эшитганмизда кўҳна тарих, Соҳибқирон Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, жадид боболаримиз, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг жасоратлари гавдаланади. Бугунчи?

М.Қуронов: Улар ўз замонасида Ватаним, халқим учун, деб бор фарзандлик меҳри ва садоқатини сафарбар этишган. Бугун Ҳаракатлар стратегияси биздан садоқатнинг маъносини бугунги кун шиддатидан келиб чиқиб тушунишни талаб қилмоқда. Президентимиз халқимизнинг эртага эмас, ҳозир, бугун бахтли яшашини истайди. Бу биздан садоқатни ҳам эртага, келажакда ёки фавқулодда ҳолатда эмас, бугун, ҳозир, сафарбар этишни талаб қилмоқда.

“Сафарбар садоқат”нинг бугунги талаблари, риояси қандай? Буни англаш учун “Ватанга содиқ инсон” қандай бўлиши керак? Ватан биздек ўғил-қизларидан ёлчиши учун биз амалда нималарни қилиш ё қилмаслик керак? Ёки нега байроғимизни, ундаги мовий ранг — садоқат тимсолини бошимиздан ҳам баланд тутамиз?”, деган саволларга жавобларимиз бўлиши керак.

Суҳбатдош: Садоқат ўзи нима?

М.Қуронов: Масалага илмий ёндашмасак, адаша-

32 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси нуткидан. 22.12.2017. <http://prezident.uz/uz/lists/view/1371>

миз. Садоқат баландпарвоз сўз бўлиб қолаверади. Садоқат нима? Илмий адабиётларда унга – одамнинг қудрати, унга таъсир қиладиган воқеа, ташқи ёки ички омиллар, алдовлар қаршилигига дош берувчи ички “умуртқаси”нинг кучи; одамнинг ўзи айтаётган сўзлари, позицияси, ёндашуви ҳақлигига қаттиқ ишониши, дейилади.

Садоқат одамнинг Ватани, унга ишонган, уни севган кишилари олдидаги бурчини англашидан келиб чиқувчи фидойилиги, жавонмардлиги. Унинг маъноси “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да дўстлик, бирдамлик, самимийлик; чин қалбдан берилганлик; содиқлик, вафодорлик деган сўзларда очиб берилган.

Шояд болам шундай бўлса, деб Содик, Сиддик, Садоқат, Сиддиқа, Муҳаммад Содик деган исмлар қўяди боласига ўзбек. Халқ шоири Эркин Воҳидов садоқатни **“Ўғлон оқил, мард бўлгин, Мардлик – элга садоқат”**, яъни оқиллик ва мардликнинг йиғиндиси деган эди.

Сухбатдош: Садоқат – синовга ҳам ўхшайди. Унинг синовларидан ўтиш ҳам осон эмас. Шундай эмасми?

М.Қуროнов: Садоқат – кучли характер белгиси. У одамдан ўз бурчини оқлаш учун тўсиқ ва қийинчиликлардан чекинмасликни, тоймасликни, қайтмасликни, уларни мардона, чидам билан бартараф қилишни, ўзини қийнашни талаб қилади. Садоқат йўлидан бораётган мард йигит-қизга ҳар хил чалғитувчи манфаат, енгиллик, алдовлар ишва қилиб, “Ўзингизни қийнаб нима қиласиз. Ҳамма шундай қилади-ку. Ўзингизни ўйласангиз-чи?”, дейди. Лекин содиқ йигит, сиддиқа қиз бу алдовларга учмайди. Қанча қийин бўлмасин, унга ишониб топширилган ишончни оқлаб, натижага эришишда собит бўлади.

Катта ишонч катта садоқатни талаб қилади. Уни оқлаш учун одамдаги барча яхши фазилатлар оёққа туради, ишга тушади. Садоқат одамнинг юзини ёруғ қилади, унинг ўзига ишончи, ҳурматини оширади. Одамлар олдида тутган ўрни, қадр-қиммати мустаҳкамланади. Бошқаларнинг унга ҳурмати, дўстлиги, муҳаббати ошади.

Садоқат тушунчасининг мазмун-моҳияти Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги "... жонажон Ватанимизга фарзандлик меҳримиз ва садоқатимизни сафарбар этишимиз керак", деган амалий мазмун билан бойитилди. Энг муҳими – садоқатли бўлиш учун нима қилмаслик кераклиги аниқ-тиниқ очиб берилди: "Ўзимиз ўзимизга хиёнат қилмасак, ўзимиз ўзимизни алдамасак, ҳалол-пок бўлиб меҳнат қилсак, мен аминман, кўзлаган барча марраларимизга, албатта, етамиз...".

Сўхбатдош: Худди шу маънони кучайтирувчи "Ҳар куни ўзимизга ўзимиз "Мен эгаллаб турган вазифамга муносибманми?", деган саволни бериб яшашга даъват қилганлари ҳам ёдимизда.

М.Қуронов: Бу бежиз эмас-да. Бу савол ҳар куни эгасининг виждонини поклайди. Гап шундаки, ҳар бир кишида Ватанга садоқатнинг у ёки бу даражаси бор. Гап ана шу садоқатни ошириб, ўзини ҳар куни, ўз иш жойида сафарбар этишда. Барча соҳаларда Ватанга садоқатни намоён қилиш учун имкониятлар кўп. Лекин айрим ёшларимиз буни қачон, қаерда ва қандай намоён қилишни билишмайди. Улар буни қандайдир фавқуллоддаги вазиятларда намоён бўлади, деб ўйлашади. Куч, ғайрати бор, аммо уни қаерга сарфлашни билмайдиган кишидек.

Президентимиз асарларида бу муаммонинг ечими

кўрсатиб берилди. Буни **фазилатларга соҳавий ёндашув методологияси** дейиш мумкин. Бу методология, агар ватанга садоқат фазилати мисолида айтсак, ҳар бир кишининг Ватанига садоқатини ўз соҳасида, ўзининг ҳалол, шижоатли, натижали меҳнати, хизмати билан намоён қилишини очиб беради. Агарда биз ана шу методологияга таянсак, Ватанга садоқат баландпарвоз сўз бўлиб қолмайди. Ҳар куни, ҳамма жойда намоён бўлиб, кўринаверади, дегани.

Сухбатдош: Ватанга садоқат давлат хизмати билан боғлиқ тушунчами?

М.Қуროнов: “Фазилатларга соҳавий ёндашув методологияси”нинг аниқлиги, амалий ва ҳаётийлиги ҳам шунда-да! Чунки унда “устоз-шогирд садоқати”ни Имом Бухорий билан Исо Термизий муносабатларида, “тадбиркор садоқати”ни “олийжаноб халқимизга хизмат қилиш”да, “ҳарбийлар садоқати”ни “мардлик ва жасорат”да, “зиёли садоқати”ни илм-фанни ривожлантириш, миллатимизнинг ақл кўзини очиш” функцияларида эканлиги очиб берилган.

Ўқитувчи-мураббийларнинг Ватанга садоқатининг бош жиҳати “ёшларимиз қалби ва онгига она Ватанга садоқат туйғусини сингдириш”да эканлиги очиб берилди. “Бунга тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан” эришилиши аниқлаб берилди.

Сухбатдош: Демак, садоқатнинг зидди – хиёнат ҳам соҳавий хусусиятга эга экан-да!?

М.Қуროнов: Албатта. Таълим соҳасида хиёнатнинг нималарга олиб келишига бир мисол. Дунёнинг халқаро аккредитациясига эга, қадимий университетларидан бири Unisaga кираверишда мана бу ёзувни ўқийсиз:

“Миллатни йўқ қилиш учун атом бомбаси ёки узоқ радиусга учувчи ракеталарни ташлаш шарт эмас. Таъ-

лим сифатини пасайтириб, ўқувчиларнинг ёлғон гапиришига рухсат берилса, бас. Ана шунда:

Бундай врачлар қўлидан касаллар ўлим топади.

Бундай инженерлар дастидан бинолар қулайди.

Бундай иқтисодчи-бухгалтерлар дастидан пуллар йўқ бўлиб кетади.

Бундай дин олимлари дастидан инсоният ўлимга юз тутади.

Бундай юрист ва судьялар дастидан адолат йўқолади.

Бундай қонуншунослар дастидан бошқарув йўқолади.

Таълим инқирози – миллат инқирозидир”³³.

Сўхбатдош: Президентимиз томонидан садоқат фазилатига алоҳида эътибор қаратилиши маънавиятни ҳаёт билан боғлаш йўлини кўрсатиб берди. Шундай эмасми?

М.Қуронов: Тўғри. Бугун биздан меҳнатда, ишда ўз бурчига садоқат талаб этилмоқда. Бу – ҳар биримизга ҳар куни берилаётган имконият. Масалан, спортчи ёшларимизнинг Ватанга садоқати уларнинг ғалабалаарида қувонтираётир. Айни вақтда ёшларимизга ибрат бўлиб, уларда Ватанга садоқатни тарбияламоқда.

Ватанга садоқат нафақат спорт, балки интеллектуал кураш майдонларида ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон Миллий университетининг математика факультети талабаси Ҳакимбой Эгамберганов бунинг яққол намунасини кўрсатди. У қаторасига уч йил – 2014, 2015, 2016 йилларда математика бўйича чет мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро фан олимпиадаларида олтин медални қўлга киритди ва Президентимизнинг “...Шундай билимли, баркамол, Ватанга садоқатли фарзандларимиз қанча кўпайса, Ўзбекистоннинг келажаги шунчалик буюк бў-

³³ <https://ok.ru/vaynah9506/topic/66735462673345>

лиши муқаррар³⁴», деган эътирофига муяссар бўлди.

Сухбатдош: Садоқат, деганда ўзбек аёли кўпларга ибрат бўла олади. Шундай эмасми?

М.Қуронов: Ўзбек аёли азалдан садоқат рамзи бўлиб келади. Оиламиз чароғонлиги хотин-қизларимиз садоқатидан. Кўпинча буни қадрига етмаймиз-да. Эътибор қилмаймиз. Ваҳоланки, дунёдаги энг буюк санъат асарлари, қўшиқ ва қасидалар, қасрлар сиддиқа аёлларга бағишланган.

Бу фикрни қадимий ривоятлар тасдиқлаб туради:

Бир шаҳарни ёв босиб, ҳаммани асир қилади. Душман лашкарбошиси шаҳар аҳлини бир майдонга тўплаб, “Мен шаҳарнинг хотин-қизларини асирликдан озод қилмоқчиман. Эртага тонгда хотин-қизлар ўзлари кўтара олгунича нарсаларини олиб, чиқиб кетишсин”, дейди.

Тонгда лашкарбоши шаҳар дарвозаси олдига келади. Манзарани кўриб, ларзага тушади. Чунки шаҳар дарвозасидан бувилар, аёллар, ўсмир қизлар ўзларининг нозик елкаларида ота, ака-укаларини, севган йигитларини, эри, ўғилларини орқалаб чиқиб кетишарди. Хотин-қизларнинг садоқати туфайли шаҳарда битта ҳам асир қолмайди.

Сухбатдош: Баъзилар садоқатни сўзда қилса ҳам бўлади, деб ўйлашади. Лаганбардорлик, кўзбўямачилик, юзакичиликни “бўяб”, садоқатга ўхшатишга ҳаракат қилишади. Нега шундай қилишади?

М.Қуронов: Бу Ватанга, халқимизга садоқат билан хизмат қилишдек мардона тамойилимизга зид. Бу ҳақда ижтимоий тармоқларда давлатимиз раҳбарининг

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи. 14.10.2017. <http://prezident.uz/uz/lists/view/1147>

танқидий муносабатлари билдирилиб борилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 13 апрель куни Сирдарё вилояти Сайхунобод туманида вилоят фаоллари иштирокида ўтказилган видеоселектор йиғилишда “мақтов ва қарсакбозлик даври тугагани”, энди “садоқат билан ишлаш” зарурлигини яна бир марта таъкидлади: “Мен девор ортида нима борлигини, Ўзбекистонда қайси кўча супурилгани ё ободлигини жуда яхши биламан. Бир нарсани айтмоқчиман: йўлни супурганингиз билан ҳеч нима ўзгармайди. Одамлар раҳмат демайди, лаънат айтади. Бизни дўстларимиз ҳам кўп, душманларимиз ҳам. Сиз (маҳаллий ҳокимият раҳбарлари) мана шу ишларингиз билан душманларнинг тегирмонига сув қуймоқдасиз. Бутун вилоятлар ва туманлар раҳбарлари, мана шуни билиб олинг³⁵, деган фикрлари жамоатчилик орасида кенг акс садо берди.

Одам боласи қиладиган жиноятларнинг энг оғири – Ватанга хиёнат бўлса, демак, энг шарафли иш – Ватанга садоқат. Чунки Ватан ичида халқ бор.

Садоқатнинг формуласи бўлса, у “Аввал Ватан, кейин мен”, деган ифода бўларди. Хиёнатники эса кўп бўларди: “Аввал мен – кейин Ватан” ёки “Така бўлсин, сут берсин” ёки “Тирикчиликнинг айби йўқ”, дерди. Хиёнат ана шундай характерсиз, номард, беқарор, дунёқараши бузук, “умуртқасиз”, субутсиз, тутруксиз, манфаатпараст, бойлик ёки амалга ўч, худбин, қўрқок кишилар томонидан содир қилинади.

Сўхбатдош: Мумкин бўлса, мана шу фикрга батафсил тўхталсангиз.....

³⁵ Шавкат Мирзиёев: “Раҳбар ўқитувчи, шифокор ёки талабаларни ободонлаштиришга жалб қилса, жазо жуда қаттиқ бўлади”// Kun.uz. 2018 йил 14 апрель.

М.Қуронов: Одам қийин вазиятга тушганида уч йўлдан бирини тутати. Курашиб, муаммони ҳал қилиш, индамай ташлаб қўйиш ва муаммодан қочиш. Ана шу лаҳзаларда шайтон хиёнатга адвокатлик қилади. Ношукрликка, ўз зиммасига олган бурчни қўрқув ёки масъулиятини бўйнига олишдан қочишга аврайди. Дарсни сифатсиз ўтиш, таъмирни номига қилиш, ишга кеч келиб, эрта кетиш, ўзи қўл қўйган шартнома шартларини бузиш, солиқдан қочиш (яшириш), тарозидан, литрдан уриб қолиш, думба деб чарви солиш, жиноятни яшириш, қарз олиб кеч қайтариш ёки бермаслик, ёлғон ҳисобот бериш, туманда ҳал бўладиган ишни ҳал қилмаслик, мансаб ваколатини ошириш, кўзбўямачилик, соғни бемор, беморни соғ деб маълумотлар бериш. Устозлик, қурувчилик, ходимлик, ҳамкорлик, дўстлик, хизмат бурчи, касбий, функционал вазифа, хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзига билдирилган ишончлар оқланмай қолади.

Ҳар биримиз ҳар куни ўз қарорларимизни қабул қиламиз. Бу қарор, ғоялар ҳозир ёки эртага қиладиган иш-ҳаракат, ҳуққимизнинг лойиҳалари. “Ҳаракат (старт)”, деган тугма босилганида улар ишга тушади. Ишга, натижага айланади.

Суҳбатдош: Ёшларимизни хиёнат иллатидан қандай ҳимоя қилиш мумкин?

М.Қуронов: Одам болаликдан кичик-кичик “садоқат-хиёнат”ларни кўриб улғаяди. Масалан, ота ё она боласига бирор нарсани ваъда бериб, бажармайди. Бир гапни ўз вақтида айтиш керак – айтилмайди. Эртароқ келиш керак – кечроқ келинади. Кечроқ кетиш керак – эрта кетилади. Ўзини қийнаши керак, ўзини қийнамайди. Ўзи қилиши керак бўлган ишни бировга “қараб қўй”, дейди. “Нега бундай қилдингиз?”, десангиз, “Би-

ринчи марта-ку. Нима қипти? Ўзингиз шундай деган-дек бўлувдингиз-ку! Озгина-ку. Ўтиб кетади-ку. Ҳамма шундай қилади-ку. Ҳеч ким сезмади-ку”, деб оқланади. Булар – хиёнатнинг юмшоқроқ, бошқа сўзлар билан “оқладиган” кўринишлари. Симптом, сигналлари. Бундай муҳитда катта хиёнат хатари яшайди. Бу иллат урчиса, миллий инқироз, стагнация, бир жойда депсиниб туравериш юзага келади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “.... Биз қандай маррага эришмоқчи бўлсак, унга фақат она юртимизга меҳр-муҳаббат, садоқат ва фидойилик билан эришамиз...”³⁶”, деган фикрида ёшлар тарбиясида мана шу фазилатлар етакчилик қилиши зарурлигини айтиб турибди. Афсуски, тарбия дастурларимизда масалани мана шундай тушуниш кам учрамоқда. Исталган мактаб, институтнинг тарбиявий ишлар дастурини кўрсангиз, сизни бунинг мисоли кутиб турибди.

Суҳбатдош: Нима қилиш керак?

М.Қуронов: Ҳозир биз тарбия билан шуғулланаяпмиз, деяпмиз. Лекин аслида таълим билан шуғулланаяпмиз. Шунинг учун таълим-тарбия бўйича масъуллар энг қўрқадиган савол: **“Ўтган ўқув йилида тарбия бўйича қандай натижага эришдингиз?”**. Бирорта ақлли одам чиқиб қолиб, шу саволни бериб қолмасин-да, деб жон ҳовучлаб юришади. Чунки тарбияга соат ҳам, жадвал ҳам, штат ҳам ажратилмаган. Шунинг учун ўтказилган тадбирлар сони бор, лекин энг асосий нарса - натижа йўқ. Чунки унинг натижаси нималарда кўринишини ва қандай бўлиши кераклигини билмаймиз.

Миллий юксалиш даври келди. Энди бундан тўхтаб,

36 Ш.Мирзиёевнинг диний уламолар иштирокида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги баёнотидан. <http://kun.uz/news/2017/06/16/savkat-mirzicev-domla-imomlarga-minnatdorcilik-bildirdi>.

натижасиз, насия тарбиядан натижали-нақд тарбияга ўтишимиз зарур. Тарбия натижаси фазилатларда намоён бўлади. Шундай экан, фазилат-компетенцияларни ўргатишга киришишимиз керак. Жумладан, ҳар бир таълим муассасаси тарбиявий иш режасига “Садоқат тарбияси” деган мавзу кириши керак. Киритмадикми, эртага ҳаётда бизни кутиб оладиган катта-кичик хиёнатлардан хафа бўлмайлик. Чунки ҳар бир катта-кичик хиёнат бу – садоқат тарбияси берилмагани учун олинадиган ўч.

Ўз вақтида садоқат нелигини, муқаддаслиги тушунтирилмаганининг, одатлантирилмаганининг оқибати. Яна, яна ва яна маънавият, яна тарбия. Яна эрта профилактика. Аслида тарбия бу – эрта профилактика дегани.

Суҳбатдош: Бу оилага ҳам боғлиқ, тўғрими?

М.Қуронов: Албатта. Асосий тарбия уйда бўлади. Уйда ота билан онанинг дили, тили бир бўлиши керак. Баъзида ота “йўқ”, деса, она “хўп”, дейди. Бола бир муаммонинг икки хил ечими бўлиши мумкинлигини кўриб, ҳайрон бўлади. Оталар кўпинча меҳнатли роҳатни, оналар – меҳнатсиз роҳатни таклиф қиладилар. Болага қайси ёқади? У 10 марта мақсадга сабр билан, меҳнат қилиб эришса, тўғриликка – садоқатга ўрганади. 10 марта роҳатга “ҳозир ва шу ернинг ўзида”, бунинг устига меҳнатсиз эришса-чи? Ўғриликка, ўз-ўзига хиёнатга, ўз-ўзини алдашга ўрганади.

Хуллас, ҳар бир ота-она – пир, тренер, устоз. Ҳар бир фарзанд – шогирд. Шу сабабли ота-оналар қуйидаги мисрани унутмасалар, кексаликлари армонсиз ўтади:

Доно ота-она бўлғай

Боласининг устози.

Нодон ота-она бўлғай

Балосининг устози.

Суҳбатдош – Сардор Бектемир

БОЛА ҚАЛБИ – ОҚ ҚОҒОЗ

Тарбия – бугун энг кўп айтилаётган сўз. Бу бежиз эмас. Чунки бу сўз ортида Ватан, миллат тақдири турибди. Демак, ҳар бир ота-она кўшни, таниш-билиш, қариндошлари билан гаплашганларида “Болангизда қайси фазилатларни тарбиялаяпсиз?”, “Қанча, қайси иллатларни йўқотдингиз?”, “Бола тарбиясида қайси усулларни қўллаяпмиз, менга ҳам ўргатинг”, деган саволларни бериб боришлари керак. Афсуски, бу саволлар жуда кам учраяпти. Бола қалби – оқ қоғоз. Унга нима чизсак, ёзсак, шу қолиши ҳақиқат. Ҳар бир боланинг пок қалбига гўзал нақшлар – фазилатларни чизилиши учун уч нарса керак бўлади. Устоз, ота-она – қалам – оқ қоғоз. Устоз, ота-оналар – бор. Фарзандлар, болалар – бор. Лекин қалам бўлмаса, нақш чизиб бўлмайди. Қалам бу ўринда тарбия усули демак. Тарбиянинг қайси усуллари, кимга, қачон, қандай вазиятда, қандай қўллашни билмасдан “Мен тарбиялаяпман”, дейиш мумкин эмас. Афсуски, ўтказилган сўровларимизда айрим маслаҳатчи, ҳатто устоз-ўқитувчиларимиз тарбия усуллари, карра-каррадек айтиб бера олишмайди. Бу оппоқ қоғозга қаламсиз (қўл билан) нақш чизишга ўхшамайдими? Бунинг оқибатида бола қалбига интернет, “оммавий маданият”, ўткинчи воқеа-ҳодисалар, стихияли ҳаёт ўз “нақшларини” чизишга уринапти. Ана шу педагогик таҳдиднинг олдини олиш учун Давлат дастурларида “Ота-оналарнинг педагогик маданиятини ошириш, фарзанд тарбияси борасидаги бурч ва масъулиятини ошириш” вазифаси белгилаб берилди.

Сартарошнинг қайчиси, деҳқоннинг кетмони, врачнинг тонометри соз бўлмаса, ўзини ҳам бошқаларни ҳам қийнайди. Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлашти-

ришнинг асосий қайчиси ҳам, кетмони ҳам, тонометри ҳам тадбир. Демак, ўтказётган тадбирларимиз қанча соз, самарали бўлса, иш шунча яхши натижа беради.

Тарбия – инсон онги, қалби билан ишлаш. Лекин кўпинча биз ақлга мурожаат қиламиз, қалб эътиборсиз қолаяпти. Бадий адабиёт, куй-кўшиқ, театр, кинонинг таъсирчан лавҳаларидан ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда самарали фойдаланишимиз зарур. Мисол учун Имом ал-Бухорий масжидининг ноиб-имом Отахон Сафар ўғли Бақонийнинг 2000 йилда “Имом ал-Бухорий сабоқлари” журналида чикқан “Қайтгин, болам, у йўлингдан қайт!” шеърини олайлик. Унда қон йиғлаётган ота-онанинг адашган ўғлига мурожаати ёзилган. Бу шеър ҳар бир адашган ўзбек йигитини ларзага солади. Иккиланаётганларни сескантиради. Ҳамани, айниқса, ёшларимизни огоҳлантиради:

Қайтгин, болам, у йўлингдан қайт!
Кетдинг, болам, Ватандан нолиб,
Ватанфуруш, деган ном олиб.
Бизни оғир аҳволга солиб,
Қайтгин болам, у йўлингдан қайт!
Қанча дардинг бўлса, келиб айт!

Умид билан сени кутаман,
Қон йиғлайман, зардоб ютаман.
Гар қайтмасанг, қарғаб ўтаман.
Қайтгин, болам, у йўлингдан қайт!
Қанча дардинг бўлса, келиб айт!

Мусулмонлар юрти – бу диёр,
Ақидаси, ўз мазҳаби бор!
Пок динингни булғама зинҳор!

Қайтгин, болам, у йўлингдан қайт!
Қанча дардинг бўлса, келиб айт!

Ватанга ўқ отганлар нетди?
Жанозасиз кўмилиб кетди.
Юртбошимиз сени афв этди,
Қайтгин, болам, у йўлингдан қайт!
Қанча дардинг бўлса, келиб айт!

Бу Ватандан менинг кўнглим тўқ,
Гар қайтмасанг, сендек ўғлим йўқ.
Кўксим тутай, агар отсанг ўқ,
Қайтгин, болам, у йўлингдан қайт!
Қанча дардинг бўлса, келиб айт!³⁷

³⁷ Имом ал-Бухорий сабоқлари. Маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал. 2000. 3-4. 232-бет.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	3
Оила – Учинчи Ренессанснинг энг мустаҳкам	
устуни	5
Янги Ўзбекистон – Янги тарбия.....	5
Инновацион фикрлаш.....	8
Миллий ғоя – миллий мотивация	9
“Мен” ва “Биз” уйғунлиги.....	11
Тараққиёт муҳолифлари	13
Меҳр ва садоқат дастури	15
Ўтган кунлар.....	16
Тўрт қаторда беш завод	17
Камбағаллик билан олишув	18
Янгича яшаш	20
Цивилизациянинг оталари	21
Йил номидаги ҳикмат	22
“Авлодлар можароси”	22
Мотивация.....	23
Мурожаатноманинг якуний тушунчаси.....	24
Ўз боламизни, ўз уйимизни, ўз маҳалламизни	
ўзимиз асрайлик	25
Меҳрибон ўғил-қиздан жиноятчи чиқмайди	21
Одам нега жиноят қилади?.....	31
Жондор ҳикмати.....	32
Ғазаб - жаҳолатдан.....	33
Беш минутнинг баҳоси	34
Меҳр нега тансиқ?.....	36
Икки авлоднинг бир муаммоси.....	37
Тарбия – икки дунё сармояси	42
Бугун ҳар бир ота-она педагог бўлиши керак	44
Тарбия лавҳалари	62
Ким айбдор?.....	62

Тарбия “агрономияси”	62
Тарбиявий кафолат.....	63
Ёшларнинг тарбияси – стратегик масала.....	73
Онажонлар, Огоҳ бўлинг!.....	76
Экстремистик гуруҳлар ёшларни қандай	
“илинтиради”?.....	77
Ота-оналарга педагогик маслаҳатлар.....	80
Тарбиянинг олтин қоидалари.....	81
Болани қўллаб-қувватлаш йўллари	82
Мана бу усуллар зарарли.....	83
Болани бахтли қилишнинг 13 қоидаси	84
Қатралар	96
Ёшларга қаратилган ахборот хуружларининг	
методлари	103
“Тарихни қайта ёзиш”	103
Истиқболни ўз манфаатидан келиб чиқиб	
тасвирлаш	105
Такрорлаш.....	105
Чалғитиш	106
Чала ҳақиқат	107
Синов шарлари	108
Руҳий шокка тушириш	108
Бўрттириб кўрсатиш	108
Шов-шувлик ёки тезкорлик.....	109
Урғулар аралашмаси	109
Умумлаштириш	110
Информацион бошбошдоқликни яратиш	111
Муаммо яратиш.....	112
Таҳдид яратиш.....	114
Ижтимоий маъқуллаш	116
Машқ зарби.....	116
Айниган гўмма	117
Болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш	117

Ўқишдаги мустақилликни ўргатиш	118
Америка маҳалла ва оилаларида тарбия	80
Меҳнатсеварлик	121
Ватанпарварлик	125
Тадбиркорлик педагогикаси	128
Замон талаби – компетенциялар.....	133
Бу сўзларни билиб қўйинг.....	135
Хориж тажрибаси.....	140
Фазилат қандай тарбияланади.....	143
Ҳар бир ота-она педагог бўлиши керак.....	151
Тарбия бу - профилактика	154
Маҳалла – оила, мактабнинг ҳамкори	156
Садоқат экилмаса – хиёнат унади	169
Бола қалби – оқ қоғоз.....	182

Муҳаммад Қуронов

ОИЛА
УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ
ЭНГ МУСТАҲКАМ УСТУНИ

Мухаррир *Ахтам Рўзимуротов*
Бадий муҳаррир ва
техник муҳаррир *Дилмурод Жалилов*
Саҳифаловчи *Мадина Абдуллаева*
Мусахҳиҳ *Нигора Ғаниева*

Нашриёт лицензияси № 23846561. 28.10.2020.
2021-йил 01-мартда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32. Times New Roman гарнитураси.
Офсет босма. 5,875 шартли босма табок. 7,45 нашр табағи.
Адади 500 нусха. -рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида

Оригинал макет YOSHLAR MEDIAPRINT нашриётида тайёрланди.
Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 23-мавзе, 8-уй 27-хонадон

“Matbaachi” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Мустақиллик шохкўчаси, 38-уй.